

43-20

51
53
А. КОДИРОВ
451619

402
430



Абу Али ибн Сино

УНИЌ ТИББИЙ ФИКРЛАРИ
ВА ТАБИБЛИК ФАОЛИЯТИ

Асадулла Абдулла ўгли Қодиров

АБУ АЛИ ИБН СИНО

УНИНГ ТИББИЙ ФИКРЛАРИ ВА
ТАБИБЛИК ФАОЛИЯТИ

Ўзбекистон Республикаси
Илмий-тиббий
кўтубхонасига

Муаммердан

24.2.96

Кан

ТОШКЕНТ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАҢЛАР АКАДЕМИЯСИ
«ФАН» НАШРИЯТИ

1995

21 OCT 2017


61
K-53

Китобда муаллиф Абу Али ибн Синонинг тибга онд асарлари, биринчи гада «Тиб қонушлари» китобини чуқур урганлиб, алломанинг тиббий фикрларини ва амалий тиббилик фаолиятини ҳозирги замон илмий тиббиёти нуқтан назаридан таҳлил қилади ва унга баҳо беради. Хусусан, Ибн Синонинг тиб илми соҳасидаги ижобий ва салбий томонлари далиллар асосида кўрсатиб берилади. Китобнинг фойдали томони шундан иборатки, унда муаллиф Ибн Сино ишлатган дорилар ва даво усулларининг қайсылари фойдали, қайсилари ҳозирги илмий тиббиётга тўғри қолмаслигини кўрсатиб берган.

Профессор А. Қодировнинг бу китобидан амалий ва назарий тиббиётнинг турли соҳаларида хизмат қилувчи мутахассислар ва илмий ходимлар ўзлари учун керакли материаллар топадилар.

Ушбу китоб тиббиётнинг турли соҳаларида хизмат қилувчи мутахассислар, илмий ходимлар, тиббиёт тарихчилари ва тиббиёт тарихи билан қизиқувчи барча мутахассисларга мўлжалланган.

Тақризчи:
тарих фанлари доктори, профессор И. М. ХОШИМОВ



К 4102000000—з—1108
М 355(04)—95

ред. 95

© Ўзбекистон Республикаси
ФА «Фан» вазирлиги
«ЎзФосфосорб» илмий-
ишлаб чиқариш корхонаси,
1996 йил.

ISBN 5—648—02323—5

МУҚАДДИМА

Буюк ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг қомуший билимга эга бўлган улўғ ақлома эканлиги фан оламига яхши маълум. Ибн Сино жаҳонга, айниқса, машҳур ҳаким (уқимшли табиб) сифатида танилган. Бу соҳада у Ҳиппократ¹, Гален², Бянь Цю³ ва Сүшрута⁴ каби жаҳоннинг энг машҳур ҳакимларидан билан бир қаторда туради. Урта ва Яқин Шарқ миқосида эса у ўша даврда ягона, буюк ҳаким ҳисобланган.

Абу Али ибн Сино ўз ватани бўлмиш Урта Осиёда тиб илмининг шаклланиши ва ривожланишида асосий рол уйнаган. У Урта Осиёда илмий тиббиётнинг асосчиси-дир. Ибн Сино ва бошқа йирик олимларнинг фаолияти ва яратган асарлари туфайли мамлакатимизда тиббиёт илми шаклланди, ривож топди ва жаҳон илмий тиббиёти даражасига кўтарилади.

Абу Али ибн Сино сўзсиз буюк ҳаким. У урта аср тиббиётининг энг улўғ намояндаларидан биридир. Лекин у ўзининг тиббий фикрлари ва табиблик фаолиятида катта натижаларга эришиш билан бир қаторда баъзи нуқсон ва камчиликлардан ҳам холи бўлмаган. Аммо Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолиятига бағишланган асарларда муаллифлар ёки билмасликдан ёки олимнинг катта обрўсига нутур етказмаслик учун бу масалани қўшиқча четлаб ўтадилар. Бундан бирекламлик илм-фаннинг ривожланишига катта зарар етказганлиги тарихда кўп марта учратилган. Масалан, қадимги юнонистонлик буюк ҳаким Ҳиппократ ўз даврида тиббиётда ҳуморал (рутубатлар) назариясини ишлаб чиққан эди. Аммо бу назарияда галқини этилган фикр хато фикр эди. Лекин Ҳиппократнинг обрўси шу қадар юксак эдики, унинг бу фикрига икки минг йилдан ошдиқ

* Баъзи манбаъларда Бянь-Цю деб ёзилади.

вақт давомида ҳеч ким эътироз билдирмади. Яна бир мисол: қадимги римлик машҳур ҳақим Гален Инжилда ёзилган ривоятга* ишониб (ўзи текшириб кўрмай) эркак кишининг қовурғаси ўн бир дона бўлади, деб ёзган эди. Бу нотўғри тушунча ҳам узоқ вақт давом этди. Бундай хатоликлар кўп бўлган. Бу Ибн Синога ҳам тегиб ўтади. Ибн Сино тиббиётда мизожлар назариясини ривожлантирган эди. Бирор тажриба (эксперимент) усули билан исбот этилмаган бу тушунча ҳам илмий асосга эга эмас эди. Мизожлар тушунчаси шарқ тиббиётида кўп асрлар давомида тиббиёт илмининг ривожланишига катта тўсқинлик қилиб келди. Бундай мисолларни кўпгина келтириш мумкин. Бинобарин, буюк тарихий шахсларнинг ҳаёти ва фаолиятларини баён этишда ҳам бирёқдамаликка берилмай уларнинг фикр ва мулоҳазаларини чуқур ўрганиб, ижобий ва салбий томонларини бир-биридан ажратиб олиш зарур. Тарих шуни тақозо қилади. Мазкур китобда биз шунга амал қилиб, Ибн Синонинг ҳақим сифатидаги фаолиятини қўлимиздан келган қадар ҳолисона ёритиб беришни мақсад қилиб қўйдик. Хусусан, бу асарда Ибн Синонинг тиббий фаолиятидаги икки муҳим масала — унинг тиббиёт ҳақидаги фикрлари ва амалий табиблик фаолияти устида сўз юритилади.

Ибн Синонинг тиббий фикрлари ҳақидаги масала бундан олдин ҳам баъзи муаллифлар томонидан тилга олинган. Масалан, биз В. Қ. Жумаев томонидан ёзилган «Хирургия Абу Али ибн Сины и ее исторические истоки» номли ва И. С. Арзуметов ҳамда К. И. Йўлдошев томонидан ёзилган «Медицинские взгляды Ибн Сины» номли китобларда шу масалага бағишланган мақола (боб)ларни учратдик. Булардан ташқари, Н. М. Мажидов ва В. Д. Гордеевнинг «Неврологические воззрения Ибн Сины» номли китоблари ҳам чоп этилган. Аммо бу китоблардаги мақолалар Ибн Синонинг тиббиёт фани ҳақидаги фикрларини ва табиблик фаолиятини махсус тадқиқот қилиш натижаси бўлмай, китобнинг мазмунига қўшимча сифатида ёзилган мақолалардир.

В. Қ. Жумаев ўз китобида асосан Ибн Синонинг жарроҳ сифатидаги фаолиятини баён этган ва унинг

* Инжилда келтирилган ривоятда айтилишича, худо аввал эркак кишини яратган, сўнг унинг ўн иккинчи қовурғасини сугуриб олиб, ундан аёл кишини яратган экан. Шунинг учун ҳамма эркак жинс кишилар ўн бир қовурғалик бўлиб туғилар эканлар.

умумий тиббий масалаларга нисбатан муносабатини ҳам қисман кўрсатиб ўтган.

И. С. Арзуметов ва К. И. Йўлдошевларнинг китоблари асосан одам организмдаги жигарнинг ҳолатлари ва касалликлари тўғрисида «Тиб қонунлари»да баён этилган фикрларга бағишланган асардир*. Аммо шунда учундир муаллифлар бу асарни «Медицинские взгляды ибн Сины» («Ибн Синонинг тиббий қарашлари») деб атадилар. Биргина жигар касалликлари тўғрисидаги мулоҳазаларга асосланиб Ибн Синонинг тиббиёт фани ҳақидаги фикрлари масаласида тўлиқ хулоса чиқариш мумкин эмас. «Неврологические взгляды Ибн Сины» китобига келсак, бунда ҳам фақат олимнинг асаб касалликлари масаласидаги мулоҳазаларига қараб унинг тиббиёт фани тўғрисидаги фикрлари ҳақида хулоса чиқариб бўлмайди. Ибн Сино асаб тизимининг фаолиятини тўғри таърифлайди. Лекин бу фаолиятни қандайдир мавҳум қувват билан боғлайди. Асаб тизимининг рефлектор фаолиятини билмайди (ўша давр фани учун бу табиийдир). Шунинг учун Ибн Сино бу масалада кўпгина хатоликларга йўл қўйган. Н. М. Мажидов ва В. Д. Гордеева ўз китобларида масаланинг бу томонини етарлича кўрсатиб бермаганлар.

Умуман, юқорида келтирилган китобларда Ибн Синонинг тиббиёт ҳақидаги баъзи мулоҳазалари баён этилган, холос. Бу мулоҳазалар етарлича таҳлил қилинмаган. Уларнинг илмий жиҳатдан тўғри ва янглиш томонлари кўрсатилмаган. Ибн Синонинг амалий табиблик фаолияти ҳақида эса бу китобларда етарли маълумот берилмаган. Бинобарин, Ибн Синонинг тиббиёт илмининг моҳияти ва унинг вазифалари ҳақидаги фикрлари ҳамда унинг амалий табиблик фаолияти етарли ёритилмай қолган. Биз шуни эътиборга олиб, мазкур асарни ёзишни ўз зиммамизга олдик. Китобда Абу Али ибн Синонинг тиб илмининг моҳияти, унинг ўзига хос хусусиятлари ва вазифалари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари таҳлил қилинади ва олимнинг амалий табиблик фаолияти ҳамда бу соҳада у эришган натижалар баён этилади. Биз бунда Ибн Синонинг фаолиятини бўрттирмасдан ҳам, камситмасдан ҳам ҳолисона ифодалаб беришга ҳаракат қилдик.

* Аслида бу асар П. С. Арзуметовнинг «Медицинские взгляды Ибн Сины по материалам «Канола врачебной науки о печени» деб аталган номзодлик диссертациясидир.

Китоб тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисмда биз Ибн Синонинг таржимаи ҳолини бердик. Чунки олимнинг тиббиёт ҳақидаги фикрлари ва табиблик фаолияти, унинг босиб ўтган ҳаёт йўли билан чамбарчас боғлиқ. Бу қисмни ёзишда биз олимнинг шогирди Абу Убайд Жузжоний⁵ томонидан ёзиб қолдирилган «Тарих аҳвол аш-шайх ар-райис» («Олимлар бошлиғи [Ибн Сино]нинг таржимаи ҳоли») номли асарни асос қилиб олдик. Бу асар бизгача бир неча вариантда етиб келган. Шулардан бири Абу Райҳон Беруний номдаги Ўзбекистон Шарқшунослик институтининг нодир қўлёзмалар фондида сақланувчи «Мажмуъа расоил ал-ҳукамо»⁶ («Ҳақимларнинг рисолалари мажмуаси») номли тўпламнинг (инв. № 2385/III) 7—9-бетларида келтирилган. Мутахассислар бу вариант ўрта аср тарихчиси Ибн ал-Қифтийнинг қаламига мансуб, деб ёзадилар. Мазкур тўпламда яна «Фихрист кутуби мусаннифани шайх ар-райис» («Шайх ар-Райиснинг тасниф этган асарлари») деб аталган Ибн Сино асарларининг рўйхати ҳам берилган. «Тарих аҳвол аш-шайх ар-Райис»нинг бошқа варианты машҳур ўрта аср тиббиёт тарихчиларидан Ибн Аби Усайбъанинг⁷ (1203—1270) «Уюн ал-анбо фи табақот ал-атиббо» («Табибларнинг табақалари ҳақида хабарлар манбаи») номли китобнинг иккинчи жилдида баён этилган.

Бу китоб 1882 йилда Қоҳирада босиб чиқарилган экан. Унинг Ибн Синога тегишли қисмини шарқшунос олим Абдусодиқ Ирисов 1959 йилда чиқарилган «Ўзбекистонда прогрессив ижтимоий-фалсафий фанлар тарихига доир материаллар» тўпламига таржима қилиб берган эди. Сўнг бу таржима «Гулистон» журналининг 1979 йил 6-сонига босилиб чиқди. 1980 йилда эса уни А. Ирисов «Абу Али ибн Сино, таржимаи ҳоли» номи билан алоҳида рисола сифатида чоп эттирд.

«Мажмуъаи расоил ал-ҳукамо» мураккаб (зич) усулда ёзилган. Уни ўқиш жуда қийин, баъзи сўзларни тушуниб бўлмайди. Шунинг учун биз асосан «Абу Али ибн Сино, таржимаи ҳоли» китобидан фойдаландик. Керак бўлган шитаталарни ҳам шундан келтирдик. Ибн Аби Усайбъа ўзи ҳам тарихчи, ҳам табиб бўлган. Шунинг учун у Ибн Синонинг табиблик фаолиятига кўпроқ аҳамият берган бўлиши табиий. Биз шунинг ҳам эътиборга олдик. Ибн Аби Усайбъанинг

варианти Шарқшунослик институтида сақланувчи Ибн ал-Қифтийнинг вариантыга жуда яқин.

Қўшимча манбалар сифатида бошқа муаллифларнинг асарларидан ҳам фойдаландик. Хусусан, А. Ирисовнинг 1980 йилда Ўзбекистон «Фан» нашриёти томонидан босиб чиқарилган «Абу Али ибн Сино, ҳаёти ва ижодий мероси»^{*} китоби ва Ю. Н. Завадовскийнинг 1958 йилда ёқлаган «Абу Али ибн Сина» (опыт критической биографии) номли номзодлик диссертацияси билан ҳам танишиб чиқдик. Бу асарларда Ибн Синонинг таржимаи ҳоли ҳақида анча муҳим маълумотлар берилган. А. Ирисов ўз китобида Ибн Синонинг ҳаёти ва ижодига бағишланган жуда кўп китоб, мақола ва илмий асарларни тўплаб, уларни умумлаштирган. Аммо А. Ирисов келтирган асарларда Ибн Синонинг табиблик фаолиятига етарли ўрни берилмаган. Ю. Н. Завадовский ўз диссертациясида Ибн Синонинг таржимаи ҳолига оид араб, форс, рус ва чет эл тилларида ёзилган 400 га яқин (367) адабиёт рўйхатини келтирган. Лекин унинг диссертациясида ҳам Ибн Синонинг табиблик фаолияти етарлича ёритилмаган.

Б. В. Лунин ўзининг Ибн Сино ҳақидаги «Библиографик кўрсаткич»да келтиришича, совет даврида (1918—1978 йиллар) фақат рус тилида Ибн Синога бағишланган 561 асар босилиб чиққан. Шулардан фақат 72 таси Ибн Синонинг тиббий фаолиятига тегишли асарлардир.

Бизнинг қўлимизда ҳам Ибн Синонинг ҳаёти ва табиблик фаолиятига даҳлдор бўлган ўзбек, рус, араб, форс ва бошқа чет эл (инглиз, француз, немис, испан, болгар, поляк, чех) тилларида ёзилган 600 дан ортиқ мақолалар, китоблар, рисолалар ва диссертациялар рўйхати йиғилган. Шуларнинг ҳам муҳимлари билан танишиб чиқдик.

Китобнинг иккинчи қисми Ибн Синонинг тиббиётнинг моҳияти ва унинг вазифалари ҳақидаги фикрларига бағишланган. Бу фикрлар Ибн Синонинг «Тиб қонунлари»^{**} асарининг биринчи китобида баён этилган. Биз бу қисмни ёзишда шу китобни асос қилиб олдик.

Ибн Синонинг тиббиёт, унинг моҳияти ва вазифалари ҳақидаги фикрлари ўрта асрларда кенг тарқал-

^{*} Бу китоб қисқарттирилиб ва баъзи ўзгарттиришлар киритилиб 1992 йилда «Ҳақим Ибн Сино» номи билан қайта босиб чиқарилди.

^{**} Асарнинг тўлиқ номи «Китоб ал-қонуи фи-т-тибб» («Тиб қонунлари китоби»)дир.

ган рутубатлар (суюқликлар) назариясига асосланган эди. Бу назарияга мувофиқ ҳар қандай касаллик киши танасидаги тўрт хил суюқлик — қон, сафро, савдо ва шиллик (балғам, назла)нинг миқдорий ва сифат жиҳатидан ўзгариши натижасида пайдо бўлади, деб тушунилган. Ҳақиқатда эса иш аксинча — бирор касаллик натижасида қонда ва бошқа суюқликларда турли ўзгаришлар рўй беради. Махсус қон касалликлари (анемия⁸, лейкомия⁹, тромбопения¹⁰ ва б.) бундан истиснодир. Буларда биринчи ўзгариш қоннинг ўзида пайдо бўлади. Аммо бу касалликлар Ибн Сино даврида маълум бўлмаган. Ибн Сино қанчалик буюк ҳаким бўлмасин у бу масалада ўша ўрта аср тушунчасидан нари ўта олмаган.

Рутубатлар назарияси ўз ичига унсурлар, хилтлар, мизожлар ва қувватлар тушунчаларини олади. Тажриба (эксперимент) усули билан исбот қилинмаган, абстракт фикрлашга асосланган бу тушунчалар тиббиёт тарихида салбий рол ўйнаган. Бу тушунчалар кўп асрлар давомида табибларнинг фикрини ўзига жалб қилиб қўйиб, уларни касалликларнинг ҳақиқий сабабларини лаборатория ва экспериментал усуллар билан текширишдан узоқлаштирган. Бунинг Ибн Синодек буюк ҳаким ҳам сезмаган. Рутубатлар назариясининг биргина ижобий томони шундан иборат эдики, у касалликни ташқаридан кирувчи қандайдир ғайритабиий кучлар пайдо қилади, деган ибтидоий тушунчага қарши ўлароқ, касаллик одам организмнинг ўзидаги моддалар билан боғлиқ, деган фикрни олдинга сурган эди. Лекин рутубатларнинг касаллик пайдо бўлишидаги ролни нотўғри тушуниларди.

Рутубатлар (хилтлар) назарияси Шарқ табобатида то бизнинг асримизга қадар давом этди. Фарб ҳакимлари бу тушунчалар истиқболсиз эканлигини сезиб, ундан воз кечдилар ва XVII—XVIII асрлардан бошлаб тиббиётда лаборатория ва экспериментал усулларни қўллаш бошладилар. Бунинг натижасида Оврўпо тиббиёти тез суръатлар билан ривожланиб кетди. Шарқ тиббиёти эса рутубатлар назариясидан нари ўтмай ўз тараққиётида бир жойда қотиб қолди.

Китобнинг учинчи қисми Ибн Синонинг амалий табиблик фаолиятига бағишланган. Бу қисми ёзишда биз касалларни кўздан кечириш, ташхис қўйиш ва даволашда Ибн Сино қўллаган усуллар ҳақида олимнинг ўзи ўз асарларида баён этган маълумотларга

асосландик. Бундай маълумотлар асосан «Тиб қонунларининг учинчи ва тўртинчи китобларида берилган.

Китобнинг тўртинчи қисми Ибн Синонинг турли дорилар ҳақидаги фикр ва мулоҳазаларига бағишланган. Хусусан, бу қисмда ҳар хил содда ва мураккаб дориларни тайёрлаш ва уларни ишлатиш ҳақида Ибн Синонинг фикр ва кўрсатмалари баён этилган. Бундай маълумотлар «Тиб қонунлари»нинг иккинчи ва бешинчи китобларида берилган. Биз мазкур қисми ёзишда шу иккита китобни асос қилиб олдик.

Абу Али ибн Сино касалларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда кўпгина ўзига хос усуллар ишлатган. Масалан, у ҳозирги замон илмий тилида «нартли рефлекс»¹¹ деб аталувчи ҳолат ҳосил қилиш ва «руҳий-ҳаяжонли тажриба»¹² каби усуллардан фойдаланган. Буларнинг ҳаммаси Ибн Синонинг табиблик фаолиятини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга. Биз шуларни ҳам ҳисобга олдик. Ибн Синонинг айрим касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволаш усуллари баҳо беришда шу соҳадаги ҳозирги мутахассисларнинг фикрларини ҳам ҳисобга олдик. Китобда илова сифатида Ибн Сино асарларининг рўйхатини бердик ва уларнинг мазмунини қисқача баён этдик.

Китобнинг охирида унда номлари учрайдиган тарихий шахслар ҳақида қисқароқ ахборот бериб ўтдик. Тушунилиши қийин бўлган атамаларга изоҳлар ҳам берилди. Мавзуга тегишли адабиёт рўйхатини ҳам келтирдик.

ИБН СИНОНИНГ ҲАЁТ ЙУЛИ

Абу Али ибн Синонинг таржимаи ҳоли икки қисмга бўлинади. Биринчи қисмини Ибн Синонинг ўзи айтиб берган. Бу қисм олимнинг ҳаёт тақозоси билан кўп шаҳарларни кезиб юриб, охири Эрон ҳудудида бўлган Жўржон шаҳрига келиб, шу ерда истиқомат қила бошлаган даврни ўз ичига олади. Бу 980—1012 йилларга тўғри келади. Иккинчи қисми Ибн Синонинг Жўржондаги ҳаётидан бошланиб, то вафотигача бўлган даврни ўз ичига олади. Бу давр 1012—1037 йилларга тўғри келади. Бу қисм олимнинг шоғирди Абу Убайд Жўзжоний томонидан ёзилган. Сўнг Жўзжоний бу ҳар иккала қисми бирлаштириб, унга «Тарих аҳвол аш-шайх ар-Раис» («Олимлар бошлиғи [Ибн Сино]нинг таржимаи ҳоли») деб ном берган.

«Тарих аҳвол аш-шайх ар-Раис» жуда қисқа ёзилган. У ҳаммаси бўлиб 3 варақ (6 бет)дан иборат. Унда Ибн Синонинг кўп қиррали ҳаёти ва фаолияти тўлиқ ифода этилмаган. Китобга Ибн Синонинг ҳаётида бўлиб ўтган воқеаларнинг ҳаммаси киритилмаган. Бу камчилик кейинчалик ўша замонда яшаган бошқа олимлар ва тарихчилар томонидан тўлдирилган. Улар ўзлари кўриб, ёки кўрганлардан эшитиб, керакли қўшимчалар киритганлар. Масалан, ўша даврлардаги тарихчилардан Абул Ҳасан ал-Байҳақий¹³ (1105—1169), Ибн ал-Қирий¹⁴ (1172—1248), Ибн ал-Ҳаллиқон¹⁵ (1211—1282) ва биз юқорида кўрсатиб ўтганимиз Ибн Абн Усайбига (1203—1270) ва бошқа тарихчилар Ибн Синонинг таржимаи ҳолига кўп маълумотлар қўшганлар ва аниқликлар киритганлар. Жузжонийнинг ўзи ҳам «Тарих аҳвол аш-шайх ар-Раис»да берган маълумотларидан ташқари Ибн Синонинг «Китоб аш-шифо» номли асарига ёзган муқаддимасида устози ҳақида қўшимча маълумотлар берган. Шундай қилиб, Ибн Синонинг ҳаёти ва фаолияти ҳақида анча тўлиқ маълумот тўпланган.

Аmmo Ибн Синонинг ҳаёти ва табиблик фаолияти ҳақида ҳар хил ривоятлар ҳам кўплаб тўқилган. Уларнинг кўпчилиги ҳеч ақлга тўғри келмайдиган турли афсоналар ва уйдирмалардан иборат бўлса, баъзилари ҳақиқатга яқин келадиган ҳаётий ҳодисалардир. Ибн Синонинг ҳаёти ҳақида кўп асар ёзган шарқшунос-тарихчи олим А. Ирисов олим ҳақидаги ривоятларни йиғиб 1980 йилда «Абу Али ибн Сино ҳақида. Афсоналар, ривоятлар, ҳикоялар» номли кичик бир китоб чоп эттирди. Унда йигирмага яқин ҳар хил ҳикоялар, ривоятлар ва афсоналар келтирилган.

А. Ирисовнинг китобчасида келтирилган ҳикоялардан «Йигит касали», «Мен хўкизман», «Фалаж подшоҳ», «Бир кўришда», «Кеч қолибсиз», «Бир сўз ҳам бошқа эмас», «Сиз тилшунос эмассиз» деб аталувчи ҳикоялар диққатга сазовор. Буларда баён этилган ҳодисалар ҳақиқатга анчагина яқиндир. Аммо юқорида айтганимиздек, китобчада келтирилган ҳикояларнинг кўпгинаси табиатда бўлмайдиган ва ҳаётда учрамайдиган ҳар хил афсонавий ҳодисалардан иборат.

Биз Ибн Синонинг ҳаёти ва табиблик фаолиятини баён этишда бундай афсонавий уйдирмаларни четлаб ўтдик.

Тарихий маълумотларга кўра Ибн Сино (Абу Али ал-Ҳусайн ибн Абдуллоҳ ибн ал-Ҳасан ибн Али ибн

Сино) Бухоро яқинидаги Афшона номли қишлоқда 980 (370-ҳижрий) йил сафар (август)* ойида (куни маълум эмас) дунёга келган. Машҳур тарихчи Абу Бакр Муҳаммад Наршаҳийнинг¹⁶ ёзишича, Афшона бир вақтлар каттагина шаҳар бўлган. Сўнг вақт ўтиши билан у ўз мавқени йўқотиб, кичикроқ қишлоққа айланиб қолган ва Исфана деб атала бошлаган. Бу қишлоқ ҳозир яна Афшона** деб аталади.

Ибн Синонинг ўзи таржимаи ҳолида ёзишича, унинг отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасан Афшонага қўшни бўлган Ҳурмайсон (ҳозирги Рометон) қишлоғида маъмурий хизматга бошчилик қилган. Қандай маъмурий хизмат эканлигини Ибн Сино кўрсатмайди. Кўпчилик тарихчилар Абдуллоҳ ибн Ҳасан солиқ йиғувчи эди, деб ёздилар. Демак, у солиқ йиғувчиларнинг бошлиғи бўлган.

Ҳурмайсон Бухоро музофотидаги йирик қишлоқлардан бири бўлган. Атроф қишлоқлардан йиғилган солиқларини дастлаб шу ерга тўплаб, сўнг подшоҳ хазинасига топширган бўлсалар керак. Солиқ йиғувчилик даромадли иш. Абдуллоҳ бу ишга бошчилик қилганлиги учун анча бадавлат киши бўлган. У ўз вазифасига кўра Ҳурмайсон атрофидаги қишлоқларга тез-тез бориб турган. Шулардан бирида Афшона қишлоғида бир ҳусндор қизни кўриб, уни ёқтириб қолиб уйланади ва уларнинг оиласига кўчиб келиб, шу оилада яшай бошлайди. Бу оилада дастлаб Ҳусайн (Ибн Сино), сўнг Маҳмуд исмли икки ўғил туғилади.

Абдуллоҳ ибн Ҳасан ўз даврининг илғор фикрли, маърифатпарвар кишиларидан бўлган. Илм-фанни қадрлаган, ўзи ҳам баъзи фанларга (фалсафа, риёзиёт, плоҳиёт¹⁷) қизиққан. У ўз болаларини ҳам ўқинишли кишилар бўлиб етишишлари учун ҳаракат қилган. Шу мақсадда бўлса керак, катта ўғли Ҳусайн мактаб ёшига етганида ўз оиласини илм ўчоғи бўлган Бухорога кўчириб олиб келган.

Тарихий маълумотлардан маълумки, Бухоро X—XI асрларда мусулмон шарқининг маданий жиҳатдан ривожланган шаҳарларидан бири бўлган. Бу ерда кўп таниқли олимлар, файласуфлар, шоирлар ва ҳакимлар яшаганлар. Ўша даврда ҳукмронлик қилган Сомонийлар илм аҳлларини қўллаб-қувватлаганлар. Улар

* 370-ҳижрий йилнинг сафар ойига милодий йилнинг 16 августдан 14 сентябргача бўлган даври тўғри келган. Бинобарин, Ибн Сино сентябрь ойида туғилган бўлиши ҳам мумкин.

** Афшонада Ибн Синога катта ҳайкал ўрнатилган.

нинг баъзиларига саройдан жой бериб, яхши маош ҳам тўлаганлар. Олимлар ва шоирлар ҳам ўз навбатида «шоҳдан қарздор бўлиб қолмаслик» ва унинг эътиборини қозониш учун уларга атаб янги-янги шеърлар, қасидалар, олимлар эса янги-янги китоблар яратганлар ва уларни чиройли қилиб безаб, шоҳларга тақдим этганлар. Бу ҳақда Ибн Сино ўсиб, катта бўлиб, ўзи олим бўлиб етишганда шеър билан ёзилган «Ўржуза» номли китобининг муқаддимасида бундай деб ёзган эди: ҳакимлар ва қадимги вақтда ўтган фозилларда, подшоҳлар, амирлар, халифа ва вазирлар, қозикалон ва фақиҳларга наср ҳамда назмда турли фан ва илмга бағишланган асар ёзиб, тақдим этиш йўли билан хизмат кўрсатиш одат бўлган эди. Хусусан, табиб-шоирлар кўпинча ражас баҳрида назмлар ёзганлар. Шунинг учун ўша даврларда ёзилган кўпгина китоблар бирор шоҳнинг номи билан боғлиқ бўлган. Абу Али ибн Сино шундай илмий-маданий жиҳатдан кўтаринки шароитда яшади, ўсиб ва камолотга етди. Ибн Синонинг катта олим бўлиб етишишида Бухорода ўша даврда юксак даражада ривожланган илм-фан ва маданият катта рол ўйнаган.

Ибн Синолар оиласи Бухорога кўчиб келганидан сўнг Абдуллоҳ Хусайнни дастлаб, одатдагидек, шаҳардаги яхшироқ ҳисобланган мусулмонча диний мактаблардан бирига ўқишга берган. Бу ерда Ибн Сино араб алифбосидан савод чиқарганидан сўнг у Қуръон ва адаб илминини ўрганишга киришган. «Қуръон илми»га уни ёдлаб олиш, қироат билан ўқиш, унинг сураларини ва оятларини изоҳлаб бериш киради. «Адаб илми»га эса араб тили қоидалари, шеър санъатинини эгаллаш, хусусан маъоний, баён ва қофияни тўғри ишлатиш киради. Одатда, талабалар бу билимларни эгаллаш учун йиллаб, ҳатто ўн йиллаб вақтларини сарф қиладилар. Ибн Сино эса Қуръон ва адаб илмларини жуда оз муддатда мукаммал ўзлаштириб олган. Бунинг натижасида у ёш бўлишига қарамай, ҳадис ва тафсирида бошқалардан анча ўткирлик қилган. У бадий адабиётга ҳам қизиққан, шеърлар ҳам ёза бошлаган. Ўша вақт тарихчиларининг ёзишича, Ибн Сино ўқиган китобларини шу қадар тез ва мукаммал ўзлаштириб оларканки, буни кўрган одамлар ҳайратга тушган эканлар.

Ўғлининг бунчалик зўр истеъдоди ва илмга бўлган кучли интилишини кўрган Абдуллоҳ унинг билимини

янада ошириш мақсадида Бухородаги табиқли илм соҳибларинини ёллаб, уларда Хусайнни ўқитади. Дастлаб уни Маҳмуд массоҳ* исмли ҳинд ҳисоби (риёзиёт) ва ҳандаса бўйича мутахассисда ўқитади. Бу киши ҳандаса илмида жуда ўткир бўлганлиги учун уни «Маҳмуд ҳандаса» деб аташаркан.

Сўнг Хусайн Исмоил Зоҳид (Абу Муҳаммад Исмоил ибн Хусайн ибн Али ибн Хорун) исмли қонуншуносдан фиқҳ (қонуншунослик) илминини ўрганади. Шундан кейин у ўша замонда маълум бўлган бошқа фанларга ҳам қизиқа бошлайди. Кўп ўқиш ва ўқиганларини чуқур мутолаа қилиш натижасида Ибн Синода ёш бўлишига қарамай, ҳар хил фанлар ва дунёвий масалалар ҳақида мустақил фикрлар пайдо бўла бошлайди. Буни қуйидаги мисолдан кўриш мумкин: Ибн Синонинг отаси кўпинча ўз уйига олимлар ва шаҳардаги ўзига яқин кишиларни чорлаб, улар билан турли фанлар ва сиёсат масалаларини тўғрисида суҳбатлар ва мунозаралар ўтказиб тураркан. Ибн Сино анча ёш бўлганлиги учун (бу вақтда у 10—12 ёшларда бўлган) бу суҳбат ва мунозараларда бевосита қатнашмаса ҳам, у ердаги гапларини эшитиб маълум хулосалар чиқараркан. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи таржиман ҳолида отам мисрликларнинг таълимига ёндошган эди, у ўз маслакдошларини билан бу хусусда ва ҳар хил билимлар ҳақида кўп сўзлашарди. Мен эса уларнинг гапларини эшитиб, нима ҳақида сўзлашаётганларини билишга интилардим. Лекин фикрларига қўшилгим келмасди, деб ёзган. Бундан маълум бўладикки, Ибн Синонинг отаси чиндан ҳам ўқиминли киши бўлган, у сиёсий ҳаёт билан ҳам яқиндан қизикқан. Ибн Сино эса ёш бўлишига қарамай, ҳақиқатан илм-фан ва сиёсий ҳаёт масалаларида бошқаларга эргашмай, ўз мулоҳазаларига эга бўлган.

Ўша вақтда Бухорога Абу Абдуллоҳ ан-Нотилий¹³ исмли бир файласуф олим келиб қолган. Ибн Синонинг стаси, ўғлим бу олимдан фалсафа илминини ўргансин, деб ан-Нотилийни ўз уйига жойлаштирган. Хусайн бу олимдан фалсафа, мантиқ ва ҳандаса илмларидан дарс ола бошлайди. Аммо кўп ўтмай ан-Нотилийнинг бу фанларда унчалик кучли эмаслиги маълум бўлиб қолади. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи таржиман ҳолида бундай деб ёзган: «У (ан-Нотилий) менга қай-

* *массоҳ* — ер ўлчовчи киши, тановчи.

си масала ҳақида гапирмасин мен бу масалани ундан кўра дурустроқ тасаввур қилардим. Ниҳоят, мен мантиқнинг оддий масалаларини у кишидан ўқидим, лекин мантиқнинг нозик томонларидан у беҳабар экан. Шундай қилиб, мантиққа оид китобларни ўзимча ўқишга киришдим. Уларга битилган шарҳларни мутолаа қила бошладим ва ниҳоят мантиқ илминини пухта билиб олдим. Уқлидус (Эвклид)¹⁹ китоби ҳам шундай бўлди. Уни бош қисмидан беш ёки олтита теоремаларни унинг олдида ўқидим. Китобнинг қолган қисмидаги масалаларни ўзимча ечишга киришдим. Сўнгра «Аль-мажистий»²⁰ китобига ўтдим... Ан-Нотилий бу фандан дурустроқ хабардор эмас экан. Мен бу китобни ўзимча ўзлаштиришга киришдим. У кишига қанчадан-қанча шакилларни тушунтириб берардим. Шунга қадар у киши буларни билмас экан»*.

Фикримизча, бу ерда Ибн Сино олимларга хос камтарликни унутиб қўйиб, устозини анча камситиб, ўзининг билими ва қобилиятига ортиқча баҳо бериб юборган кўринади. Ан-Нотилий илмда сустроқ бўлиши мумкин. Лекин Ибн Сино ёзган даражада билимдан хабарсиз бўлиши мумкин эмас.

Ибн Синонинг ёзишича, ан-Нотилий кўп ўтмай Хоразмга кетиб қолган. Шундан сўнг Ибн Сино фанларни кўпроқ мустақил ўрганишга киришган. Хусусан, у фалсафа, мантиқ, фикҳга оид китобларни кўп мутолаа қилган. Табний фанларга оид китобларни ҳам ўқиб чиққан. Ибн Сино ўзи ўқиган китоблари қаторида Абу Наср ал-Форобийнинг²¹ «Фусус ал-ҳикам» («Ҳикматларнинг хулосалари») номли асарини ҳам кўрсатиб ўтган.

Шундай қилиб, Ибн Сино анча ёш чоғидаёқ, ўша замонда маълум бўлган билимларнинг кўпини пухта ўзлаштириб олган. У ҳатто катта олимлар қаторида илмий мунозараларда ҳам қатнаша бошлаган. Бундай суҳбат ва мунозараларда Ибн Сино ўзининг чуқур илмий мулоҳазалари ва мантиқий фикрлаш кучининг зўрлиги билан кўпгина катта олимлардан устунлик қилган. Бу Ибн Синонинг фақатгина зўр истеъдоди натижаси бўлмай, шу билан бирга унинг тинимсиз меҳнатининг маҳсули ҳам эди. Ҳақиқатан, Ибн Сино билим олишда жуда ҳам тиришқоқ ва сабот-матонатли бўлган. Бу ҳақда унинг ўзи шундай деб ёзган: «Кейин мен яна

бир ярим йил илм ва мутолаага берилдим. Мантиқ ва фалсафанинг ҳамма соҳаларини қайтадан пухталаб ўқиб чиқдим. Уша кезларда бирор кеча ҳам тўйиб ухламасдим. Кундузлари ҳам илмдан бошқа нарса билан шуғулланмасдим... Кечалари олдимга чироқ қўйиб олиб, фақат ўқиш ва ёзиш билан банд бўлардим... Ана шу зайдда ҳамма илмларни мустақил эгаллаб олдим»*.

Бу ерда Ибн Сино илм ўрганишда ўзининг қанчалик тиришқоқ ва сабот-матонатли эканлигини кўрсатувчи қуйидаги мисолни келтирган: Ибн Сино барча асосий табиат фанларини ўзлаштириб олганидан сўнг, илоҳиётни ўрганишга киришган ва Аристотелнинг²² «Мо баъда ат-табиа», яъни «Табиатдан кейинги фан» («Метафизика»)²³ китобини ўқий бошлайди. Аммо унинг мазмунига тушунолмаб қайта-қайта ўқийверади. У ҳатто бу китобни қирқ марта ўқиб чиқиб, тамоман ёдлаб олади. Шунда ҳам Ибн Сино учун бу китобнинг мазмуни қоронғи бўлиб қолаверган. Фақат шундагина Ибн Сино «бу китоб тушуниб бўлмайдиган китоб экан», деб ундан умидини узган.

Аммо бир тасодифий ҳодиса туфайли Ибн Сино бу китобнинг мазмунини тушуниб олган. Бу ҳодиса шундай бўлган экан: ўша вақтда Бухоро бозорида махсус китобфурушлар ва муқовачилар растаси бўлган экан. Ибн Сино у ерга тез-тез бориб, янги китоблар харид қилиб тураркан. Бу китоб растаси фақатгина китоб сотиладиган жой бўлмай, бу ерда кўпинча олимлар, файласуфлар ва шоирлар йиғилишиб, ҳар хил китоблар ва уларнинг мазмуни ҳақида суҳбатлар, мунозаралар ва баҳслар ўтказиб туришаркан. Ибн Сино ҳам кўпинча бу йиғинларда қатнашиб тураркан. Бир гал Ибн Сино шу китоб растасига борганида бир китобфуруш чиройли қилиб муқоваланган бир китобни унга кўрсатиб, буни сотиб ол, жуда яхши китоб, деб мақтайди. У Абу Наср Форобийнинг «Мо баъда ат-табиа»га ёзган шарҳи экан. Ибн Сино бу китоб, яъни «Мо баъда ат-табиа» тушуниб бўлмайдиган асар, деб сотиб олишдан бош тортади. Аммо китобфуруш — бу китобнинг эгаси пулга муҳтож, уни жуда арзонга — 3 дирҳамга бераман, ол, — деб Ибн Синони кўндиради. Ибн Сино ноилож китобни сотиб олади ва уйга келиб уни ўқиб чиқиб, «Мо баъда ат-табиа»нинг мазмунини тушуниб олади. Ибн Сино бу воқеани шогирди Абу Убайд Жузжонийга ай-

* Абу Али ибн Сино, таржиман ҳоли. Тошкент: Фан, 1980, 8-бет.

* Абу Али ибн Сино, таржиман ҳоли. Тошкент: «Фан», 1980, 9—10-бетлар.

тиб бериб, уни қуйидаги сўзлар билан тугатган экан: Бундан мен ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим. Тангри таолога шукр айлаб, ўша куннинг эртасигаёқ камбағалларга анча садақа улашдим.

Бу воқеа уч муҳим жиҳатдан гувоҳлик беради. Биринчидан, Ибн Синонинг билим йўлида зўр сабот-матонатлилиги. Иккинчидан, бозорида «Метафизика»нинг шарҳидек нодир китобни бемалол сотиб олиш мумкин бўлган Бухоронинг юксак маданияти. Учинчидан, ўша замонда юртимизда Аристотелдек буюк файласуфнинг асарларига шарҳ ёзиш қўлидан келадиган чуқур билимли олимларнинг мавжуд бўлганлигидир.

Абу Али ибн Сино тиб илми билан ҳам анча эрта шуғуллана бошлаган. Бу ҳақда унинг ўзи таржиман ҳолида бундай деб ёзган: «Кейин тиб илми билан шуғуллангим келиб қолди ва унга онд китобларни ўқишга киришдим. Тиб ўзи қийин фанлардан эмас, шу сабабли қисқа вақт ичида бу билимда катта натижаларга эришдим. Энди ҳатто билимдон табиблар ҳам ҳузуримга келиб, мендан тиб илмидан дарс оладиган бўлдилар. Беморларни ҳам кўриб турардим. Орттирган тажрибаларим туфайли мен учун даволаш эшикларини шундай кенг очилдики, буни таърифлаб бериш қийин... Бу вақтда мен ўн олти ёшда эдим»*.

Ибн Синонинг 15—16 ёшидан тиббиёт билан шуғуллана бошлаши мумкин, албатта. Аммо ҳар қанча кўп ўқиган бўлса ҳам, амалий тиббиётга эндигина қандам қўяётган ёшгина табибнинг олдида кўп йиллик тажрибага эга бўлган, Ибн Синонинг ўз сўзи билан айтганда билимдон табибларнинг келиб, ундан сабоқ олишлари унчалик ишонарли эмас. Битта-яримта тажрибаси камроқ табиб келиб, ундан уни-буни сўраган бўлиши мумкин.

Ибн Сино тиб илмини кимдан ўрганганлигини ҳеч қаерда ёзмаган. Фақат баъзи тарихчилар Ибн Сино машҳур ҳадисчи имом Ҳаким Термизийни** ўзининг тибдан устозим, деб билган, деб ёзадилар. Ҳаким Термизий Ибн Синодан бир аср илгари (IX асрда) яша-

* Абу Али ибн Сино, таржиман ҳоли. 9-бет.

** Ҳаким Термизий (Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Али ибн Ҳусайн ал-Ҳаким ат-Термизий) машҳур ҳадисчи имом бўлган. Шу билан бирга у тиб илмини ҳам яхши билган. У Муҳаммад пайгамбар ҳадисларини йиғиши билан бирга катта тиббий қомус ҳам яратган.

ган. Демак, у Ибн Синога тўғридан-тўғри устоз эмас, балки гоёвий устоз бўлиши мумкин.

Ибн Синонинг мен «Кейин тиб илми билан шуғуллангим келиб қолди. Унга онд китобларни ўқишга киришдим», деб ёзишдан шундай хулоса чиқадики, Ибн Сино тиб илмини ҳеч кимнинг ёрдамисиз, мустақил ўрганган. Аммо тиббиётни устозсиз, яъни ўргатувчисиз ўзлаштириш жуда қийин, ҳатто мумкин эмас. Гап шундаки, тиббиётнинг бошқа билимлардан тубдан фарқ қиладиган ўзига хос хусусияти бор. Бу хусусият шундан иборатки, тиббиёт тирик инсон организми билан шуғулланади. Инсон организми эса дунёдаги ҳамма энг мураккаб машиналардан ҳам мураккабдир. Инсон организми ягона тирик мураккаб машинадир. Унда содир бўлиб турувчи физиологик ва патологик жараёнларни лабораторияларда кўздан кечириладиган бирорта ҳам физикавий ва кимёвий жараёнларга таққослаш мумкин эмас, уларнинг ўрталарида жуда катта фарқ бор. Шунинг учун тиббий китобларда «ундай хил томир уриши бўлади, бундай хил томир уриши бўлади», деган сўзларни ўқиб олиш билан киши томирларнинг фарқига боравермайди. Томир уришидаги фарқларни кимдир амалда кўрсатиб бериши керак. Қасални қандай кўздан кечирини, ташхис қўйини ва даволаш усулларини ҳам кимдир дастлаб амалда кўрсатиб бериши зарур. Хулласи, тиббиёт илмини ўрганишда дастлаб ўрганувчига кимдир ўргатувчи бўлиши керак.

Демак, Ибн Сино ўзи ёзмаса ҳам унинг тиббиёт илмидан устози бўлган. Фикримизча, биринчи бўлиб Ибн Синога тиббиётни ан-Нотилий таништирган. Маълумотларга кўра бу олим файласуф бўлиш билан бирга яхшигина табиб ҳам экан. У ҳатто қадимги юнон ҳакими Диоскориднинг тибга онд бир асарини араб тилига таржима ҳам қилган. Бинобарин, ан-Нотилий келишилган «ўқитиш программаси»да бўлмаса ҳам бошқа фанлар орасида Ибн Синога таъбатдан ҳам баъзи нарсаларни ўргатган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Кўпчилик тарихчилар таъбатдан Ибн Синонинг биринчи устози бухоролик таниқли ҳаким Абу Мансур Қумари (Қамарий)²⁴ бўлган, деб ёзадилар. Бунинг юқорида кўрсатиб ўтилган машҳур ўрта аср тиббиёт тарихчиси Ибн Аби Усайбига ҳам тасдиқлайди. Таниқли шарқшунос олим У. И. Қаримов Қамарийга «Ибн

Синога табобатдан дарс берган олим» деб аталган махсус мақола ҳам бағишлаган. Турк муаллифи Иброҳим Огоҳ Чубукчу Ибн Сино тиб илмини Исо бинн Яҳъё (Абу Саҳл Масиҳий)²⁵ дан ўрганган, деб ёзади. Лекин тарихий маълумотларга кўра, Ибн Сино Абу Саҳл Масиҳий билан Урганч (Хоразм) да учрашганлар. Бу вақтда Ибн Синонинг ўзи танилган табиб эди.

Китоб масаласида Ибн Сино ҳақиқатан тибга оид асарларни жуда кўп ўқиган. У ўзидан олдин ўтган машҳур тақимлар асарларининг ҳаммаси билан таниш бўлган. Хусусан, Ҳипократ, Гален, Орибазий, Сушрута, ар-Розий каби буюк ҳақимларни ўз асарларида жуда кўп марта эсга олади. Ш. Шоисломовнинг ёзишича, Ибн Сино кўпроқ Али ибн Аббос ал-Мажусийнинг машҳур «Комил ас-синоа ат-тиббия» («Табобат санъатидан мукамал китоб») деб аталувчи асаридан фойдаланган.

А. Ирисов «Закарӣё ар-Розийнинг²⁶ тиббий асарлари Ибн Сино учур ўрганиш мактаби бўлган эди, деб ёзганда ҳақлидир. Ҳақиқатан, ар-Розий амалий тиббиётда Ибн Синодан ўткир бўлган.

Тиббиёт тарихчиларининг гувоҳлик беришича, Ибн Сино тиб илмини ҳақиқатан тез ва осон ўзлаштириб олган ва касалларни муваффақиятли даволаб, Бухоро аҳолиси ўртасида кўп ҳурматга сазовор бўлган. Шаҳардаги нуфузли кишилар ҳам касал бўлиб қолганларида Ибн Синода даволана бошлаганлар. Бунинг натижасида унинг обрўси яна ошган. Ниҳоят, бу «ёш мўъжизакор» табиб ҳақидаги сўзлар подшоҳ саройига ҳам бориб етган. Бир кун эса Ибн Синони шоҳнинг ўзини даволашга чорлаганлар. Ибн Сино ўзининг чуқур билими ва ўткир мулоҳазалари билан шоҳнинг касалига ташхис қўйиш ва уни даволашда сарой табибларига ёрдам берган. Бунинг натижасида у шоҳнинг ҳурмати-га сазовор бўлиб, «саройга яқин кишилар» қаторига кирган. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи таржиман ҳолида бундай деб ёзган: «Бухоронинг подшоҳи Нух ибн Мансур эди. Иттифоқо у шундай бир касалликка дучор бўлиб қолибдики, табиблар унинг касаллиги ҳақида бир фикрга келиша олмабдилар. Ўқишга қаттиқ киришганим туфайли, номим улар ўртасида машҳур бўлиб қолган экан. Подшоҳ ҳузурда менинг ҳақимда гапиршиб, ундан мен нҳам чақирибини сўрашибди. Подшоҳ бунга рози бўлибди. Мен бориб табиблар билан

биргаликда шоҳни даволашда иштирок этдим ва шу орқали унга танилдим*.

Бухородаги шоҳ саройида нодир китобларга бой катта кутубхона бўлган. Бу Ибн Синога маълум эди. Аммо бу кутубхонадан фақат сарой амалдорлари ва шоҳга яқин кишиларгина фойдалана олардилар. Ибн Сино саройга яқин кишилар қаторига кирганидан сўнг унинг учун ҳам кутубхонадан фойдаланиш имконияти пайдо бўлади. У бу ердаги китобларни ўқишни жуда истарди. Бир кун қўлай фурсат топиб, шоҳдан сарой кутубхонасига кириб, у ердаги китобларни ўқиш учун рухсат сўрайди. Хусусан, Ибн Сино тибга оид китоблар билан танишиш зарурлигини билдиради. Шоҳ Ибн Синога кутубхонага кириш учун рухсат беради. Ибн Сино кутубхонага кириб, у ердаги китобларнинг кўпчилиги ва хитма-хиллигини кўриб, ҳайратда қолади. Бу ерда Ибн Синога илгари номлари ҳам маълум бўлмаган китоблар кўп экан. Ибн Сино бу кутубхона ва ундаги китоблар ҳақида бундай маълумот берган: «Мен кўп хоналардан иборат кутубхонага кирдим. Ҳар бир хонада китоб сандиқлари турар, китоблар эса устма-уст тахлаб қўйилган эди. Хоналарнинг бирида араб тилига оид китоблар, шеърлар, бошқасида фикҳга оид асарлар турарди. Шунинг тартибда ҳар бир хонада фаннинг айрим бир соҳасига оид китоблар тўпланган эди... У ерда шундай китобларни кўрдимки, кўпчилик ҳатто уларнинг номларини ҳам эшитмаган бўлса керак. Ўзим ҳам уларни бундан илгари кўрмаган эдим, кейин ҳам учратмадим**.

Ибн Сино ўзига хос тиришқоқлик ва қўнт билан кутубхонадаги нодир китобларни ўқишга киришди. Аммо у бу ерда тибга оид қандай китобларни кўргани ва ўқигани ҳақида ҳеч нарса ёзмаган. Лекин бундай китоблар, албатта, бўлган бўлиши керак. Чунки ўша вақтларда ёзилган ва араб тилига таржима қилинган китоблар ичнда тибга оид асарлар кўпчилигини ташкил этарди.

Ибн Сино китоб ўқишга шу қадар берилиб кетадики, кутубхонадан чиқмай кеча-кундуз ўша ерда қолиб кетади. Бундан хабардор кишиларнинг ёзишича, фақат шоҳнинг ўзи ёки сарой амалдорларидан бири бетоб бўлиб қолиб, Ибн Синони чақиртирганларидагина у

* Абу Али ибн Сино, таржиман ҳоли. Тошкент, «Фан», 1980. 11-бет.

** Ўша жойда.

ўқиншдан бошини кўтараркан. Шундай матонатли меҳнат туфайли Ибн Сино қисқа вақт ичида кутубхонадаги китобларнинг жуда кўпини ўқиб чиқиб, ўзлаштириб олишга муваффақ бўлади. Бунинг натижасида Ибн Синонинг билими тенги йўқ даражада кенгайди. Бу вақтда у эндигина ўн саккиз ёшга тўлган экан. Шу ёшда у ўша вақтда маълум бўлган дунёвий фанларнинг деярли ҳаммасини эгаллаб олган экан.

Бу вақтда Ибн Синонинг ўзи ҳам китоб тасниф эта бошлайди. А. Ирисовнинг ёзишича, Ибн Синонинг биринчи китоби «Мабоҳис нафсония» («Нафсоний баҳслар») деб аталган экан. Бу китоб «Ҳадият ар-Раис» («Раис ҳадяси») деб ҳам аталади. Уни Ибн Сино Бухоро амири Нух ибн Мансурга бағишлаган экан. Китоб инсон танасидаги қувватлар, хусусан нафсоний қувват масаласига бағишланган.

Ўша вақтда сарой кутубхонасига ўт тушиб, ундаги китобларнинг кўпи ёниб кетган. Аммо Ибн Сино бу китобларнинг энг нодир ва муҳимларини ўқиб улгурган эди. Баъзи тарихчилар орасида Ибн Синонинг ўзи «Мен ўқиган китобларни бошқалар ўқимасинлар, улар бу китоблардан беҳабар қолсинлар», деб кутубхонага ўт қўйиб юборган, деган фикр ҳам бор. Бизнингча, бундай бўлиши мумкин эмас. Ибн Синодек буюк инсон бундай мунофиқликни қилмаса керак.

Баъзи тарихчиларнинг ёзишича, шу ўт тушини воқеасидан кейин Бухоронинг нуфузли кишиларидан бири — Абул Ҳасан ал-Арузий исмли маърифатпарвар (Ибн Сино уни бизнинг қўшнимиз эди, деб ёзади) шу ёниб кетган китоблардан бирор нишон қолсин, деган мақсадда Ибн Синодан уларнинг мазмуни ҳақида бирор китоб ёзишни илтимос қилган. Ибн Сино шу илтимосга биноан шоҳ кутубхонасида ўқиган китобларни баён этилган фанларни тўплаб «Китоб ал-мажмуъ» («Тўплам китоби») номли асар ёзган. Ибн Синонинг ўзи ёзишича, бу асарга, риёзиётдан ташқари ҳамма маълум фанлар киритилган. Аммо бу «Тўплам» Бухоро кутубхонасидаги ёниб кетган китобларнинг мазмуни эканлигига ишониб қийин. Бугун бир катта кутубхонадаги китобларнинг мазмуни битта тўпламга жойлаштириш мумкин бўлмаган иш. Лекин Ибн Синонинг «бу китобга риёзиётдан ташқари ҳамма фанларни киритдим», деб ёзишига қараганда «Тўплам»да ўша вақтда маълум бўлган фанлар ҳақида анча тўдиқ маълумот берилган бўлиши керак.

Ўша вақтда Ибн Сино бу «Тўплам»дан ташқари фаннинг айрим соҳаларига оид махсус асарлар ҳам тасниф этган. Хусусан у Абу Бакр ал-Барқий исмли иккинчи қўшнисининг илтимоси билан фикҳ илмига бағишланган «Китоб ал-ҳосил ва ал-маҳсул» («Хулосалар ва натижалар») ва «Китоб ал-бирр ва ал-исм» («Ижозат ва жиноят ҳақида китоб») номли иккита асар ёзиб берган. Абу Бакр ал-Барқий ўзи фақиҳ (ҳуқуқшунос) бўлиб, бу китобларни ўз амалий ишида фойдаланиш учун ёздирган экан.

Баъзи тарихчилар Ибн Сино Бухорода амалий тиббиётга оид «Тиббиёт луғати» ҳам тузган эди, деб ёздилар. Шаҳардаги кўпгина табиблар бу «Луғат»дан кўчириб олиб, ўз амалий табиблик ишларида фойдаланган ҳам эканлар. Аммо Ибн Синонинг ўзи бу ҳақда ҳеч нарса айтмаган.

Бухородаги шоҳ саройида «Мажлиси уламо» («Олимлар мажлиси») бўлган. Уни баъзи тарихчилар «Бухоро академияси» деб атайдилар.

Бу «Академия»да шоҳ саройидаги олимлар тўпланишган. Ибн Сино ҳам шу «Академия»даги олимлар қаторига киритилган экан. Аммо унинг ўзи бу ҳақда ҳеч нарса ёзмаган.

Маълумотларга кўра Ибн Сино шоҳ саройида табибликдан ташқари қандайдир маъмурий хизматда ҳам бўлган.

997 йилда шоҳ Нух ибн Мансур вафот этади. Унинг ўрнига ўлтирган катта ўғли Абул Хорис Мансур ибн Нух Соний Ибн Синони саройдаги юқориқоқ мансаблардан бирига тайинлайди. Абул Хорис Мансур ибн Нух Соний Ибн Синога нисбатан яхши муносабатда бўлган. Илгари улар сарой кутубхонасида учрашиб, дўстлашиб қолган эканлар.

Саройдаги хизмат Ибн Синонинг анча вақтини оларди. Шунинг учун унинг илмий-ижодий ишлари анча секинлашиб қолади. Бунинг устига Ибн Синонинг бошига бошқа ташвишлар ҳам тушади. Кўп ўтмай (999 йил) Абул Хорис Мансур ибн Нух Соний саройдаги фитна натижасида ўлдирилади. Унинг ўрнини укаси Абул Фаворис Малик ибн Нух эгаллайди. Бу янги шоҳ Ибн Синога нисбатан унчалик илтифот қилмайди. Шунинг учун Ибн Сино сарой хизматидан кетади.

X аср охирида (999 йил) Етти сув томонидан келган қорахонийлар²⁷ Бухорони забт этадилар. Сомонийлар

давлати тугатилиб, қорахонийлар ҳокимияти ўрнатилди. Қорахонийлар мамлакатда ўзгача сиёсат, янгича тартиб ўрнатадилар. Бу Ибн Синога унчалик ёқмайди. Аммо шундай бўлса ҳам у қорахонийлар саройида хизмат қилишга мажбур бўлади. Бу ҳақда олимнинг ўзи бундай деб ёзган: «Отам вафот этиб, аҳволимда ўзгариш юз берди. Султон ҳузурдаги вазифалардан бирини ўз зиммамга олдим. Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк этдим»*. Маълумотларга кўра Ибн Синонинг отаси Абдуллоҳ ибн Ҳасан 1002 йилда вафот этган. Демак, бу воқеалар шу йиллари содир бўлган.

1004 йил кеч кузида ёки 1005 йил бошида Ибн Сино Бухорони тарк этади. Ибн Сино бунинг сабабини очиқ кўрсатмай, «зарурат юзасидан Бухорони тарк этдим» деб қўя қолади. Бу иборалардан Бухорода Ибн Сино учун нохуш ҳолатлар юз берганлигини пайқаб олиш қийин эмас. Унинг Бухородан яширинча чиқиб кетганлиги ҳам шуни кўрсатади. Фикримизча, қорахонийлар ҳукмдорлари Ибн Синога нисбатан унчалик дўстона муносабатда бўлмаганлар. Бунинг натижасида олимнинг бошига ташвишли ишлар тушиши мумкин эди. Бундай вазиятдан қутулиш учун у зоҳидлар ридосини кийиб олиб, Хоразм давлатининг пойтахти Урганч томонга жўнайди. Бу вақтда Хоразмнинг қадимги маданияти тикланиб, унинг пойтахти Урганч Шарқнинг жуда тараққий этган шаҳарларидан бирига айланган эди. Унда кўплаб масжид-мадрасалар, карвонсаройлар, ҳаммомлар, касалхоналар ва бошқа маданий-маиший бинолар барпо этилганди. Шаҳарда кўп олимлар, файласуфлар, шоирлар, ҳакимлар яшардилар. Бу вақтда ҳукмронлик қилган маъмунийлар мамлакатда илм-фан ва маданиятни юксалтиришга катта аҳамият берардилар, фан аҳллариини қўллаб-қувватлардилар. Уларга саройдан жой бериб, илмий-ижодий ишлари учун зарур шароит яратиб берардилар. Ибн Сино бунинг яхши биларди. Шунинг учун у Хоразмга томон йўл олган эди. Олим йўлда кўп қийинчиликларни бошидан кечириб, 1005 йил бошларида Урганчга етиб келади. Бу ерда олимни яхши кутиб оладилар, унга саройдан жой бериб, яшаш ва илмий-ижодий ишлари учун зарур шароит яратиб берадилар. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи таржимаи ҳолида бундай деб ёзган: «Кейин зарурат юзасидан Бухорони тарк этиб (ўзига ортиқча ташвиш орттирмаслик учун у Бу-

* Абу Али ибн Сино, таржимаи ҳоли. Тошкент, «Фан», 1980,

хородаги кўнгилсиз вазиятларни ёзмайди) Гурганч (Урганч) томонга кўчишимга тўғри келди. У ерда илмни сеувчи Абу-л-Ҳасан* ас-Саҳлий вазир эди. У ернинг амири ҳузурга кирдим. Амир Али ибн Маъмун эди. Мен учун менга ўхшаганларга бериладиган старли миқдорла ойлик тайин қилишди**.

Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида Хоразмда яшаган йиллари ҳақида жуда кам ёзган. Лекин тарихдан маълумки, олимнинг бу ўлкада яшаган йиллари унинг ҳаётида энг осойишталик ва самарали йиллар бўлган. Хоразм шоҳи Абул Ҳасан Али ибн Маъмун (998—1009 йилларда шоҳлик қилган) маърифатпарвар шоҳ бўлган. У илм аҳллариини қадрлаган ва уларни доим қўллаб-қувватлаган. Ибн Синони у жуда яхши қабул қилиб, унинг учун зарур шароит яратиб берган. Ибн Сино бу ерда моддий ва маънавий жиҳатдан муҳтожлик сезмай жуда яхши яшаган.

Али ибн Маъмундан кейин шоҳлик қилган Абу Аббос Маъмун ибн Маъмун ҳам илм аҳллариини қўллаб-қувватлашни давом эттирди. Бу шоҳ даврида (1009—1017 йиллар) тарихда «Маъмун Академияси» деб ном олган «Билимлар уйи» («Байт ул-ҳикма») ташкил этилган эди. Бу «Академия»да йигирмадан ортиқ турли соҳанинг олимлари бирлашган эдилар. Улар қаторида машҳур ҳакимлар ҳам бўлган. Ибн Сино ҳам «Академия»даги олимлар қаторига киритилган эди. «Академия»га машҳур хоразмлик олим Абу Райҳон Беруний²⁸ раҳбарлик қилган. Ибн Сино Абу Райҳон Беруний билан жуда дўстлашиб олган эди. Улар кўп илмий масалаларни биргаликда ўрганиб, биргаликда ечар эдилар. Беруний ўзи ҳам бир жиҳатдан тиббиётга яқин бўлган. У турли доривор ўсимликлар ва моддаларни яхши билган.

Уша даврда Хоразм шоҳи саройида яшаган машҳур табиблардан Абул Ҳайр Ҳаммор²⁹ ва Абу Саҳл Масиҳийни кўрсатиш мумкин. Кейин уларга Ибн Сино ва сўнг Абу Абдуллоҳ Илоқий³⁰ қўшилдилар.

Урганчда ва бошқа шаҳарларда касалхоналар барпо этилган эди. Маълумотларга қараганда Урганчдаги касалхонада Абу Абдуллоҳ Илоқий хизмат қилган. Ибн Сино билан Абу Саҳл Масиҳий ҳам касалхонадаги беморларга ташхис қўйиш ва даволашда ёрдам берган-

* Баъзи маълумотларда бу вазирнинг исми Ҳусайн деб аталади.

** Абу Али ибн Сино, таржимаи ҳоли. 12—13-бетлар.

лар. Қасалхонада беморларни даволаш билан бир қаторда, уларда касалликларнинг кечиши, аломатлари ва оқибатлари ҳам кўздан кечириб борилган, олинган маълумотлар умумлаштирилиб, керакли хулосалар чиқарилган.

Ибн Сино Хоразмда ўзининг тибга оид биринчи асарларини ёза бошлаган. Унинг бу соҳадаги биринчи ёзган асари «Дафъ ал-мадорр ал-куллийа ан ал-абдан ал-инсонийа би-тадорук анваъ хата ат-тадбир» («Тадбирда йўл қўйилган хатоларни бартараф қилиш йўли билан инсон танасига етган зарарларни тузатиш») деб аталган. Бу китоб кейин қисқароқ қилиб, «Тадорук анва ал-хата ал-воқийъ фи-т-тадбир ат-тиббия» («Тиббий қоидаларда учрайдиган хатоликларни тузатиш») деб атала бошлаган. Китобнинг муқаддимасида айтилишича, Ибн Сино мазкур асарни Хоразм шохининг бош вазирини Абул Ҳасан Муҳаммад ас-Саҳлийнинг таклифига биноан ёзган. Китоб ўз номидан келиб чиқиб, тиббий амалиётда ва ҳаётда хатоликларга йўл қўйиш натижасида пайдо бўладиган касаллик ҳолатларининг олдини олиш ва тузатишга бағишланган. А. Ирисовнинг ёзишича, Ибн Сино Абул Ҳасан ас-Саҳлийга «Уржуза фи-л-мантиқ» («Мантиққа оид уржуза») номли асар ҳам ёзиб берган.

Хоразмда Ибн Сино 7 йилча яшадиган (1005—1011 йиллар). Бу йиллар унинг учун энг самарали йиллар эди. Лекин 1011 йилнинг ўрталарида Ибн Сино Хоразмни тарк этишга мажбур бўлди. Чунки қўшни мамлакат — Хуросоннинг ҳукмдори Султон Маҳмуд Ғазнавий (Яминиддин Маҳмуд ибн Сабуктагин) зўрайиб кетиб, Хоразмга таҳдид қила бошлади. (Хоразм унинг таъсирига тушиб қолган эди.) Маҳмуд Хоразм шохига мактуб ёзиб, унинг саройидаги олимларни Ғазнага, унинг саройига юборишни талаб қилади. У Берунийдек улуг олим, Ибн Синодек буюк ҳақимнинг ўз саройида хизмат қилишларини истарди. Аммо султон Маҳмуд жуда диндор одам эди, у даҳрий, деб аталувчи эркин фикрли кишиларни ёқтирмасди. Ибн Сино эса «даҳрий» деб ном чиқарган эди. Шунинг учун унинг Маҳмуд саройига бориши хавфли эди. Абу Саҳл Масиҳий эса ғайридин (христиан) эди. Шунинг учун шох Маъмун Султон Маҳмуднинг хатини олимларга ўқиб бериб, ҳар ким бу масалани ўзи ҳал қилишини сўраганида Ибн Сино билан Масиҳий Султон Маҳмуд саройига бормасликларини билдирдилар. Улар шохнинг топшириғи билан вазир

Абул Ҳасан ас-Саҳлий ёрдамида Хоразмдан яширинча чиқариб юборилдилар. Кўп тарихчиларнинг ёзишича, Беруний уларга Журжонга—Қобус ҳузурига ёки Райга Малика Сайида саройига бориб, ўша ерда хизмат қилишни тавсия этган ва уларнинг қўлига бу шохлар номига хат битиб берган. Хатда Беруний бу шохлардан Ибн Сино ва Масиҳийга зарур шароит яратиб беришни илтимос қилган эди. Абу Райҳон Беруний бир вақтлар Журжонда, Қобус саройида ва Райда Малика Сайида саройида хизмат қилиб, уларнинг ҳурматига сазовор бўлган эди. Шунинг учун уларга хат орқали мурожаат қилишга журъат этган.

Султон Маҳмуд ҳақиқатан диндор одам бўлганлиги ва даҳрийларни ёқтирмаганлиги тўғри. У ўз душманларига нисбатан жуда шафқатсиз бўлган. Лекин баъзи тарихчилар ёзганидек, ҳар қандай тараққиётга қарши жоҳил одам бўлган эмас. У мамлакат тараққиётида маънавиятнинг тутган ўрнини тушунарди. Илм-фан ва маданият давлатнинг шухратини оширишини ҳам биларди. Шу сабабдан фан аҳлларини қўллаб-қувватлаган. Уларга турли имтиёзлар ҳам берган. Масалан, Маҳмуд ўз саройида сидқидиллик билан хизмат қилган ҳақим Абул Ҳайр ибн Сивор Бехномга «Ҳаммор» деган жойини ҳадя қилган. Шундан кейин бу олимнинг номига «ҳаммор» сўзи қўшилиб, у Абул Ҳайр Ҳаммор деб атала бошлаган. Тарихий маълумотларда ёзилишича, Маҳмуднинг ўзи ва унинг ўғли Масъуд ҳукмронлик қилган даврда улар қўли остидаги шаҳарларда кўплаб масжид-мадрасалар, хонақоҳлар, карвонсаройлар, касалхоналар барпо этилган. Масалан, Султон Маҳмуднинг ўғли Масъуд Ғазна шаҳрида катта шаҳар каласхонаси барпо эттирган эди. Унга бошлиқ қилиб ўша даврнинг кўзга кўринган ҳақимларидан бири — табиб Абу-Ҳамид ан-Наҳшыйни тайинлаган. Баъзи маълумотларга кўра у Абу Райҳон Берунийни оғир хасталикдан операция қилиб тузатган. Шох саройида кўплаб ўша замоннинг кўзга кўринган олим ва фозиллари хизмат қилганлар. Бинобарин, Султон Маҳмуд Ибн Синони ўз саройига таклиф этганида уни ўлдиришни эмас, балки бу ҳақим унга хизмат қилишини кўзда тутган эди. Лекин Ибн Сино Масиҳий билан бирга Ғазнага эмас, Журжон томонга йўл олдилар. Урганч билан Журжон ўртасида даҳшатли Қорақум саҳроси ётарди. Бу саҳродан ўтишда Масиҳий йўл азобларига чидаш беролмай оламдан ўтди. Ибн Сино кўп қийинчиликларни бошидан кечириб,

ҳозирги Туркменистон ҳудудида бўлган Нисо шаҳрига етиб олади. Бир оз вақтдан сўнг Абиверд шаҳрига ўтади. Аммо бу шаҳарда ҳам узоқ турмайди, чунки Султон Маҳмуд Ибн Сино унинг саройига боришдан бош торганлиги учун дарғазаб бўлиб, кўп шаҳарларга ўз айғоқчиларини юбориб, уларга Ибн Синони топиб, зўрлик йўли билан бўлса ҳам Фазнага олиб келишни топширган эди. Шунинг учун Ибн Сино бир шаҳарда узоқ вақт қола олмасди.

Баъзи тарихчилар Султон Маҳмуд ўз саройида хизмат қиладиган кимёгар олим ва рассом Абу Наср Ироққа Ибн Синонинг расмини (ёддан) чиздириб, уни кўпайтириб кўп шаҳарларга юбортирган ва шу расмга қараб Ибн Синони топишни буюрган эди, деб ёзадилар. Бу ҳақиқатга тўғри келмайди, чунки, биринчидан, одамнинг суратини ёддан чизиш мумкин эмас, иккинчидан, мусулмон динида одамнинг суратини чизиш манъ этилган.

Ибн Сино ўз таржимаи ҳолида ёзишча, у Абиверддан Тусга, сўнг Шиққанга, ундан Самниқонга, кейин эса Жожурумга ўтиб, ниҳоят Журжонга етиб келган, аммо қўлидаги хатни Қобусга топшира олмаган. У Қобуснинг олдида кирмоқчи бўлиб турганида уни тахтдан тушириб, қалъага қамаб қўядилар. Шоҳ Қобус қалъада вафот этади. Шунинг учун Ибн Сино бу шаҳардан ҳам кетишга мажбур бўлади. У Журжондан анча узоқ бўлмаган Дехстонга боради. Бу ерда қаттиқ иситма касаллигига (безгак бўлса керак) учраб қолиб, Журжонга қайтиб келади.

Журжонда Ибн Сино Абу Убайд Жузжоний исмли ёш олим ва файласуф билан учрашиб, улар дўстлашиб қоладилар. Шу ерга келганда Ибн Синонинг ўзи айтиб берган таржимаи ҳоли тугайди. Бундан буёғини Абу Убайд Жузжоний давом эттиради.

Абу Убайд Жузжоний (Абу Убайд Абдул Воҳид ибн Муҳаммад ал-Жузжоний) асли Хуросонлик бўлиб, Хиротга яқин жойдаги Жузжон (баъзи тарихчилар Жузжон деб атайдилар) шаҳрида туғилган. Абу Али ибн Сино билан Абу Убайд Жузжоний Журжонда учрашиб қолиб, дўстлашиб олган кунларидан бошлаб, улар умр бўйи бирга бўладилар. Жузжоний Ибн Синонинг то вафотига қадар унинг содиқ шогирди бўлиб қолади.

Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишча, Журжонда илм-фанни қадрлайдиган Абу Муҳаммад аш-Шерозий исмли бадавлат одам бўлган. У Ибн Синонинг мухлисларидан бири экан. Шу киши Ибн Синога бўлган зўр ҳурматини

ифодалаб, ўз ҳовлисига яқин жойдан уй сотиб олиб, унга Ибн Синони кўчириб олиб келади. Ибн Сино бу орттирган дўстларининг ёрдами билан Журжонда анча дуруст ва хатарсиз яшайди. Абу Муҳаммад аш-Шерозий Ибн Синога моддий жиҳатдан ҳам ёрдам бериб турган.

Тарихий маълумотларга кўра Ибн Сино Журжонга келганида бу шаҳарда аҳоли ўртасида қандайдир касаллик тарқалган экан. Ибн Сино тезлик билан беморларни даволашга киришади. Кўп беморлар ундан нажот топиб соғайиб кетадилар. Бунинг натижасида Ибн Синонинг обрў-эътибори ошиб кетади. Бу ерда Ибн Сино касалларни даволаш билан бирга улар устида кузатиш ишлари ҳам олиб боради. Ҳар хил дориларни синаб кўради, бўлғуси китобларига маълумот тўплайди. Буни Абу Убайд Жузжоний ҳам кўрсатиб ўтган.

Тарихий маълумотларга кўра ўша вақтда Журжонда шундай воқеа бўлиб ўтган: Ибн Синонинг Журжонга келгани ҳақидаги хабар подшоҳ саройига ҳам бориб етган. Журжон ҳукмдори Манучеҳнинг жияни қандайдир номаълум касалга мубтало экан. Саройдаги табиблар унинг касаллини аниқлай олмабдилар. Манучеҳр Ибн Синонинг дарагини эшитиб, касал жиянини кўрсатиш учун уни саройга чақиртиради. Ибн Сино беморни кўриб, унинг аъзоларида бирор касаллик аломатини топмайди. Шунда Ибн Синода бу ёш йигит севги дардига мубтало эмасмикин, деган фикр пайдо бўлади ва олим ўзининг бу фикрини усталик билан (беморнинг руҳий-эмоционал ҳолатига таъсир этиб) исботлайди ва бу «касаллик»ни даволаш йўлини кўрсатиб беради*. Ибн Синонинг маслаҳати билан бу йигитни ўзи яхши кўрган қизга уйлантирадилар ва у тез кунда соғайиб кетади. Бундан кўп мамнун бўлган Манучеҳр Ибн Синога шаҳарда бемалол очиқ яшаб, ўз табиблик иши билан шуғулланиши учун рухсат беради. Ибн Синонинг табиблик фаолиятида бундай воқеалар кўп бўлган.

Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишча, Ибн Сино Журжонда тўрт йилча (1012—1015 йиллар) яшаган. Бу давр Ибн Сино учун Хоразмдан кейин иккинчи осойишта ва тинч ҳаёт йиллари бўлган. Ибн Сино Журжонда шу тўрт йил ичида йигирмадан ортиқ катта-кичик асарлар ёзган ва кўп шогирдлар тайёрлаган. Жузжонийнинг гувоҳлик беришча, Ибн Сино ўзининг машҳур асари

* Бу ҳодисанинг тафсилли бизнинг 1980 йилда босиб чиқарилган «Абу Али ибн Сино — ўртаосиёлик буюк ҳаким» номли китоб-чаманда тўла келтирилган.

«Тиб қонунлари китоби»ни ҳам Журжонда ёза бошлаган. Жузжоний устозининг Журжонда ёзган муҳим асарларидан қуйидагиларни кўрсатиб ўтган: «Китоб ал-муҳтасар ал-овсат фи-л-мантиқ» («Ўртача қисқа мантиқ китоби»), «Китоб ал-муҳтасар ал-мажистий» («Ал-мажистийнинг қисқартмаси китоби»), «Ал-муҳтасар ал-асфар фи-л-мантиқ» («Мантиқнинг кичкина қисқартмаси»), «Китоб ал-қонун фи-т-тиб» («Тиб қонунлари китоби»)нинг бошланғич қисми, «Китоб ал-мабда ва ал-маод» («Нарсаларнинг дастлабки ва охири ҳолатлари ҳақида китоб»), «Китоб ал-арсод ал-куллиа» («Умумий қузатиш китоби»). Кейинги иккита китобни Ибн Сино ўзининг ҳомийси Абу Муҳаммад аш-Шерозийнинг илтимосига биноан ёзган ва унга тақдим этган.

Султон Маҳмуд Ибн Синони таъқиб қилишни тўхтатмайди. У олимнинг Журжонда эканлигини эшитиб, бу шаҳарга ҳам таҳдид солади. Бир вақт шаҳарда Султон Маҳмуд Журжонга қарши юриш қилармиш, деган хабар тарқалади. Бундан хавф олган Ибн Сино 1015 йилнинг охирида Журжондан чиқиб кетади ва Абу Райҳон Берунийнинг маслаҳатини эслаб, Рай*га томон жўнайди. Райда Ибн Синони яхши кутиб оладилар. Малика Сайида Абу Райҳон Берунийнинг хатини ўқиб, Ибн Синога унда илтимос қилинганидек яхши шароит яратиб беради.

Рай маликаси Сайиданинг Мажд уд Давла исмли ўғли бўлиб, у қандайдир руҳий касалликка учраган экан. Ибн Сино уни даволаб тузатади. Бундан мамнуф бўлган малика Ибн Синога писбатан яна ҳам дўстона муносабатда бўлади. Ибн Синонинг яшаши ва ижодиёти учун ҳамма зарур шароитни яратиб беради. Аммо Ибн Сино Райда жуда оз (бир йилча) яшайди. У шу оз вақтдан бўлса ҳам унумли фойдаланиб, «Китоб ал-маъод» («Қайтиб бориш китоби») номли асар ёзади.

Султон Маҳмуд Ибн Синонинг Райда эканлигини эшитиб, Сайидадан уни Ғазнага жўнатишни талаб қилади, ақс ҳолда Райга ҳарбий юриш қилишини билдиради. Аммо ақлли ва тадбиркор аёл урушининг олдинги олишга муяссар бўлади. Тарихий маълумотларга кўра Сайида Султон Маҳмудга қуйидаги мазмунда хат юборган: «Агар уруш натижасида сиз мени енгсангиз одамлар Султон Маҳмуд бир ожиза аёлни енгди, дейдилар

холос. Агар мен сиздан голиб чиқсам, сиздек буюк шоҳга катта номус бўлади». Султон Маҳмуд бу хатни олганидан сўнг Рай устига қўшин тортишни тўхтатади. Тарихчилар бу хатнинг матнини Ибн Сино ёзиб берган, дейдилар. Тўғри бўлса керак. Аммо Ибн Сино Райда қолмайди.

Уша даврда Эрон ерлари бир неча кичик-кичик давлатларга бўлинган эди. Шимолда знерийлардан бўлган Қобуснинг ўғли Манучеҳр, жанубда бувайхийлардан* Мажд уд Давла (Сайиданинг ўғли), Ҳамадонда Шамс уд-Давла, Хузистонда Бадр ибн Ҳасанвайх. Исфахонда Ало уд-Давла ҳукмронлик қилардилар. Ибн Сино шулардан Султон Маҳмуднинг қўли етмайдиган бирортасига бориб, ўша ерда истиқомат қилиш ниятида эди. Бу масалада унинг учун энг қулай жой Ҳамадон подшоҳини эди. Бу мамлакат Султон Маҳмудга тобе бўлмай, ўзи мустақил сиёсат олиб борарди. Ибн Сино бир оз вақт Қазвинда яшаб, сўнг 1016 йилда Ҳамадонга келади. Бу ерда олим ўзи учун бир қадар тинчроқ яшаш шароитини топган эди.

Ҳамадон ҳукмдори Шамс уд-Давла тез-тез хуруж қилиб турадиган ичак касаллигига мубтало эди (унда сурункали колит бўлган бўлса керак). Шунинг учун у донмо тажрибали табиб ёрдамга муҳтож бўлган. Шу сабабдан у Ибн Синодек буюк табибнинг ўз шаҳрига келганлигидан хурсанд бўлиб, уни жуда яхши қабул қилади. Ибн Сино шоҳни даволай бошлайди. Шамс уд-Давланинг касали жуда чуқурлашиб кетган бўлса керакки, Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, уни даволаш учун Ибн Сино шоҳ олдида «қирқ кеча-ю қирқ кундуз» қолиб кетган. Шамс уд-Давла соғайганидан сўнг Ибн Синодан кўп мишнатдор бўлиб, унга қимматбаҳо совғалар тақдим этади ва ўзига шахсий табиб қилиб тайинлайди. Шамс уд-Давла Ибн Синони ўзидан узоқлаштирмасди. Олим унинг энг яқин кишиларидан бири бўлиб қолган эди. Ибн Синонинг ҳуқуқшунослик илми ва давлат тузилиши масалаларини яхши билишидан хабардор бўлиб, уни ўзига вазир қилиб ҳам тайинлайди. Вазир сифатида давлат ишларини бошқариш ва шоҳнинг шахсий табиби вазифасини бажариш Ибн Синонинг кўп вақтини оларди. Бунинг устига Шамс уд-Давла урушқоқ шоҳ эди. У қўшни ўл-

* Рай шаҳри Эронда, ҳозирги Теҳронга яқинроқ жойда бўлган.

* Знерийлар ва бувайхийлар Эроннинг тоғли ўлкаси (Дайлам) да яшайдиган қабилалари.

калар шоҳлари билан тез-тез урушиб, кўпинча ҳарбий сафарларда бўларди. Ибн Сино ҳам бу сафарларда шоҳнинг ёнида бўлишга мажбур эди. Шу сабабдан унинг ўз шахсий ишлари, хусусан, илмий-ижодий фаолияти учун жуда оз вақт қоларди. Ибн Сино шу оз вақтдан бўлса ҳам унумли фойдаланишга ҳаракат қиларди. Ҳар бир бўш фурсатни бекор ўтказмай, бошлаб қўйган китобларини тугатиш ва янгиларини ёзиш билан шуғулланарди.

Ибн Сино Ҳамадонда 8 йилча (1016—1024) яшадди. Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, олим шу давр ичинда бу шаҳарда бир неча йриқ асар тасниф этган. Хусусан, у Ҳамадонда ўзининг машҳур тиббий асари «Тиб қонунлари»нинг биринчи китобини ёзиб тугатган. Бундан ташқари тибга оид «Ал-адвият ал-қалбия» («Юрак дорилари») номли китоб ҳам яратган. 18 жилдлик фалсафий асари «Китоб аш-шифо» («Шифо китоби»)нинг табиат фанлари ҳақидаги қисмини ёзган. Аристотелнинг фалсафий асарларига шарҳлар тузган. Бошқа тиббий фанларга оид асарлар ҳам ёзишга киришган.

Ҳамадонда Ибн Сионинг кўлгина шогирдлари ва мухлислари бўлган. Олим кундузлари сарой хизмати билан банд бўлганлиги учун у шогирдлари билан кеча-лари шуғулланар экан. Бу ҳақда Жузжоний шундай хабар беради: «Кечалари Шайхнинг уйида толиб илмлар йиғилар эдилар. Мен «Аш-шифо»дан ўқирдим. Мендан бошқалар навбат билан «Тиб қонунлари»ни ўқирдилар»...*. Булардан бўшаганимиздан сўнг хонанда ва созандалар келишар, шу билан ўлтириш бошланиб, косаларга шароб сузиларди. Биз шогирдлар ҳар хил ишларни бажарардик**». Демак, Ибн Сино яхши ишлашни, яхши ишлашдан кейин яхши дам олишни яхши билган. Аммо олим шароб ичишга берилиб кетишга мутлақо қарши бўлган. У, айниқса, ўз талабаларидан шаробдан узоқроқ бўлишни талаб қилган. Бу ҳақда шундай ривоят бор: Бир кеч талабалар тўйдами, йиғиндами ортиқча ичиб юбориб, эртаси кун дарсга бошларини оғриган, ҳолда келадилар. Улар бунинг бекитишга

* Шу ерда Байҳақий «Ал-Маъсумий — Ал-Қонун»ни, Ибн Зайдов «Аш-шифо»ни, Баҳманёр «Ал-ҳосил ва ал-маҳсул» китобини ўқур эдилар, деган сўзларини қўшган экан. Булар Ибн Сионинг бошқа мамлакатлардан келган шогирдлари эди. Масалан, Баҳманёр Озарбайжондан келган зўр қобилиятли шогирдларидан бири бўлган.

** Абу Али ибн Сино, таржиман ҳоли. 1980. 18—19-бетлар.

қанчалик уринмасликлар, Ибн Сино уни сезади. Шунда у бугун дарс бўлмаслигини айтиб, талабаларни қайтариб юборади ва уларга дейди: Сизлар бу кеча ичкилик ичиб, бугун бир кунингизни йўқоғдингиз. Фанни эгаллашда эса бир кун, ҳатто бир соат ҳам эмас, балки бир дақиқа ҳам гавҳардек қимматдир. Маст кишидан ақл, ҳаё ва сабр кетади. Модомики, инсон шулардан маҳрум бўлар экан, у одамгарчиликдан чиқади. Ибн Сино ўз талабаларидан доим ростгўй, пок ва ҳаққоний бўлишни талаб қилган. Ҳар хил манший ҳисларга берилмаслик, ҳар бир нарсада меъёр бўлишини уқтирган. Табиблик билими масаласида сўзлаб, бу билимни эгаллашни нстаган киши камтарин, касалларга нисбатан меҳрибон, очиқкўнгил, хушмуомала, ширинсўз бўлиш зарурлиги, очкўз, таъмагир, гаразгўй бўлмаслик кераклигини таъкидлаган.

Ибн Сино вазирлик вазифасига ўтгандан сўнг аҳолининг манфаатларини кўзлаб баъзи тadbирларни амалга оширди, ободончиликка аҳмият беради, саройдаги ортиқча дабдалар ва харажатларни чеклаб қўяди. Сарой амалдорлари ва ҳарбийларнинг маошлари устидан назорат ўрнатади. Бунинг натижасида Ибн Синога нисбатан норозилик кучаяди. Сарой амалдорларининг гиж-гижлашлари оқибатида ҳарбийлар исён кўтардилар. Ибн Сионинг уйига бостириб кириб, ҳамма ёқни вайрон қиладилар, олимнинг ўзини тутиб олиб, шоҳдан уни ўлдиршни талаб қиладилар. Аммо шоҳ Ибн Сионини ўлдирishга кўнмайди. Лекин уни ўз вазифасидан четлатишга мажбур бўлади. Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино дўстлари ёрдамида саройдан чиқиб кетиб, Абу Сайид ибн Даҳқуқ исми билан бир таниш кишининг уйида қирқ кун яшириниб ётади.

Шу вақтда Шамс уд-Давланинг сапчиқ касали қўзғаб қолиб, у Ибн Сионини топтириб саройга келтиради ва бўлиб ўтган воқеалар учун ундан узр сўрайди. Ибн Сино эса уни даволашга киришади. Шоҳ тузалганидан сўнг Ибн Сиондан ўзининг вазирлик вазифасини давом эттиришни сўрайди. Ибн Сино саройга қайтиб келиб, ўз вазифасини бажаришга киришади. Бу гал у давлат ишларини эҳтиётлик билан олиб боради.

Ибн Сино вазирлик вазифасини эгаллаб, уни яхши бажараётган бўлса ҳам ўзини спесатчи арбоб эмас, биринчи галда олим деб ҳисоблайди. Шунинг учун ўз фаолиятида илмий-ижодий ишларни биринчи ўринга қўяди. У давлат ишлари орасида, ҳатто ҳарбий юриш-

лар вақтида ҳам қулай фурсат бўлиб қолса, китоб ўқиш ва асар ёзиш билан шуғулланади.

Абу Убайд Жузжонийни ёзишча, Шамс уд-Давланинг одатдагидек ҳарбий юришларидан бирида касали авж олиб кетиб, аҳволи жуда оғирлашиб қолади. Уни тузатиш учун Ибн Синонинг ҳар қанча урнишига қарамай, у Ҳамадонга қайтиш йўлида вафот этади. Шамс уд-Давланинг ўрнига тахтга ўлтирган ўғли Само уд-Давла Ибн Синога нисбатан унчалик илтифот қилмайди. Шунинг учун у вазирлик вазифасини тошириб, саройдан кетади. Олимнинг мақсади ўз илмий-ижодий ишларини давом эттириш эди. Аммо Ибн Синонинг олдида янги қийинчиликлар ва хавф-хатарлар пайдо бўлади. Саройдаги Ибн Синодан норози кишилар ва ҳарбийлар янги шоҳнинг олимга нисбатан илтифотсизлигидан фойдаланиб, унга ғаразли ишлар қила бошлайдилар. Ибн Сино бу ҳужумлардан қутулиш ва ўзининг ҳаёти ҳамда ижодий ишлари учун қулай шароит топиш мақсадида бўлса керак, Исфохон ҳукмдори Ало уд-Давлага хат ёзиб, унга хизмат қилишга тайёр эканлигини билдиради. Бу хатдан Само уд-Давланинг вазирни Тож ул Мулк хабардор бўлиб, уни шоҳга маълум қилади. Само уд-Давла Ибн Синони ҳибсга олиш ҳақида фармон беради. Аммо олимнинг дўстлари уни Шайх Абу Фолиб ал-Аттор исмли бир ишончли кишининг уйига жойлаштириб, яшириб қўядилар. Ибн Сино бу ерда ҳам вақгини бекор ўтказмай, ўз асарлари устида ишлашни давом эттиради. Бу ҳақда Абу Убайд Жузжоний қуйидагиларни ёзган: «Ушанда Шайх Абу Фолиб ал-Аттор деган кишининг уйида яшириниб ётарди. Мен у кишидан «Аш-шифо» китобини тугатиб беришини сўрадим. Шайх уй эгасидан қоғоз ва сиёҳ олиб келиб беришни илтимос қилди. У киши Шайхнинг сўраганларини келтириб берди. Шайх ўз қўли билан йнгирма қисмдан иборат саккиздан бир тобоқ қоғозга асосий масалаларни ёзиб чиқди... Бунда у бирорта китобга ҳам қарамади, бирорта манбаларга ҳам мурожаат қилмади, барчасини ёддан ёзди. Шайх даста-даста қоғозларни олдига қўйиб олиб, сарлавҳаларни қўйилган ҳар бир мавзуга назар ташлардида ёзишга киришарди. Ҳар кун 50 варақ ёзарди»*. Жузжоний бу ерда Ибн Синонинг учта муҳим хусусиятини кўрсатиб берган. Биринчидан, Ибн Сино ҳар қан-

дай мушкул шароитда ҳам тушқунликка тушмаслиги. Иккинчидан, унинг зўр иш қобилиятига эга эканлиги. Учинчидан, унинг ўзига ҳос такомиллашган иш услуби борлиги. Буларга яна Ибн Синонинг ўз асарларини ёддан ёзишларини қўшилса бу олимнинг ҳақиқатан буюк қобилият эгаси эканлигига гувоҳ бўламиз.

Ибн Сино ўшанда, яшириниб ётган жойида ўзининг «Қитоб аш-шифо» («Шифо китоби») номли асарини тугатиш арафасида эди. Аммо уни бу ердан топиб олиб, шаҳар чеккасидаги қалъага қамаб қўядилар. Олим бу қалъада тўрт ойча қамалиб ётади. Бу ерда ҳам у тушқунликка берилмай, ўзига ҳос матонақ билан китоб ёзишни давом эттиради. Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишча, Ибн Сино қалъада «Қитоб ал-ҳидоя» («Тўғри йўл-йўриқ китоби»), «Ҳаййи ибн яқзон» («Уйғоқ, ўғли тирик») ва «Қитоб ал-қуланж» («Йўғон ичак ялтиғланиши») — колит) номли учта асар яратади. Буларнинг олдинги иккитаси фалсафага, кейингиси эса тибга оиддир. Бу воқеа 1023 йилда бўлиб ўтган экан. Демак «Қитоб ал-қуланж» 1023 йилда ёзилган.

Бу вақтда Исфохон ҳукмдори Ало уд-Давла Ҳамадонга юриш қилиб, у ерга бостириб келади. Само уд-Давла билан Тож ул-Мулк қочиб кетадилар. Бунинг натижасида Ибн Сино ҳибсдан қутулади. Уни Абу Убайд Жузжоний кутиб олиб, бир таниш кишининг уйига жойлаштириб қўяди. Аммо Ибн Синонинг Ҳамадонда узоқ вақт қолиши хавфли эди. Само уд-Давла билан Тож ул-Мулк қайтиб келганларидан сўнг уни яна ҳибсга олишлари ёки бошқа йўл билан ундан ўч олишлари мумкин эди. Шунинг учун у шу ерга келган укаси Маҳмуд ва шогирди Абу Убайд Жузжоний билан Ҳамадондан яширинча чиқиб кетиб, Исфохонга жўнайдилар. Уларни Исфохон дарвозаси яқинида Ало уд-Давла юборган махсус кишилар кутиб олишади ва Кунитумбаз маҳалласидаги Абдуллоҳ ибн Бобий исмли кишининг уйига жойлаштирадилар. Жузжонийнинг ёзишча, бу ҳозирлашган жойда тирикчиликка зарур ҳамма ашё-анжом мавжуд бўлиб, хоналарга гилам ва палослар тўшалган экан. Бундан кўринадикки, Ало уд-Давла Ибн Синога нисбатан катта ҳурматни бажо келтирган.

Бир оз вақтдан сўнг Ибн Синони саройга чорлайдилар. Бу ерда уни Ало уд-Давла қабул қилиб сарой аҳллариغا таништиради. Ало уд-Давла саройида «Маж-

* Абу Али ибн Сино, таржиман ҳоли. Тошкент, 1980. 19—20-бетлар.

лиси уламо» («Олимлар мажлиси») ташкил этилган бўлиб, унда саройдаги барча олимлар бирлашган экан. Ибн Синони ҳам бу анжуманга киритадилар. Бу «Мажлис» аъзолари ҳар жума кuni кечкурун йиғилишиб, фанинг турли соҳаларида суҳбатлар, мунозаралар ва баҳслар ўтказишиб турар эканлар.

Ало уд-Давланинг ўзи ҳам ўқимишли, билимдон киши бўлган. У кўп билимлар соҳасида чуқур маълумотга эга бўлган. Шунинг учун анжуманни кўпинча унинг ўзи олиб бораркан. Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, «Мажлиси уламо» аъзолари ичида ўз билимининг қенглиги ва чуқурлиги жиҳатида Ибн Сино алоҳида ажралиб турган. Бу ердаги олимлар ичида Ибн Синодан ўтадиган киши йўқ экан. Шунинг учун Ало уд-Давла Ибн Синога алоҳида ҳурмат билан қараркан.

Исфохонда Ибн Сино 14 йилча (1024—1037 йиллар) яшаган. Бу ерда ҳам у ўз ижодий фаолиятини давом эттириб, турли соҳаларга оид кўпгина асарлар, шарҳлар ва китобларга қўшимчалар ёзган. Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино Исфохонда «Аш-шифо»нинг мантқиқ ҳақидаги қисминини ва «Ал-мажистий»ни тугатган. Эвклид хандасасини қисқартириб, унга «Усули илми хандаса» («Хандаса илми усуллари») деб ном берган. Яна «Аш-шифо»нинг риёзиёт қисмининг ҳар бир бўлағига қўшимчалар киритган. Жузжоний «Ал-мажистий»га Ибн Сино киритган қўшимчалар ҳақида сўзлаб, «Шайх унга шундай нарсаларни киритдики, буни Шайх гача ҳеч ким амалга оширмаган эди», — деб ёзади. «Аш-шифо» китобининг мусиқа ҳақидаги қисмига эса аввалгилар билмаган ва беҳабар бўлган кўпгина масалаларни қўшган.

Тарихий маълумотларга кўра Исфохонда Ибн Сино Ало уд-Давланинг топшириғи билан аниқроқ тақвим (йиллик жадвал) тузиш учун самовий кузатиш ишлари олиб борган. Бу шаҳарда Ибн Сино раҳбарлигида бир расадхона қурилган, деб кўрсатилади. Жузжонийнинг ёзишича, бу ерда у Ибн Сино раҳбарлигида 8 йил давомида самовий кузатиш ишлари олиб борган.

Биз юқорида Ибн Сино билим йўлида жуда ҳам тиришқоқ ва сабот-матонатли экани ҳақида ёзиб ўтган эдик. Абу Убайд Жузжоний Исфохонда бўлиб ўтган бир воқеа мисолида буни яна бир бор яққол исботлаб берган. Воқеа бундай бўлган экан. Ало уд-Давла саройида жума кунлари бўладиган анжуман

лардан бирида араб тилининг қондалари ҳақида сўз кетади. Шунда Ибн Сино ҳам ўз фикрини билдиради. Шу вақт араб тили соҳасида катта мутахассис ҳисобланган Абу Мансур ал-Жаббон исмли олим Ибн Синога ўғирлиб, «Сен файласуф ва ҳакимсан, лекин тил илмининг чуқур ўқимагансан. Шунинг учун сенинг тил ҳақидаги гапларинг бизни қониқтира олмайди», дейди. Бу гап Ибн Синога жуда оғир ботади. У уч йил давомида араб тили ва унинг қондаларига оид жуда кўп китоблар ва қўлланмаларни кўп билан ўқиб, бу қондаларни мукаммал ўзлаштириб олади. Сўнг араб тилининг қийин усулларида учта қасида ёзиб, уларни атайлаб эскироқ муқовага солиб, шохдан буларни Абу Мансур ал-Жаббонга кўрсатиб, китобларнинг мазмунини айтиб беришни сўрашни илтимос қилади. Шох Ибн Синонинг илтимосини бажариб, китобларни Абу Мансур ал-Жаббонга кўрсатади ва уларда ёзилган сўзларнинг мазмунини айтиб беришни сўрайди. Абу Мансур ал-Жаббон эса буни айтиб беролмай қийналади. Шунда Ибн Сино Жаббонга нзоҳ бериб, китобда нималар ёзилганлигини унга тушунтириб беради. Абу Мансур ал-Жаббон шох ва Ибн Сино олдига жуда поқулай аҳволга тушиб қолади. Бу билан Ибн Сино билим бобида маъманлик ва шошма-шошарликка берилган одам гафлатда қолиб, тиришқоқ ва саботли киши ҳолиб чиқишини яна бир бор исботлаб беради.

Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, Ибн Сино араб тили ва унинг қондаларини ўргангандаги ўша уч йиллик меҳнати натижасида бу тилнинг барча нозик томонларини мукаммал билиб олади ва бу ҳақда «Лисан ал-араб» («Араб тили») номли асар ҳам ёзади. Аммо бу асар оққа кўчирилмай қолиб кетиб, йўқолган экан.

Исфохонда Ибн Сино йигирма жилдлик «Китоб ал-инсоф» («Инсоф-адолат ҳақида китоб») номли асар ҳам ёзган. Бу олимнинг сўнгги асари эди.

Ало уд-Давла ҳам урушқоқ шохлардан бўлган экан. У ҳам кўп вақтнинг ҳарбий сафарларда ўтказаркан. Ибн Сино эса бу шохни ҳам сафарларда кузатиб боришга мажбур бўлган. Шу сабабдан баъзи асарларини сафарда ёзган экан. Абу Убайд Жузжонийнинг гувоҳлик беришича, Ибн Сино ўзининг «Китоб ан-нажот» («Қутулни китоби») номли фалсафий асарини ва «Китоб аш-шифо»нинг «Ал-набот» («Усимликлар») ва «Ал-хайвон» («Хайвонлар») деб аталган бобларини шундай сафарлардан бирида тугатган экан.

Тарихий маълумотларга кўра, Исфажонда Ибн Сино раҳбарлигида бир касалхона барпо этилган. Уни «Даволаш уйи» деб атаган эканлар. Касалхонага бундай ном берилишининг тарихи қизиқ бўлган. Ибн Сино томонидан тузилган лойиҳада бу касалхона «Даволаш уйи» деб аталган экан. Лойиҳани тасдиқлашда Ало уд-Давла бу сўзни «Беморлар уйи» деб ўзгартириб қўйибди. Шунда Ибн Сино одоб ва мулоимлик билан Ало уд-Давлага касалхонани «Даволаш уйи» деб аташ мақсадга мувофиқ, чунки бунда беморларда тузалнишга умид пайдо бўлади. «Беморлар уйи» деганда эса умидсизлик ҳисси келиб чиқади, деб тушунтирибди ва қўшиб қўйибди: «Менинг кўп йиллик кузатишларим шуни кўрсатадики, хасталиқдан қутулиш мумкинлиги ҳақида ишонч борлиги бемор учун энг яхши дорилардан биридир». Шунда Ало уд-Давла Ибн Синога қараб бир оз ўйлаб туриб қолади, сўнг «Беморлар уйи» деган сўзни кескин ўчириб, «Даволаш уйи» деб ёзиб қўяди.

Абу Убайд Жузжоний Ибн Синонинг тиббий асарлари ва амалий табиблик фаолияти ҳақида унчалик кўп маълумот бермаган. Фақат олимнинг тибга онд баъзи асарлари қачон ва қаерда ёзилганлиги ҳақида қисқа-қисқа маълумот бериб ўтган. Бир жойда Шайх беморларни даволаш жараёнида кўп тажриба ҳосил қилди. Буларни у «Ал-қонун» китобига киритмоқчи бўлди, уларни бўлимларга ҳам ажратиб чиқди. Лекин улар «Қонун» китоби ёзиб бўлинишидан олдин турли сабаблар билан йўқолиб кетди, деб хабар қилган, холос. Ибн Синонинг амалий табиблик фаолияти ҳақида эса олим бир марта ўзини бош оғриғи касаллигидан тузатган эди ва хоразмлик бир аёлни ҳам сил касаллигидан даволади, деб ёзиш билан чекланган.

Биз мазкур китобнинг кириш қисмида ёзганимиздек, Ибн Синонинг тиббий фикрлари ва табиблик фаолияти ҳақидаги маълумотлар унинг тибга онд асарларида келтирилган.

Абу Убайд Жузжоний Ибн Синонинг 47 асарининг рўйхатини берган. Шуларнинг ичида тибга онд олти та, холос. «Тиб қонунлари» ҳам шу ҳисобга киради. Жузжонийнинг ёзишича, бу асар дастлаб 14 жилдан иборат бўлган. Ҳозир у ўзбек ва рус тилларида 6 жилд (5 китоб) қилиб чиқарилган. Расмий маълумотларга кўра, Ибн Синонинг тибга онд 31 та асари мавжуд. Шуларнинг ҳар бири тиб илмининг алоҳида мавзула-

рига бағишланган. Бу китоблар орасида энг муҳими ва энг каттаси «Китоб ал-қонун фи-т-тиб»дир.

Ибн Сино асосан шу китоби туфайли жаҳонга машҳур бўлиб кетган.

Биз ҳажми унчалик катта бўлмаган мазкур китоби-чида Ибн Синонинг тибга онд асарларининг ҳаммасини шарҳлаб бериш имкониятига эга эмасмиз. Ибн Синонинг тиббий асарлари ичида энг мукаммал «Тиб қонунлари» китобидир. Биз шу асарни чуқура ўрганиб чиқдик ва шунга асосан мазкур китобни ёздик.

Ибн Синонинг кўпгина асарлари вақт ўтиши ва турли суронли воқеалар натижасида йўқолиб кетган. Масалан, олимнинг Исфажон кутубхонасида тўпланган китоблари 1136 йилда Ғазнага келтирилиб, бу ердаги сарой кутубхонасида сақланган экан. Аммо Ғур вилоятининг ҳукмдори Аювддин Ҳусайн ғазнавийлардан ўн олтин мақсадига Ғазна шаҳрига ўт қўйилганда (1150 йилда) Ибн Синонинг деярли барча китоблари ҳам ёниб кул бўлибди.

Ибн Сино Исфажонда яшаган даврининг охирларида бу шаҳарга Султон Масъуднинг (Маҳмуд Ғазнавийнинг ўғли) аскарлари бостириб кириб, шаҳарни талон-тарож қилганлар. Ибн Синонинг уйдаги буюмлари ва китоблари ҳам талаб кетилган экан. Жузжонийнинг ёзишича, бу тўполонда олимнинг сўнгги ёзган асари «Китоб ан-нисоф» ҳам ном-нишонсиз йўқолган. Шу ерга келганда Ибн Синонинг Абу Убайд Жузжоний томонидан ёзилган таржиман ҳоли ҳам тугаган.

Ибн Сино ҳаётининг сўнгги ойлари ҳақида Жузжоний кўйидаги маълумотни берган: Ибн Сино жисмоний жиҳатдан жуда бакувват одам бўлган. Унинг гавдаси касалликларга нисбатан чидамли эди. Аммо Ибн Синода 425 ҳижрий (1035 милодий) йилининг ёзида қандайдир ичак касаллиги пайдо бўлиб, унга олим ҳар қанча муолажа қилса ҳам тузалмайдди. Аксинча, касаллик оғирлашаверади. Бундай аҳвол бир йилдан ортиқ давом этади. Ниҳоят Ибн Синонинг дармони бутунлай қуриб, аҳволи ҳаддан ташқари оғирлашиб қолади ва уни даволаётган табибларнинг ҳар қанча уринишларига қарамай олим 428 ҳижрий (1037 милодий) йилининг 24 июнида оламдан ўтади.

Тарихчилар Ибн Сино қуланж (йўғон ичак яллиғланиши) касаллигидан вафот этган, деб ёздилар. Бизнинг фикримизча, Ибн Сино ичакда пайдо бўлган са-

ратон (рак) касаллигидан вафот этган. Фикримишни шу нарса тасдиқлайдики, биринчидан, Ибн Синодек буюк ҳаким саратондан бошқа ҳар қандай касалликни муолажа усули билан даволай оларди. Айниқса, ўзини. Иккинчидан, касалликка ҳеч қандай дори-дармон қор қилмаган, чунки саратонни дори билан даволаб бўлмайдди, уни операция қилиш керак. Табиийки, Ибн Сино ўзини-ўзи операция қила олмасди. Эҳтимол, Исфaxonда ўша вақтда бундай операцияни қила олиш қўлдан келадиган табиб топилмагандир. Учинчидан, саратон касаллиги билан оғриган беморнинг умри аксарин ҳолда бир-икки йилдан ошмайди. Ибн Сино ҳам ўзида касаллик аломатлари пайдо бўлганидан сўнг икки йилча яшаган, холос. Шу далилларга асосан биз Ибн Сино саратон касаллиги билан оғриган ва шу касалликдан вафот этган, деган қатъий фикрдамиз.

ИБН СИНОНИНГ ТИББИЙ ФИКРЛАРИ

Ибн Синонинг тиббиёт, унинг моҳияти ва вазифалари ҳақидаги илмий-назарий фикрлари асосан ўзи яшаган ўрта асрлар фани даражасида бўлган. Лекин у ўзининг ўткир зеҳни ва чуқур билими билан ўша даврдаги кўп олимлардан анча юқори туради. Ибн Сино тиббиёт фанининг моҳияти ва вазифаларини бошқалардан кўра чуқурроқ ва кенгроқ тасаввур қилган. Ўрта асрларда Шарқ мамлакатларида илм-фан Ғарбий Оврўпога инебатан катта натижаларга эришган эди. Лекин шу билан бирга баъзи муҳим камчиликлардан ҳам ҳоли эмасди. Асосий камчилик шундан иборат эдики, у вақтларда табиат ҳодисалари экспериментал усул билан чуқур текширилмаётган кўпроқ бу ҳақда умумий фалсафий мулоҳазалар юритиш билан чекланиларди. Бундай ҳол тиббиёт соҳасига ҳам ёйилган эди. Кўпгина кўзга кўринган ҳакимлар тиббиёт ва унинг моҳияти масаласида кузатиш ва тажрибага асосланмай, кўпроқ бу ҳақдаги абстракт фалсафий фикрлар ва субъектив тасаввурларга асосланардилар. Ибн Синонинг тиббий қарашлари шундай қарама-қаршиликлар шароитида шаклланди. Шунинг учун унинг тиббий фикрларида ҳам баъзи қарама-қаршиликлар кўзга ташланиб туради.

Абу Али ибн Синонинг тиббий фикрлари унинг тибга оид асарларида, хусусан, машҳур «Тиб қонуллари китоби»да ўз ифодасини топган. Биз Ибн Синонинг тиб-

бий фикрларини баён этишда шу китобни асос қилиб олдик.

Ибн Сино тиббиёт, унинг моҳияти ва вазифалари ҳақида сўз юритиб, аввало, тиббиётнинг ўзи қандай фан ва унинг вазифаси нимадан иборат, деган масалага тўхталлади.

Ибн Сино тиб илмига шундай таъриф берган: «Тиб шундай бир илмики, у билан одам гавдасининг аҳволи соғлиқ ва касаллик жиҳатидан ўрганилиб, унинг маъжуд соғлиғи сақланади ва йўқотилгани тикланади*». Ибн Синонинг бу таърифида бир жуда муҳим фикр бор. У саломатликни сақлаш масаласини биринчи ўринга қўйган. Демак Ибн Синонинг тушунишича, тиббиётнинг асосий вазифаси кишилар соғлиғини сақлашдан иборат. Бу фикр юксак даражада ривожланган ҳозирги замон тиббиётининг асосий қондасига тамомла мос келади. Ибн Сино ўзининг бу фикри билан ўша замондаги кўпчилик тиббиёт намоёндаларининг фикрларидан анча илгарилаб кетган эди.

Ибн Сино тиббиётнинг вазифаси саломатликни сақлашдан иборат, деган фикрни бошқа асарларида ҳам кўп марта таъкидлайди. Масалан, назм билан ёзилган «Ўржуза фи-т-тиб» («Тиббий уржуза») китобида бу фикрни қисқа ва ихчам қилиб, «Тиббиёт – соғлиқни сақлаш ва касалликни тузатишдан иборат [фан]дир», деб ёзган. «Ўржуза фи-т-тиб» мазмун ва ҳажм жиҳатдан «Тиб қонуллари»дан сўнг иккинчи ўринда турувчи катта шеърини асардир.

«Ибн Синонинг ўзи бу китоб ҳақида сўзлаб, мазкур асар барча назарий ва амалий тиббиётни ўз ичига олган. Унда мен тиб илми бўйича ҳамма билимимни шеърда ифода этганман, деб ёзган. Ибн Сино тиббиётнинг моҳияти ҳақида ўз фикрини давом эттириб ёзади: «Тиб – одам гавдасининг соғлиғи ва касаллигини ўрганади. Ҳар бир нарса билан у нарсанинг сабабини ўрганиш орқали ҳосил бўлади ва камолатга етади. Шунинг учун тибда соғлиқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак. Соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳо очиқ, гоҳо махфий бўлиб, унга ҳис билан эмас, балки белгиларга асосланиб фикр юритиш билан эришилади**». Ибн Синонинг бу фикри ҳозирги замон фани нуқтаи назаридан ҳам тўғри тушунчадир. Юқорида ай-

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонуллари. 1-китоб. 1983. 5-бет.

** Уша асар. 6-бет.

тиб ўтганимиздек, Ибн Сино яшаб ижод қилган ўша даврда (ўрта асрларда) фан муаммолари кўпроқ амалий тажриба ва кўздан кечиришлар асосида эмас. Балки абстракт фалсафий фикрлаш ва субъектив ҳис қилиш билан ҳал қилинади. Шундай даврда Ибн Синонинг касаллик белгиларини кўздан кечириб, улар ҳақида хулоса чиқариш зарур деган фикрлари ҳақиқатан илғор фикрлар эди.

Бу ерда Ибн Сино саломатлик ва касаллик тушунчаларига ҳам таъриф берган. У ёзади: «Соғлиқ шундай малака ёки ҳолатдирки, у сабабли аъзолардан соғлом ишлар вужудга келади*. Ҳозирги тил билан айтганда соғлом танада нормал физиологик жараёнлар амалга ошади. Касаллик масаласида Ибн Сино асосан локалистик принципга амал қилган. Унинг ёзишича касаллик инсон танасидаги ғайритабиий ҳолат бўлиб, унда кишининг аъзоларидан бирига зарар етган бўлади.

Ибн Синонинг ёзишича, соғлиқ билан касаллик ўртасида соғлиққа ҳам, касалликка ҳам кирмайдиган учинчи ҳолат ҳам бўлади. Ибн Сино кўрсатган учинчи ҳолатга киши соғ ҳам эмас, касал ҳам эмас. Бундай ҳолатга мисол қилиб, Ибн Сино касалликдан тузалаётган кишини келтиради. Бундай киши касалликдан бутунлай тузалиб ҳам кетмаган, лекин илгаригидек касал ҳам эмас.

Ибн Сино тиб илмининг назарий ва амалий қисмларга бўлган. Унинг кўрсатишича, назарий қисм тибнинг асосий қондаларини ўрганади. Хусусан, у касалликларнинг турлари ва сабабларини аниқлайди. Бундан ташқари, тибнинг назарий қисми мизожлар, хилтлар, қувватлар каби тушунчаларни ҳам ўрганади. Ибн Синонинг кўрсатишича, тибнинг махсус амалия деб аталган қисми тадбир ва амалнинг қандай бўлишини кўрсатади. Буни Ибн Сино, ўз навбатида, иккига бўлган. Биринчи қисм соғлом гавданинг тадбирини билиш. Буни олим соғлиқни сақлаш илми, деб атайдди. Иккинчи қисми касал гавданинг тадбирини билиш. Яъни касални даволаб, уни соғлом ҳолатга қайтариш йўллари кўрсатиш. Буни Ибн Сино даволаш илми, деб атайдди.

Ибн Сино назарий-тиббий билимлар доирасига унсурлар, мизожлар, хилтлар, қувватлар, аъзолар ва уларнинг вазифалари ҳақидаги тушунчалар

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонуллари. I китоб, 1983. 6-бет.

ни киритган. Бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзига хос моҳият ва аҳамиятга эга.

УНСУРЛАР. Унсурлар ҳақидаги таълимот дастлаб Хитой ва Ҳинд натурфилософлари²¹ томонидан ишлаб чиқилган эди. Қадимги Хитой натурфилософларининг фикрича, бутун кoinотдаги борлиқ тўрт фазовий унсур (ер, сув, ҳаво, олов) ва ўсимликлар дунёсидан иборат*.

Шулар табиатдаги ҳамма нарсаларнинг таркибига кирди ва уларнинг асосини ташкил этади. Одам организми ҳам шу унсурлардан ташкил бўлган.

Ҳинд натурфилософлари ҳам шу нуқтан назарда турганлар. Лекин булар Хитойларнинг «Ўсимликлар дунёси» ўрнига бошқа тушунча киритганлар. Ҳинд олимларининг тасаввурича, кoinотдаги тўрт унсурдан ташқари яна илоҳий унсур ҳам мавжуд. Бу моддий хусусиятга эга бўлмаган унсур (эфир) дан иборат. Бу унсурлардан учтаси (ер, сув, олов) одам организмга оқибат билан кирди. Ҳаво эса ўпка орқали кирди. Озқат ошқозон ва ичакларда суюқ қаймус (хилус) га айланади ва ҳазм бўлиб, барча аъзоларга тарқалади ҳам уларнинг асосини ташкил этади. Ҳаво эса ўпкадан юракка бориб, у ерда томирлардаги қонга аралашиб кетади. Қадимги Хитой ва Ҳинд натурфилософларининг бу тушунчаларини содда (примитив) материалистик тушунча дейиш мумкин. Ўша замондаги ҳакимлар бу таълимотни қабул қилиб, уни тиббиёт соҳасига татбиқ қилганлар. Шундай қилиб, одам организмнинг табиати (тузилиши ва хусусиятлари) 4 фазовий унсур билан боғланган. Ибн Сино ҳам одам организмнинг табиати масаласида шу унсурлар назариясига асосланган. Унинг ёзишича, унсурлар бўлинмас майда жисмлардир. Бу тушунча атомистик назарияга яқинлашиб боради. Ибн Сино ёзади: «Оддий жисмлар (унсурлар) шундай нарсаларки, улар шакли турлича бўлган бўлақларга бўлинмайди. Шу оддий жисмларнинг қўшилишидан кoinотдаги турли шаклдаги навлар пайдо бўлади»²². Ибн Сино ўз фикрини давом эттириб, ер юзидаги бар-

* Баъзи манбаъларда Хитой олимлари борлиқнинг асосини ер, сув, олов, металл ва ёғоч ташкил этади деб ўйлаганлар, дейилади. Лекин инсон гавдасини ташкил этишда металл ва ёғоч ҳам шундай роққ етади, деб ўйлаш илмий жиҳатдан тўғри эмас. Улар металл ва ёғочни ҳосил қилувчи унсурлар қагнашади, деб ўйлаган бўлақлар керак.

** Абу Али ибн Сино. Тиб қонуллари. I китоб, 1983, 9-бет.

ча мавжудотлар, шу жумладан, одам ҳам шу унсурлардан ташкил топган, дейди. Ибн Синонинг кўрсатишича, унсурлар одам танаси ва бошқа мавжудотлар учун дастлабки бўлаклардир.

Ибн Синонинг бўлинмас унсурлар ҳақидаги фикрлари Демокритнинг³² классик атомистик назариясининг худди ўзиндир, дейиш тўғри эмас. Атомистик назарияда бир хил атом (битта материя) устида сўз боради. Ибн Синода эса тўртта унсур (атом), демак тўртта материя устида сўз юритилади.

Ибн Сино унсурларни оғир ва енгил турларга бўлган. Ер ва сувни оғир, ҳаво ва оловни енгил унсурлар қаторига киритган. Ибн Синонинг фикрича, оғир унсурлардан одам гавдасидаги аъзолар, енгил унсурлардан эса руҳ³³ пайдо бўлади. Демак одам гавдаси икки қисмдан — аъзо ва руҳдан иборат. Ибн Синонинг бу фикрлари шуни кўрсатадики, у одам гавдасининг тузилиши ва табияти (физиологик хусусияти) масаласида дуализм³⁴ нуқтаи назарида турган. Бу ерда Ибн Сино руҳни бошқа кўпчилик олимлар тушунганидек қандайдир плоҳий куч эмас, балки қонда айланиб юрувчи реал фактор сифатида тушунган*. Бунда у қадимги мисрликларнинг «пневма»³⁵ тушунчасини кўзда тутган бўлиши керак.

Қадимги Шарқ файласуфлари томонидан ишлаб чиқилган бу унсурлар назарияси сўнг Оврўпо мамлакатларига ҳам тарқалди. Хусусан, бу назария қадимги Юнонистон ва Рим олимлари томонидан қабул қилинган эди. Машҳур Юнон ва Рим олимлари Эмпедокл³⁶, Хиппократ, Гален ва бошқалар одам организмнинг тузилиши ва табияти масаласида шу унсурлар назариясига асосланардилар. Эмпедокл унсурлар ҳақидаги таълимотни янада ривожлантириб, бу унсурлар абадий ўзгармас моддалардир, аммо уларнинг турли муносабатда бирикishiлари натижасида табиятдаги ҳар хил нарсалар пайдо бўлади, деб тушунган. Бу унсурларнинг бирикиши ёки ажралиши бир-бирига қарши икки куч («яхшилик» ва «ёмонлик»)нинг таъсири остида содир бўлади. Эмпедоклнинг ёзишича, бу таъсирлар ўзгариб туради. Шунга қараб, унсурларнинг бирикиши ва ажралиши ҳам алмашииб туради.

* Ибн Синонинг «Руҳ» ҳақидаги фикрларини чуқурроқ таҳлил қилишдан шундай хулоса чиқадики, у руҳни ўзинга хос субстанция сифатида тасаввур қилган.

Унсурлар ҳақидаги тушунча Шарқ тиббиётида жуда узоқ вақт давом этди: Шарқ табиблари яқин асрларгача ҳам одам гавдасининг тузилиши ва табияти масаласида шу назарияга асосланардилар. Унсурлар назариясидан, ўз навбатида, бошқа тушунчалар келиб чиқди. Мизожлар, хилтлар ва қувватлар ҳақидаги тушунчалар шу унсурлар назарияси асосида ишлаб чиқилган. Шундай қилиб, Шарқ тиббиётида унсурлар ҳақидаги назария тиббиётнинг асосини ташкил этган. Ибн Сино ҳам ўзининг тиббиёт ҳақидаги назарий-илмий қарашларида шу унсурлар назариясини асос қилиб олган эди.

МИЗОЖЛАР. Мизожлар тушунчасининг келиб чиқиши жуда узоқ тарихга эга. Биринчи марта одам организмга қарама-қарши кучлар таъсир этиб туриши ва соғлиқ ҳамда касаллик шу кучларга боғлиқ эканлиги ҳақидаги тушунча қадимги Хитой тиббиётида пайдо бўлган эди. Хусусан, қадимги Хитой табиблари Ян (актив) ва Ин (пассив) номли ҳаётий омиллар мавжуд, деб ёзганлар. Тениқли тиббиёт тарихчиси Ф. Р. Бородилин қадимги хитойликлар «Ян» деганда ҳавонни, «Ин» деганда томирлардаги қонни кўзда тутганлар, деб ёзди. Хитой манбаларида ёзилишича, Ян ўпкадан томирлар орқали юракка бориб, ундаги қонда иссиқлик пайдо қилади ва уни ҳаракатга келтиради. Ян ва Иннинг қувватлари ўзаро мувозанатда бўлса кишининг организми ўз соғлигини сақлайди. Агар булардан бири устун келиб қолса, мувозанат бузилиб, касаллик келиб чиқади, деб фараз қилганлар.

Қарама-қарши кучлар ҳақидаги тушунча кейин Ғарб мамлакатларида ҳам тарқалди. Масалан, эрампиздан олдинги VI асрда яшаган қадимги юнон олими ва табиб Алкмеон* қарама-қарши кучлар ҳақидаги тушунчани давом эттириб, Ян ва Индан ташқари яна

* Шарқ мамлакатларида «Луқмон ҳаким» номи билан машҳур бўлган шахс шу Алкмеондир. Араблар юнон олимларининг асарларини таржима қилишда илмий атамаларни ўзларининг тилларига мослаб, ўзгартириб ёзганлар. Улар ҳатто олимларнинг исмларини ҳам араб тилига мослаб ўзгартирганлар. Масалан, Аристотелини — Аристу, Платонни — Афлотун, Хиппократни — Букрот, Галенини — Жольвуе қилиб ўзгартирганлар. Баян манбаларда айтилишича, Алкмеонни ҳам ўзгартириб, уни Ал-Луқмон, деб атаганлар. Ажам мамлакатларида (Арабистондан ташқари мамлакатлар) эса «Ал» деган олд қўшимча тушиб қолиб, бу исм фақат «Луқмон» деб аталган. Охирида эса «Луқмон» Шарқ мамлакатларида афсонавий шахсга айланиб кетган.

бир қанча қарама-қарши кучлар (иссиқлик — совуқлик, қуруқлик — ҳўллик, аччиқлик — чучуқлик ва ҳ. к.) мавжуд деб кўрсатган. Бу кучларнинг мувозанатдаги ҳолатини кразия, уларнинг мувозанати бузиллишини дискразия, деб атаган. Сўнг бу тушунча ўрта ва янги шарқ мамлакатларига, шу жумладан, Урта Осиёга ҳам тарқалди. Барча борлиқнинг асосини тўрт самовий унсур (ер, сув, ҳаво, олов) ташкил қилади, деган натурфалсафий таълимот пайдо бўлгандан сўнг қарама-қарши кучлар шу унсурларга боғланди. Ҳар бир унсурнинг хусусиятини ўзига хос мизож, деб тушуна бошладилар. Масалан, ер қуруқ, сув ҳўл, ҳаво совуқ, олов иссиқ мизожнинг асосини ташкил этади, деб фараз қилганлар. Шундай қилиб, мизожлар тушунчаси келиб чиқади. Иссиқлик, совуқлик ҳақидаги тушунча ҳам дастлаб Хитой тиббиётида келиб чиққан эди. Масалан, қадимги Хитой табиблари баъзи касалликлар иссиқликдан, баъзилари эса совуқликдан пайдо бўлади, деб таъкидлаганлар.

Ибн Сино ҳам мизожлар масаласида шу унсурлар назариясига асосланган. Юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, унсурлар ҳақидаги назарияга биноан мавжуд тўрт унсурнинг ҳар бири ўзига хос хусусият (кайфият) га эга. Модомики, одам гавдаси шу унсурлардан ташкил топган экан, унда шу унсурларнинг хусусиятлари (иссиқлик, совуқлик, қуруқлик, ҳўллик) мавжуд. Ибн Сино ўзининг мизож ҳақидаги фикрига шу хусусиятларни асос қилиб олган. У бундай фикр юритади: «Тўрт унсур тўрт хил қарама-қарши хусусиятга эга. Бу хусусиятлар унсурларнинг энг майда бўлакчаларида жойлашган. Бу бўлакчалар донмо бир-бирларига таъсир кўрсатиб турадилар. Шу ўзaro таъсир бир чегарага етганида пайдо бўладиган хусусиятга мизож дейилади»*. Ибн Сино ўз фикрининг давом эттириб, яна ёзади: «Унсурлар ўз қувватлари билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида уларнинг ҳаммасига мос бир кайфият вужудга келади. Ана шу кайфият мизождир»**. Ибн Сино таъкидлайдиги, инсон учун энг яхши ҳолат мизожнинг мўътадил бўлишидир. Бунда гавдадаги қарама-қарши хусусиятлар миқдор жиҳатдан ўртача бўлади. Агар қарама-қарши хусусиятлар тенг бўлмай ик-

ки томоннинг бирига, масалан, совуқлик ёки иссиқликка, ёхуд ҳўллик ёки қуруқликка, ёки эса ҳар иккисига мойил бўлса, мизож мўътадилликдан чиқади. Умуман, мизожлар ҳақидаги тушунча ҳам дастлаб Хитой тиббиётида келиб чиққан эди. Масалан, бундан икки минг йил илгари ёзилган «Ички (аъзолар) ҳақида трактат» номли китобда кишининг табиати (мизожи) танадаги беш унсурга боғлиқ, деб ёзилган эди. Ибн Сино мўътадил деган тушунчага қуйидагича таъриф берган:

«Мўътадиллик — мизож эгасининг бутун гавдасида ёки бир аъзосида унсурлар миқдори ва кайфиятлари билан одамнинг мизожига керагича энг тўғри тақсимлашиб, энг тўғри шебатда тўла-тўқис бўлинганлигидан иборатдир»*. Демак, мўътадиллик (мўътадил мизож) инсон гавдасида ва унинг айрим аъзоларида унсурлар ҳамда уларнинг хусусиятлари зарур даражада тўғри (баробар) тақсимланган ҳолатдир. Номўтадил мизож ҳақида Ибн Сино қуйидагича фикр юритган: «Номўтадил мизож шундай ҳолатки, унда танадаги иссиқлик ва совуқлик, ҳўллик ва қуруқлик хусусиятлари ўзаро мувозанатда бўлмай, уларнинг бири устун келиб қолган бўлади. Номўтадил мизож икки хил — содда ва мураккаб бўлади. Содда номўтадил мизожда хусусиятлардан биттаси керагидан ортиқча бўлиб қолади. Бундай ҳолат тўрт кўринишда намоён бўлади. Чупончи, керагидан ортиқ иссиқлик бўлиб, керагидан ҳўлроқ ва қуруқроқ бўлмайди. Ёки керагидан ортиқ қуруқлик бўлиб, керагидан ортиқ иссиқлик ва совуқлик бўлмайди. Ёхуд керагидан ортиқ ҳўл бўлиб, керагидан ортиқ совуқ ва иссиқроқ бўлмайди. Ёки керагидан ортиқ совуқ бўлиб, керагидан ортиқ қуруқ ва ҳўл бўлмайди. Бу тўрт ҳолат турғун эмас, улар ўзгаришлари мумкин. Керагидан ортиқ мўътадилликдан чиққан мизож бошқа мизожга ўз таъсирини кўрсатиши мумкин. Масалан, керагидан ортиқ иссиқлик танани ортиқча қуруқ қилиб, қўяди. Керагидан ортиқ совуқлик эса танани чет ҳўлликлар билан ортиқ даражада ҳўл қилиб юборади.

Мураккаб номўтадилликда икки хусусият бир вақтда керагидан ортиқ бўлиб қолади. Бу ҳам тўрт ҳолатда намоён бўлади. Масалан, мизож керагидан ортиқча иссиқ ва ҳўл ёки керагидан ортиқ иссиқ ва қуруқ, ёхуд керагидан ортиқ совуқ ва ҳўл, ёки керагидан ортиқча совуқ ва қуруқ бўлиб қолади. Аммо мизож

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I китоб. 1983, 10-бет.

** Уша асар, 11-бет.

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I китоб, 1983, 11—12-бетлар.

бир вақтнинг ўзида иссиқ ва совуқ ёки қуруқ ва ҳўл бўлмайди. Демак, номуътадил мизож саккиз кўринишда намоён бўлади. Шу саккиз турли номуътадил мизожларнинг ҳар бири моддали ёки моддасиз бўлиши мумкин. Моддалиси танадаги бузилган хил таъсирида пайдо бўлади. Бунга инсон танасидаги (бузилган) шиллиқ таъсирида унинг совуши мисол бўла олади. Моддасиз номуътадил мизожнинг келиб чиқишида хиллар иштирок этмайди.

Ибн Синонинг кўрсатишича, ҳар бир тирик мавжудотнинг ўз турига хос мизожи бўлади. Улардан энг муътадил мизожга эга бўлган мавжудот одамдир. Аммо ҳар бир одамнинг ҳам ўзига хос (индивидуал) мизожи мавжуд. Бундан ташқари, ҳар хил минтақада яшовчи одамларнинг мизожлари ҳам турличадир. Ибн Сино бунга ҳиндлар билан славянларнинг мизожларини мисол қилиб келтирган. Унинг кўрсатишича, ҳиндларнинг ўз мизожи бор. Улар шу мизожда бўлсалар соғломдирлар. Славянларнинг бошқача мизожи бор. Булар ҳам шу мизож билан соғломдирлар. Уларнинг мизожлари бир-бирига тўғри келмайди. Агар ҳинднинг мизожи славянда пайдо бўлса ва аксинча, славяннинг мизожи ҳиндда пайдо бўлса, уларнинг иккаласи ҳам касалликка учрайдилар.

Ибн Синонинг кўрсатишича, киши мизожининг қандай бўлишиги жуда кўп ички ва ташқи омилларга боғлиқ. Ички омиллар биринчи галда одам гавдасига уни ташқил қилувчи унсурлар билан кирган иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва қуруқлик хусусиятлардир. Шу омилларга яна ёш, жинс, ҳаракат ва ҳаракатсизлик, уйқу ва уйқусизлик ҳолатлари ҳам кириди. Ташқи омилларга жўғрофий ва иқлим шароитлари, овқатлар ва ичимликлар, қабул қилинадиган дори-дармонлар, йил фасллари ва об-ҳаво кириди. Бу ташқи омиллар одам гавдасига таъсир қилиб, унинг мизожини у ёки бу томонга ўзгартириши мумкин. Масалан, турли овқат маҳсулотлари, ичимликлар ва дори-дармонлар ўзларида мавжуд бўлган иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва қуруқлик хусусиятлари билан одам гавдасидаги шундай хусусиятларни кучайтиришлари ёки сусайтиришлари мумкин. Иқлим ҳам шундай. Иссиқ иқлим иссиқликни, совуқ иқлим совуқликни оширади. Шунинг учун жануб томонда яшовчилар иссиқ мизожли, шимол томонда яшовчилар совуқ мизожли бўладилар.

Ибн Синонинг ёзишича, дорилар ўз мизожлари билан турли танага турлича таъсир қилишлари мумкин. Масалан бир дори одам гавдасига қараганда совуқ, чаён гавдасига қараганда иссиқ бўлиши, ёки инсон гавдасига қараганда иссиқ, илон гавдасига қараганда совуқ бўлиши мумкин. Шунингдек, бир дори Эшмат гавдасига нисбатан кўпроқ иссиқ бўлса, Тошмат гавдасига нисбатан камроқ иссиқ бўлиши мумкин. Умуман, Ибн Синонинг фикрича ҳар хил омиллар мизож масаласида ўзига хос рол ўйнайдилар.

Ибн Сино мизож масаласига катта аҳамият берган. У, айниқса, иссиқ мизожга кўпроқ ижобий баҳо берган. Ибн Синонинг ёзишича мизож ёшга нисбатан ҳам ўзгариб туради. Еш болалар ва ўсмирларнинг мизожи иссиқ ва ҳўл бўлади. Ушндан тўхтаган ёшда иссиқлик мизож озаяди. 40 ёшдан кейин совуқлик мизож кўпаяди. Қариликка бориб (60 ёшдан кейин) мизож қуруқ ва совуқ бўлиб қолади. Жинс масаласида эркаклар иссиқ, аёллар эса совуқ мизожли бўладилар.

Ибн Синонинг фикрича, бутун гавдага хос умумий мизождан ташқари ҳар бир аъзонинг ҳам ўз мизожи бўлади, ҳатто битта аъзонинг айрим қисмлари ҳам турли мизожга эга бўлишлари мумкин. Олимнинг кўрсатишича, энг муътадил мизожли аъзо гўшдир. Гўшдан ҳам муътадилликка яқин аъзо теридир. Ибн Сино бу фикрни давом эттириб, терининг энг муътадил жойи қўл териси, бундан ҳам муътадилли эса қафт териси (айниқса, қафтининг ўртаси), бундан ҳам муътадилли бармоқлар териси, яна ҳам муътадилли кўрсаткич бармоқ териси, унинг энг муътадил жойи бармоқ учининг терисидир. Ибн Сино бунни кўрсатиб ўтиб, шунинг учун бармоқларнинг учи тегиб билинадиган нарсаларнинг даражалари ҳақида ҳукм чиқарувчидир, деб ёзади. Бу ерда Ибн Сино тегиб сезишни мизож билан боғлаб (асаб системасининг ролин кўрсатмай) хато фикр юритади. Қўл панжаси ва бармоқлар терисининг ҳар бир қисми (нуқтаси) ўз мизожи даражасига эгадир, деган фикрлари ҳам ҳақиқатга тўғри келмайди. Битта олманнинг бир томони ширин, иккинчи томони нордон бўлиши мумкин бўлмаганидек, битта қўл панжасининг бир бармоғи бир хил, иккинчи бармоғи бошқа хил мизожга эга бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ибн Сино иссиқ мизожли аъзоларнинг баёлига ўтиб, биринчи ўринга юрак ва руҳни қўйган. Ундан кейинги ўринларда иссиқлик даражасига қараб қон, жигар,

Ўпка ва бошқа аъзолар туради. Ибн Синонинг ёзишича, энг совуқ, мизожли нарса шиллиқдир. Ундан кейин чарви, ёғ, мўй, тоғай, пай, асаблар, орқа ва бени мия турадилар. Бу юқорида кўрсатиб ўтилган аъзолар иссиқ ёки совуқ бўлиши билан бирга ҳўл ёки қуруқ бўлишлари ҳам мумкин. Масалан, шиллиқ совуқ бўлиши билан бирга ҳўл ҳамдир. Қон ёғ, бош мия, орқа мия, ўпка, жигар, талоқ, буйрак ҳам ҳўллик хусусиятига эгадирлар.

Ибн Синонинг ёзишича, энг қуруқ мизожли нарса мўйдир. Ундан сўнг қуруқликда суяклар, тоғайлар, томирлар ва сезиш асаблари ўрин эгаллайдилар. Ҳаракат асаблари эса кўпроқ совуқ ва қуруқ мизожли бўладилар. Олимнинг кўрсатишича, ҳар бир аъзонинг ўзига хос мизожи унинг учун мўътадилдир. Масалан, суякка хос мўътадил мизож қуруқлик, мияга хос мўътадил мизож совуқлик ва ҳўлликдир, юракка хос мўътадил мизож иссиқликдир ва ҳ. к.

Ибн Синонинг ёзишича, мизож овқатлар ва дориларга ҳам тааллуқли. Тўйимли (юқори калорияли), ўткир, аччиқ, ёки қовурилган овқатлар ва кўп ширинликлар иссиқ мизожли, кам калорияли, тўйимсиз овқатлар (масалан, сабзавотлар) совуқ мизожли деб ҳисобланган. Дориларга келганда кучли таъсир этувчи, физиологик жараёнларни фаоллаштирувчи, заҳарли, қитиқловчи, қиздирувчи дорилар иссиқ мизожли, уларга тескари хусусиятга эга бўлганлари совуқ мизожли дорилар, деб ҳисобланган.

Ибн Синонинг таъкидлашича касалликларни аниқлашда гавда ва унинг аъзоларининг мизожини билиш муҳим аҳамиятга эга. Мизожга қараб касалга ташхис қўйиш осон бўлади.

Ибн Синонинг кўрсатишича, одам танасининг ва ундаги аъзоларнинг ҳар бирининг мизожини аниқлашда ўн усулдан фойдаланилади.

Биринчиси, ушлаб кўриб таққослаш усули. Бунда табиб текшириладиган одамнинг танасини ушлаб кўриб, об-ҳавоси мўътадил бўлган мамлакатда яшовчи мўътадил мизожли соғлом одамнинг танаси билан таққослайди. Агар уларнинг танаси бир хил бўлса, текширилувчининг мизожи мўътадил ҳисобланади. Агар улар танасининг иссиқлик, совуқлик, юмшоқлик ва бошқа хусусиятларида фарқ бўлса, текширилувчининг мизожи мўътадил эмас. Бунда агар иссиқлик устун бўлса, танадаги қаттиқ ва дағал аъзо юмшоқ сезилади. Агар

совуқ мизож устун бўлса юмшоқ аъзо қаттиқ сезилади ҳам у қуруққа ўхшайди. Совуқ мизожли кўп одамларда гавда юмшоқ сезилади. Чунки уларда хилтлар етилмаган бўлади.

Иккинчи усул гўшт ва ёғдан олинган белгилар, қизил гўшт кўп бўлса, мизожининг ҳўл ва иссиқлигидан далолат беради. Агар гўшт кўп бўлмаса, ёғ ҳам кам бўлса мизож иссиқ, лекин, қуруқ бўлади. Аммо мой ва ёғнинг кўпчилиги совуқликка далолатдир. Томирлар тор бўлиб, унда қон кам оқса, табиий қоннинг қуюқлашганлигини кўрсатади ва бу мизожининг қуруқ ва иссиқлигидан далолат беради. Мойсиз ва ёғсиз тана иссиқ ва ҳўл мизожиндир.

Учинчи усул мўйлардан олинган белгилар. Бу ерда Ибн Сино ақига тўғри келмайдиган фикрлар юритади. Аввало, мўйларнинг пайдо бўлиши ҳақида ғалати мўдоҳазалар юритган. Унинг фикрича, тутунсимон буғ тери тешиқларида қуюқлашиб қолганда, айниқса, бадан рутубати ёғсимон бўлиб, сувсимон ва лойсимон бўлмаса, ўша буғдан мўй пайдо бўлар эмиш. Ибн Синонинг ёзишича, кишининг мизожи мўйнинг ўсиш тезлиги ва секинлиги, кўплиги ва камлиги, нигичкалиги ва йўғонлиги, ёзиқлиги ва жингалаклигига ҳам боғлиқ. Масалан, секин ўсадиган ёки бутунлай ўсмайдиган мўй мизожининг ўта ҳўллигини кўрсатади. Мўйнинг жингалаклиги иссиқлик ва қуруқликдан далолат беради. Қора, оқ, сарғиш, қизил мўйларнинг ҳар бири айрим мизожга характерли бўлади. Бу сўзларни ўқиб, уларни Ибн Синодек буюк ҳаким ёзганлигига кишининг ишонгиси келмайди.

Тўртинчи усул баданнинг тусидан олинган белгилар. Бу ерда Ибн Сино бир қадар тўғрироқ фикр юритади. Унинг ёзишича, баданнинг жуда оқлиги совуқлик билан бирга камқонликдан далолат беради. Агар қонда иссиқлик билан сафровий хилт кўп бўлса, бадан, албатта, сариқ бўлади. Баданнинг қизил ва малларанглилиги қоннинг кўплиги ва мизожининг иссиқлигидан далолатдир. Терининг буғдойранглилиги ҳам иссиқликдан далолат беради. Бақлажон ранглиси эса совуқлик ва қуруқликдан далолат беради, чунки бундай тус танага бузуқ савдоннинг тарқалишидан келиб чиқади. Ибн Сино бу ерда яна ганч ранг, қўргошин ранг, оҳак ранг, фил суяги ранг ва ҳоказо рангга эга бўлган териларнинг ҳам ҳар хил мизожларга мансуб эканлигини кўрсатади. Ибн Сино рангнинг мизож би-

дан боғлиқ эканлиги ҳақидаги фикрни давом эттириб, уриб турган ва тинч турган томирнинг мизожини танабининг тусидан, миянинг мизожини кўзининг рангидан билиш мумкин, деб ёзади.

Бешинчи усул аъзоларнинг тузилишидан олинмаган белгилар. Ибн Синонинг ёзишича, иссиқ мизожли кишиларнинг кўкраги кенг, оёқ-қўллари катта бўлади. Уларнинг қон томирлари бўртиб, аниқ кўриниб туради, улар йўғон бўлади. Мушаклари бўғимларга яқин жойлашган. Бурун тоғайларининг бўртиб чиққанлиги қуруқ мизожни кўрсатади.

Олтинчи усул аъзоларнинг таъсирни қабул қилиш тезлигидан олинмаган белгилар. Ибн Синонинг ёзишича, агар аъзо тезлик билан қизиса, у иссиқ мизож, агар у тезда совуса совуқ мизожлидир. Ибн Сино ўз фикрини туғма иссиқлик ҳамма кучлар учун қуруқлик, совуқлик эса уларга зид бўлиб, фақат ёрдамчи йўл билан фойда келтиради, деб яқунлайди.

Еттинчи усул уйқу ва уйғоқлик ҳолатларидан олинмаган белгилар. Ибн Синонинг ёзишича, уйқунинг кўплиги ҳўллик ва совуқликка далолатдир. Ортиқча уйғоқлик қуруқлик ва иссиқликни кўрсатади.

Саккизинчи усул ҳаракатлардан (аъзоларнинг ишларидан) олинмаган белгилар. Ҳаракат ҳамма вақт табиий ҳолда воқе бўлса ҳамда тамомланган ва такомиллашган бўлса, мизожнинг мўътадиллигини кўрсатади. У чекка чиқиб, ўзгарган ва ҳаддан ташқари ҳаракатга айланса, мизожнинг иссиқлигидан гувоҳлик беради. Тез ҳаракат ҳам иссиқликни кўрсатади. Масалан, гавданинг ўсиш тезлиги мўйлар ва тишларнинг тез ўсиши. Ҳаракатлар сути, кучсиз ва секин бўлса, мизожнинг совуқлигидан далолат беради.

Тўққизинчи усул гавданинг чиқиндиларини чиқариб ташлаш ва чиқарилган нарсанинг сифатидан олинмаган белгилар. Бўшалиш, одатдагидек бўлса, бўшалаётган нарсалар (нажас, сийдик, тер ва бошқа чиқиндилар) ўз табиий ҳолатидек (олатдагидек) бўлса ва етилган бўлса мизожнинг иссиқлигини кўрсатади. Бунинг тескариси мизожнинг совуқлигидан далолат беради.

Учинчи усул нафсоний қувватларнинг таъсир кўрсатишидан ёки таъсирни қабул қилиш қобилиятидан олинмаган белгилар. Кучли ғазаб, сержаҳллик, зукколик, тушунувчанлик, яхши фикрлик, ботирлик, қаттиқ

иродадиллик, дадиллик, мардлик, кам таъсирчанлик иссиқ мизожни кўрсатади. Буларнинг акси мизожнинг совуқлигидан далолат беради.

Ибн Синонинг ёзишича, тушга қараб ҳам мизожнинг қандайлигини аниқлаш мумкин. Масалан, мизожли иссиқ кишилар тушларида оловда ёки офтобда қизиётгандек бўладилар. Совуқ мизожли одамлар эса тушларида совуқ қотаётгандек, совуқ сувга ботаётгандек бўладилар.

Ибн Сино мизожнинг қандайлигини кўрсатувчи бу ўн усулдан ташқари яна бошқа белгилар ҳам борлигини таъкидлайди. Бунда у, аввало, мизожнинг туғма ва аразий (кейин пайдо бўлган) ғайритабиий бўлиш-лигини кўрсатади. Туғма мизож, масалан, туғма иссиқлик мизожли кишининг танасига фойдали таъсир кўрсатади. Аразий — ғайритабиий иссиқ мизож эса кишига азият берувчи алангаланиш, иситмалар пайдо қилиш ва иссиқликнинг қўзғалиши натижасида қувватнинг заифлаиши, ҳаддан ташқари ташналик билан намоён бўлади. Ғайритабиий ҳўл мизожнинг аломатлари ғайритабиий совуқ мизожнинг аломатларига тўғри келади. Бунда сўлак ва бурундан назла оқиши, ичининг бўшлиғи, овқат ёмон ҳазм бўлиши, ҳўл нарсалар қабул қилинганда соғлиқнинг ёмонлаиши, уйқучанлик, қовоқларнинг салқини каби аломатлар пайдо бўлади. Ғайритабиий қуруқликнинг аломатлари терининг қовжираниш, уйқусизлик, қуруқ нарсалар қабул қилганда ўзини ёмон сезиш, ҳўл нарсаларни қабул қилганда ўзини яхши сезиш каби аломатлар билан намоён бўлади.

Ибн Синонинг ёзишича, мўътадил мизожли одамнинг ҳамма ҳаракатлари мукаммал ва соғломдир, у одам тез ва яхши ўсади, бундай киши завқли бўлади, яхши тушлар кўради, ўзи одамшаванда, очик юзли ва ёқимтой бўлади. Овқат ва ичимликларга иштаҳаси яхши, ичак, жигар ва томирлари овқатни яхши ўзлаштиради, аъзолари мутаносиб, чиқиндилари ўз вақтида ва одатдагидек бўлади.

Бу ерда Ибн Сино қиздирувчи, совутувчи, ҳўлловчи ва қуритувчи омиллар ҳақида ҳам ўз фикрларини баён этган. Дастлаб мўътадил қиздирувчини баён этади.

Қиздирувчилар. Буларга Ибн Сино мўътадил миқдордаги овқат, мўътадил иссиқ ҳаммом, мўътадил уйғоқлик ва мўътадил уйқу, мўътадил шодлик, мўътадил ҳаво, мўътадил уқалатишни киритган.

Совутувчилар. Буларга Ибн Сино ҳаддан ташқари ҳаракат, ҳаддан ташқари ҳаракатсизлик; овқат ва ичимликни ҳаддан ташқари кўп истеъмол қилиш ёки жуда кам истеъмол қилиш, совуқлик овқат ейиш, совуқлик дорилар қабул қилишни киритган.

Хўлловчилар. Ибн Синонинг ёзишича, хўлловчи омилларга ҳаракатсизлик, уйқу, гавдадан чиқариб ташланиш керак бўлган нарсаларнинг тутилиб қолиши, қуритувчи хилтларнинг танадан чиқиб кетиши, кўп овқатланиш, хўлловчи овқатлар истеъмол қилиш, хўлловчи дорилар қабул қилиш, хўлловчи нарсалар билан тўқнашиш (масалан, ҳаммомдаги буғлар) кабиларни киритган.

Қуритувчилар. Ибн Сино қуритувчи омилларга уйқусизлик, суюқликни тез-тез чиқариб туриш, жинсий алоқа, кам овқатланиш, қуруқ овқат истеъмол қилиш, қуритувчи дорилар қабул қилиш, руҳий-эмоционал ҳолатларнинг тез-тез ўзгариб туриши, қуритувчи нарсалар билан тўқнашиш, тез-тез ҳаммомга тушиши, қуритувчи сувда чўмилиш кабиларни киритган.

Ибн Синонинг мизожлар ҳақидаги фикрларидан шу нарса келиб чиқадики, у «иссиқлик мизож» деганда турли физиологик жараёнларни фаоллаштирувчи ва организмнинг реактивлигини оширувчи омилларни тушунган. Аксинча ҳаётий жараёнларни сустлаштирувчи омиллар совуқлик мизожли омиллар, деб тушурилган. Қуруқлик ва хўллик мизожларнинг моҳияти унчалик аниқ эмас.

Ибн Синонинг мизожлар ва уларнинг моҳиятлари ҳақидаги тушунчалари асосан шулардан иборат. Бу тушунчалар бирор тажриба (эксперимент) усули билан исбот этилмаган, мавҳум фикрларга асосланган тушунчалардир. Амалий жиҳатдан уларнинг аҳамияти йўқ. Умуман, «мизож» деган нарса ўзи кўз билан кўриб, қўл билан ушлаб бўлмайдиган мавҳум тушунчадир.

Шарқ тиббиётида жуда кенг тарқалган ва асрлар давомида табибларнинг миъясини чулғаб келган мизожлар тушунчаси тиббиёт тарихида салбий рол ўйнади. У амалий тиббиётнинг ривожланиши йўлида тўсқин бўлди. Табиблар доривор моддаларнинг кимёвий ва физиологик хусусиятларини ўрганиб, улардан фойдаланиш ўрнига уларда йўқ мизожларни ахтариб, кўп вақтларини бекор ўтказдилар. Шарқ тиббиётининг бир ерда қотиб қолиб, ғарб тиббиётига нисбатан жуда ҳам

ортда қолиб кетганлигининг сабабларидан бири шу «мизожлар назарияси» эди.

Хилтлар. Хилтлар (рутубатлар) таълимоти қадимги юнон олимлари томонидан ишлаб чиқилган эди. Хусусан, бу таълимотнинг асосчиси Хиппократ ҳисобланади. Ибн Синонинг рутубатлар ва уларнинг моҳияти ҳақидаги фикрлари шу таълимотга асосланган. Унинг таърифича, хилтлар хўл, суюқ, оқувчан жисмлардир. Улар сифат жиҳатидан икки хил бўлади. Улардан бири фойдали, яхши хилт. Бу хилт танага сингиб, тарқалиб кетган нарсаларнинг ўрнини босади. Хилтнинг иккинчиси паст сифатли, ортиқча суюқлик бўлиб, у организмга жуда кам фойда келтиради. Унинг кўп қисми кераксиз нарса сифатида чиқариб ташланади.

Ибн Сино хилтларни тўрт жинсга бўлган. Булар — қон, сафро, савдо ва шилликдир. Ибн Синонинг ёзишича, улар истеъмол қилинган овқатдан пайдо бўладилар. Бу жараён қуйидагича амалга ошади: овқат дастлаб ичилган суюқлик ёрдамида қаймус (хилус) га айланади. Қаймус меъда ва ичаклардан чарвилардаги томирларга шимиллади. Овқатнинг суюқланган қисми мазариқо томирлари орқали жигар дарвозасига бориб, жуда майда томирларга тарқалади. Шу вақтда қаймус пишади ва ундан кўпик ва қуйқага ўхшаш нарсалар пайдо бўлади. Кўпикка ўхшагани сафро, қуйқага ўхшагани эса савдодир. Пишиш ниҳоясига етганда қуйиндига яқин бир нарса ҳам пайдо бўлади. Бу қуйиндининг суюқ қисми ёмон сафро, қуюғи ёмон савдо бўлиб, булар ғайритабиийдир. Пишмай хом қолгани эса шилликдир. Шуларнинг ҳаммасидан етилгани ва тўлиғи қондир. Қон жигардан чиққандан сўнг у ортиқча сув моддасидан ажралади. Яхши тоза қон жигардан чиқиб, аъзоларга тарқалади. Қон кўпиги, яъни сафронинг фаол сабаби мўътадил иссиқликдир. Қуйган сафронинг сабаби жуда ҳам кучли иссиқликдир. Шилликнинг фаол сабаби етарли бўлмаган ҳароратдир. Савдонинг фаол сабаби, агар у қуйқали бўлса иссиқликдир. Қуйган савдонинг сабаби мўътадилликдан ўтган иссиқликдир. Жигарнинг иссиқлиги, талоқнинг кучсизлиги, қотирувчи совуқнинг кучлилиги ва узоқ вақт хилтларнинг қамалиб қолиши ҳамда хилтларни ҳалок қилувчи касалликлар сабабли савдо кўпаяди. Иссиқлик ва совуқлик бошқа сабаблар билан бирга хилтларнинг пайдо бўлишига сабабдирлар. Мўътадил иссиқлик қон-

ни пайдо қилади. Ортиқ даражадаги несижлик сафрони пайдо қилади. Жуда ҳам ортиғи савдони пайдо қилади. Совуқлик шилликни пайдо қилади. Жуда ортиқ даражадаги совуқлик кучли даражада қотириши сабабли савдони пайдо қилади. Руҳий кечималар ҳам хилларни қўзғатади.

Энг яхши сифатли хилт қондир, у несиж ва ҳўл мизожга эга бўлади. Қон икки турга — табиий ва ғайритабиий хилларга бўлинади. Табиийсининг ранги қизил, мазаси ширин бўлади, унда ёмон ҳид бўлмайди. Ғайритабиийси ташқаридан бирор ёмон хилт аралашиб ёки бўлмаса ўз-ўзидан мизожни ўзгариб, бузилган қондир. Бундай қоннинг суяқ қисми сафрога, куюқ қисми эса савдога (қора ўтга) айланади. Ғайритабиий қон ёмон ҳидли, мазаси аччиқ бўлади. У шўр ва нордондир. Шиллик ҳам икки хил — табиий ва ғайритабиий бўлади. Табиийси тўла стилмаган қондир. Шиллик совуқ мизожли хилтдир. Ғайритабиий шиллик таъменз бўлади. У кўпинча ёпишқоқ модда ва тунук сифатида намоён бўлади. Табиий шиллик ўз хусусияти билан қонга яқин туради. Шунинг учун у баъзан қоннинг ўриши босади. Масалан, бирор аъзога меъда ва жигардан келадиган модда келмай қолса шу шиллик қонга айланиб, озиқлик вазифасини ўтайди. Ибн Сино ғайритабиий шилликни бурундан оқиб тушадиган назлага қиёс қилади. У сувдек суяқ ва куюқ бўлиши мумкин. Мазаси бурун назласи каби шўр бўлади. Баъзи нордон ёки тахир мазали бўлиши ҳам мумкин. Ранги шишасимон тиниқ бўлади. Бурундан оқиб тушадиган назласимон шиллик хом шилликдир. Сафро ҳам табиий ва ғайритабиий бўлади. Табиийси қоннинг кўпигидан иборат бўлиб, тоза, қизил рангли, ситил, ўткир ҳидга эгадир. Табиий сафро жигарда пайдо бўлади ва икки қисмга бўлинади. Бир қисми қонга аралашиб кетади. Иккинчи қисми соф ҳолида қолиб, тиниб ўт қопчасида йиғилади. Қонга аралашиб кетгани ўзига сафро керак бўлган аъзога боради. Масалан, ўпкага бориб, уни озиқлантиради. Ўт қопчасида қолгани ҳам тана учун керак. Бу сафро танани ортиқча чиқишлардан тозалайди. Масалан, ичакларни қўйқа, гализ ва ёпишқоқ хилтлардан ювади. Сафро ўз ички сабаби билан, ёки ташқи томондан савдонинг таъсири натижасида куюди. Сафронинг энг несиж турли зангорли рангисидир.

Савдо ҳам табиий ва ғайритабиий бўлади. Табиийси тоза қоннинг дурди, яъни тағига чўккан қуйқасидир. Мазаси ширинлик билан тахирлик ўртасида. Савдо ҳам жигарда пайдо бўлади ва икки қисмга бўлинади. Бир қисми қон билан қўшилиб кетади. Иккинчи қисми талок томонга боради. Қонга қўшилган қисми ўзига савдо хилти керак бўлган аъзоларни (масалан, суякни) озиқлантиради. У яна қонни пишқ қилиб кучайтиради ва куюқ қилиб тарқалишдан сақлайди. Савдонинг талокқа борган қисми ҳам танага манфаат келтиради. Масалан, танани ортиқча парсалардан тозалайди, талокнинг ўзини озиқлантиради, меъданинг оғзини пишқ қаттиқ ва кучли қилади. Нордонлиги билан меъда оғзини қитиқлаб, уни очликдан оголантиради, ҳам иштаҳани қўзғайди.

Ғайритабиий савдо кўлиб кулга айланган сафродир. Сафро қондан ажратилса тезда сасийди. Бунда унинг суяғи тарқалиб кетиб, куюғи савдога айланади. Ибн Синонинг ёзишича, савдо шилликдан ҳам пайдо бўлиши мумкин. У шиллик кули ва шиллик куйиндисидан иборат бўлади.

Ибн Синонинг таъкидлашича, юқорда келтирилган тўрт хилт ичда энг ёмони (зарарлиси) савдодир. Айниқса, ёмон сафродан пайдо бўлгани зарарлидир.

Ҳар бир хилтнинг ўз аҳамияти бор. Қон мураккаб хилтдир. Унга бошқа хилтлар аралашган бўлади. Қон томирдан чиқарилиб, бир идишга солиб қўйилса, бошқа хилтлар ундан ажралиб чиқади. Дастлаб кўпикка ўхшаган бир нарса ажралади. Бу сафродир. Сўнг тухум оқига ўхшаган нарса ажралади. Бу шилликдир. Ундан кейин куйка ва чўкма ажралади. Бу — савдодир. Сўнг сувга ўхшаган бир нарса ажралади. Бу — сувли рутубат бўлиб, унинг ортиқчаси сийдик билан чиқиб кетади. Бу сўнггиси хилтларга тегишли эмас, чунки у озиқ бўлмайдиган ичимликлардан пайдо бўлади. Бунинг вазифаси озиқни суюлтириб, уни ўтказишдир. Хилтлар эса овқат ва озиқлардан пайдо бўлади. Бу ерда Ибн Сино қоннинг компонентларини тўғри ифодалаб берган. Маълумки, қон томирдан чиқарилиб, бирор идишга, масалан, пробиркага, солиб қўйилса, бир оз вақт ўтгандан сўнг у турли компонентларга ажралади. Хусусан, у плазма, шаклли элементлар, фибрин ва эритроцитлар массага бўлинади. Ибн Сино қоннинг бундай компонентлардан иборат эканлигини бил-

маган бўлса ҳам уни турли қисмлардан ташкил топганлигини яхши тушунган.

Ибн Синонинг қоннинг қисмлари ҳақидаги фикрларидан шу нарса маълум бўладикки, қадимги табиблар қора ўт (савдо) деганда идишнинг тагига чуқувчи эритроцитар массани тушунганлар. Лекин буни ўзлари билмаганлар, унинг организмдаги роли ҳақида нотўғри фикр юритганлар.

Ибн Синонинг хилтлар ҳақидаги тушунчаси шулардан иборат. Шу хилтлар тушунчасига асосан тиббиётда рутубатлар патологияси назарияси ишлаб чиқилган. Бу назарияга биноан гавдадаги тўрт суюқлик (қон, сафро, савдо ва шиллик) ўзаро миқдор ва сифат жиҳатидан мувозанатда бўлсалар кишининг соғлиги сақланади. Агар улар ўртасидаги мувозанат бузилса, касаллик келиб чиқади. Ибн Синонинг ёзишича, бунда ҳар бир хилтнинг ўз ўрни бор, яъни ҳар бир суюқликнинг ортиб кетиши ёки сифати бузилиши ўзига хос касаллик келтириб чиқаради. Хилт ўзгариши (кўпайиши) умумий ва ҳар бир хилт учун алоҳида, яъни хусусий бўлиши мумкин. Умумий кўпайиш ҳақида Ибн Сино бундай деб ёзди: хилтлар ва руҳлар (Ибн Сино томирда хилтлардан ташқари руҳлар ҳам айланиб юради, деб ўйлаган) кайфиятлари (хусусиятлари) билан яхши (нормал) бўлсалар ҳам, аммо миқдорлари билан кўпайиб, томирларни тўлатиб юборадилар ва кенгайтирадилар. Бунинг натижасида тутқаноқ, сакта ва томоқ оғриғи касаллиги келиб чиқиши мумкин. Бунинг давоси тезда қон олишдир. Кучга оид тўлиш — бу хилтларнинг миқдор жиҳатдангина эмас, балки сифатларининг ярамаслиги жиҳатидан ҳам азият етказишдир. Ибн Синонинг ёзишича, бундай умумий тўлишнинг аломатлари қуйидагилардан иборат: аъзода оғирлик сезиш, ҳаракат сустлиги, туслик қизариши, томирларнинг ёғриши, терининг тараңглашиши, томир уришининг қаттиқлашиши, сийдикнинг рангланиши ва куюқлашиши, иштаҳанинг пасайиши, кўзнинг заифланиши, оғир юк тагида қолгандек тушлар кўриш ва ҳ. к.

Айрим хилтларнинг кўпайиб кетиши

Қоннинг кўпайиб кетиши. Ибн Синонинг ёзишича, қон кўпайганда қуйидаги аломатлар пайдо бўлади:

гавдада оғирлик сезиш, керишиш, эснаш, ҳисларнинг кучсизланиши, зехиннинг ўтмасланиши, тез чарчаш, танада чипқонлар, оғиз бўшлиғида чиқиклар пайдо бўлиши, қон томирининг осон ёриладиган бўлиб қолиши, бурундан, орқа тешикдан ва милклардан тез-тез қон оқиб туриши.

Шилликнинг ортиб кетиши. Ибн Синонинг ёзишича, шиллик кўпайиб кетганда қуйидаги аломатлар пайдо бўлади: юз оқариши, тананинг юмшоқланиши, терининг совуқлиги, сўлакнинг кўллиги ва ёпишқоқлиги, таъналикнинг камлиги, овқатнинг суст ҳазм бўлиши, иордон кекриш, сийдикнинг рангсизланиши, кўп уйқу босиши, асабларнинг бўшашилиги, томир уришининг юмшоқлиги, секинлиги ва сийраклиги.

Сафронинг ортиб кетиши. Ибн Синонинг ёзишича, сафро кўпайиб кетганда қуйидаги аломатлар пайдо бўлади: юз ва кўзнинг сариқ тус олиниши, оғизда аччиқ маза пайдо бўлиши, тилнинг гадир-будур бўлиб қолиши ва қуруқлиги, бурун ичининг қуриши, қаттиқ таъналик, томир уришининг тезлашиши, иштаҳа камлиги, танада ишча санчгандек сезги пайдо бўлиши, бадан тукларининг хурпайиши.

Савдонинг ошиб кетганлиги. Ибн Синонинг ёзишича, савдо кўпайиб кетганда қуйидаги аломатлар пайдо бўлади: Терининг қуруқлиги ва рангсизлиги, қоннинг қоралиги, ортиқча вас-васага тушиши, ўйчанликка берилиши, меъда оғзининг ачишиши, ёлғон иштаҳа пайдо бўлиши, кизил ёки қора куюқ сийдик, ҳар хил ярачақа ва чиқиклар чиқиши.

Ибн Синонинг ўзи айтганидек, бу белгиларнинг кўрсатиши тахминийдир. Булар бирор тажриба йўли билан исбот этилган эмас.

Биз юқорида айтиб ўтганимиздек, рутубатлар назариясининг асосчиси машҳур юнон ҳакими Хиппократ эди. Унинг фикрича, ишсон организмдаги тўрт суюқликнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятга эга. Шу хусусиятлар одам танасининг табиатини (конституциясини) белгилайди. Шу билан бирга, бу суюқликлар ўзига хос касалликлар ҳам пайдо қилади. Масалан, Хиппократ шиллик (флегма) ҳақида сўзлаб, бундай деб ёзди: флегма миёда жойлашган бўлади. У ортиб кетса, пастга томон йўналиб, бурун ва оғиз бўшлиғидаги аъзоларда шамоллаш (яллиғланиш) касаллигини пайдо қилади. Агар яна ҳам пастга тушса, ўпка ва ичакларда яллиғланиш ҳолатларини келтириб чиқаради.

қувват озик моддаларини озиклауучи аъзога ўхшаш ҳолатга келтириб, танада сарф бўлган моддаларнинг ўрнини қоплашга хизмат қилади.

Устирувчи қувват тана ҳажмининг табиий нисбатда ўстириб, уларнинг тўла камолотга етишига хизмат қилади. Озиқлантирувчи қувват уч вазифани бажаради. Биринчиси, организмда сарф қилинган нарсанинг ўрнини тўлдирувчи модда ҳосил қилиш. Ибн Сино бу моддани қон ва хилт дейди. Иккинчиси, ҳосил қилинган моддани тугал ишлаш билан озиққа айлантириш ва организмнинг бўлагига мослаш. Учинчиси, ҳосил қилинган моддани аъзонинг қисмига айлантиришдан сўнг унга ҳамма нисбатда, ҳатто таркиб ва тусда ҳам тамомила ўхшашлик пайдо қилиш.

Ибн Сино туғдирувчи қувватни ҳам иккига бўлган. Бирини эркакларда уруғ, аёлларда тухум туғдирувчи қувват. Иккинчиси, уруғдаги қувватни айириб, ҳар бир аъзога хос қилиб турлича ўзгартиришни пайдо қилиш.

Шакл берувчи қувват аъзоларининг суратини, шаклини, силлиқ ва ғадир-будурлигини белгилайди. Яна ҳайдовчи қувват ҳам бор. У фойдаланиб тамомланган ёки овқатланиш учун яроқли бўлмаган чиқиндиларни ҳайдайди.

Ҳаётий қувват. Ибн Синонинг кўрсатишича, ҳаётий қувватнинг турар жойи юракдир. Бу қувват аъзоларни ҳис, ҳаракат ва фаолиятни қабул қилишга тайёрлайди. Қўрқиниш ва ғазаб ҳаракатлари ҳам шунига киради. Рух ҳам шу қувватга мансубдир. Рухда ҳам сиқилиш ва ёзилиш ҳолатлари мавжуд. Ибн Синонинг фикрича, ҳаётий қувват инсон ҳаётида бошланғич нуқтадир. Бошланғич қувват руҳда бўлади ва у руҳ хилтларнинг энг латиф қисмидан пайдо бўлганида вужудга келади.

Ибн Синонинг ёзишича, юқоридики келтирилган тўрт хил қувватга тўрт кайфият (мизож) хизмат қилади. Иссиқлик ҳамма қувватга умумий хизматни бажаради. Совуқлик уларнинг баъзиларига аразий хизмат қилади. Қуруқлик ҳайдовчи қувватга ёрдам беради. Ҳўллик ҳамма қилувчи қувватнинг ишига ёрдам беради.

Қувватлар назарияси мизожлар ва рутубатлар назарияларидан ҳам узоқ умрли бўлиб чиқди. Ҳатто Оврудо мамлакатларида ҳам XIX асрнинг ўрталарига қадар бу тушунча давом этиб келди.

XIX асрга келиб одам организмда содир бўладиган ҳар хил физиологик жараёнлар экспериментал усул билан текширилиб, ҳар бир аъзонинг функцияси аниқлаб берилди. Масалан, қон айланиш системасининг иши, нафас олиш физиологияси, овқат ҳазм қилиш, мускуллар ҳаракати, нерв (асаб) системасининг ишлари аниқланди. Аммо бу аъзоларнинг функциялари қандай амалга оширилиши, уларда содир бўлувчи жараёнларни ким ёки нима бошқариши номаълум эди. Бунга жавоб тополмаган физиологлар минг йилга орқига чекиндилар. Улар Галеннинг қувватлар назариясини қайтадан тикладилар ва унга янгича ном бериб, витализм³⁷ (vita — ҳаёт сўзидан) деб атадилар. Бу назария тарафдорлари тирик мавжудотлар организмдаги барча жараёнларни шу «ҳаётий куч» (қувват) бошқариши, деб тушундилар. Бу тушунчага рус физиолог-олим И. М. Сеченов (1829—1905) аниқлик киритди. У ўзининг ишлаб чиққан рефлектор назарияси³⁸ билан тирик мавжудотлар организмда содир бўлиб турувчи физиологик жараёнлар «қувватлар» ёки «ҳаётий куч» деб аталувчи маъхум кучлар томонидан бошқарилиши, рефлектор усулда амалга оширилиши исботлаб берди. Ҳозир бу назария барча физиологлар томонидан қабул қилинган.

Бизнинг асримизга келиб, кеч бўлса ҳам, экспериментал текшириш усулига асосланган ҳозирги замон илмий тиббиёти Шарқ мамлакатларига ҳам кириб кела бошлади. Шундай қилиб, тиббиёт уш кўп асрлар давомида ривожлантиришдан тўхтатиб келган абстракт натурфалсафий тушунчалардан қутулиб, янгича ривожланиш йўлига киради.

АЪЗОЛАР. Ибн Сино аъзолар, уларнинг тузилиши ва функциялари масаласини ҳам назарий тиббиёт доирасига киритган. Унинг фикрича, аъзолар яхши сифатли хилтларнинг қўшилшидан пайдо бўлган жисмлардир. Хилтлар эса, ўз навбатида, унсурларнинг дастлабки қўшилишларидан вужудга келган жисмлардан иборат. Демак, аъзолар хилтлар орқали пайдо бўлган унсурлардир. Ибн Синонинг ёзишича, бу жараён мизожларнинг иштирокида амалга ошади.

Ибн Сино аъзолар ҳақида фикр юритиб, уларнинг организмда тутган ўрни ва вазифасини биринчи ўрнига қўйди. Сўнг эса аъзоларнинг тузилиши (анатомияси) ва бошқа хусусиятларини баён қилади.

Ибн Сино аъзоларни оддий ва мураккаб турларга бўлган. У оддий аъзога таъриф бериб, оддий аъзолар шундай аъзоларки, улардан қайси бўлагини олсангиз у исм ва таърифда бутун аъзо билан бир хил бўлади. Яъни оддий аъзонинг бутун ўзи ҳам, унинг бир қисми бўлаги ҳам шу аъзонини ифода этади, деб ёзади. Бунга мисол қилиб олим асаб, суяк ва гўштни олади. Ибн Сино асабнинг ўзи ҳам, унинг бўлаклари ҳам асаб, суякнинг бутун ўзи ҳам, унинг бўлаклари ҳам суяк ва гўштининг бутун ўзи ҳам, бўлаклари ҳам гўшдир, деб ёзади. Мураккаб аъзога Ибн Сино бундай таъриф берган: мураккаблари шундай аъзоларки, улардан қайси бўлагини олманг на исмда, на таърифда бутун аъзо билан бир хил бўлмайди, яъни мураккаб аъзонинг бир бўлагини шу аъзонини тўла ифода этмайди. Ибн Сино бунга мисол қилиб, қўл ва юзнини олади ва ёзади: юзнинг бир бўлаги юз эмас, шунингдек, қўлнинг бир бўлаги ҳам қўл эмас. Ибн Сино мураккаб аъзолар қаторига жигар, талоқ, ўпка ва шулар каби паренхиматоз аъзоларни ҳам киритган.

Умуман олганда, Ибн Сино одам организмидеги ва ундаги аъзоларнинг тузилишини ифодалаганида Галеннинг фикрларига асосланган. Лекин ундан ҳам баъзи нарсаларни қўшган. Масалан, Ибн Сино томирларнинг тузилишини Галендан кўра тўлиқроқ баён этган. Бурун суякларини юқори жағ суягидан ажратиб алоҳида баён этган. Хатто Ибн Синодан 500 йил кейин яшagan машҳур анатом Андреас Везалиус³² бу суякни юқори жағ суягининг бир қисми, деб ёзган эди. Ибн Сино ўрта аср тиб олимлари қаторида биричилардан бўлиб, ўмров суягини фақат одамда бўлишини кўрсатган Гален билан мускулнинг биричиллиги бўлади, деб ёзган эди. Ибн Сино эса унинг икки қоричали эканлигини кўрсатиб берган. Гален одам меъдаси қорин бўлагининг ўртасида жойлашган, деб ёзган эди. Ибн Сино бу хатонини тузатиб, меъда чап томонга қийишқ ҳолда жойлашганини кўрсатиб берган. Ўпкаларнинг тузилишида ҳам Ибн Сино бошқа ҳақимлардан тўғрироқ фикр айтган. Масалан, Андреас Везалиус ўпканинг ҳар иккала томони иккитадан бўлакка бўлигани, деб ёзган эди. Ибн Сино унда беш аср илгари уш ўпка уч бўлақдан иборатлигини кўрсатган эди. Юракнинг жойлашганини ҳам Ибн Сино Галенга нисбатан аниқроқ кўрсатган. Гален юрак кўкракнинг қоқ ўртасида жойлашган, деб ёзган эди. Ибн Сино бундай деб ёзади: «Юрак

кўкракнинг ўртасида жойлашган, лекин жигарга ўрин бериш учун чап томонга энганиб туради». Бу келтирилган мисоллар шунини кўрсатадики, Ибн Сино одам гавдасининг тузилиши масаласи билан чуқур шуғулланган. Аммо унинг ўзи шахсан анатомик текширишлар олиб бораётгани маълум эмас. Баъзи тарихчиларнинг ёзишича, Ибн Сино ўзи даволаган, лекин тузалмай вафот этган касалларнинг шимадан ўлганлигини билишини жуда истаган. Шу мақсадда у ўз қўлида ўлган баъзи касалларнинг жасадини яширинча ёриб қўрган. Эҳтимол шундай ёришларда Ибн Сино баъзи аъзоларнинг анатомияси билан ҳам танишгандир. Шунга асосан у айрим аъзоларнинг тузилишини бошқалардан кўра аниқроқ билган бўлса керак. Бироқ Ибн Сино одам таъсидидаги аъзоларнинг тузилишини баён этишда Галенга эрганиб, қўлини хатоларга ҳам йўл қўйган. Масалан, Гален одамнинг настки жағи бир-бирига ҳаракатсиз бўлган орқали қўшилган икки суяқдан иборат, деб ёзган эди. Ибн Сино ҳам шундай деб ёзади. Аслида эса настки жағ битта бутун суяқдан иборат. Гален одамнинг тўш суягини етти бўлақдан ташкил топган, деб ёзган эди. Ибн Сино ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Аслида эса тўш учта суяқдан ташкил топган. Шунингдек, Ибн Сино Галенга эрганиб, думғаза учта суяқдан ташкил топган, деб ёзади. Аслида эса у бешта суяқдан ташкил топган. У яна Галенга эрганиб, вена қон томирлари жигардан чиқиб тарқатадилар ва аъзоларга озик модда олиб борадилар, деб ёзади. Бундай веналарда қон жигардан чиқиб аъзолар томон оқиди, деган халоса чиқади. Аслида эса вена томирларида қон перифериядан жигар томон оқиди.

Галеннинг энг қатта хатоси шундан иборат эдики, у қон ҳар гал қабул қилинган овқатдан жигарда пайдо бўлиб, гавдага тарқатади ва айрим аъзоларга бориб, уша ерда шимиллиб йўқ бўлиб кетади, деб фараз қилган. Ибн Сино ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Гавдадаги қоннинг ҳаммаси юрак орқали ўтади. Юрак эса бир суткада бир тоннадан ортиқ қонни ўтказиб беради. Демак юракдан ўтиб, аъзоларга бориб етиладиган 1 тонна қон пайдо бўлиши учун қонни бир суткада бир тоннадан ортиқ овқат истеъмол қилишни керак. Бу эса ҳеч ерда тўғри келмайди. Қадимги Хитой тиббиётида эса қон томирларида тўхтаётган аъзолар юракни, у ҳеч қерда йўқ бўлиб кетмайди, деб тўғри кўрсатилган эди.

Ибн Сино одам гавдасидаги аъзоларни, уларнинг

вазифалари нуқтаи назаридан, бошқарувчилар ва хизмат қилувчиларга бўлган. Унинг ёзишича, бошқарувчи аъзолар шахс ҳамда турнинг сақланишида зарур бўлган гавдадаги дастлабки қувватларнинг манбаидир.

Ибн Сино шахсни сақловчи бошқарувчи аъзоларга юрак, мия ва жигарни киритган. Турни (насли) сақловчи бошқарувчи аъзога мойкни киритган.

Ибн Синонинг ёзишича, хизмат қилувчи аъзолар тайёрловчи ва ўтказувчи вазифани бажарадилар. Масалан, юракнинг тайёрловчи ходими ўпкадир. Ўтказувчи ходими эса артериялардир. Миянинг тайёрловчи ходими жигар ва бошқа овқатлантирувчи аъзолардир. Ўтказувчи ходими эса асаб томirlаридир. Ўз навбатида, жигарнинг тайёрловчи ходими меъда, ўтказувчи ходими эса веналардир. Мойкнинг тайёрловчи ходими ундай олдин эрлик уруғини пайдо қилувчи аъзолар, ўтказувчи ходими эрларда сийдик йўли ва мойклар ўртасидаги томirlардир. Хотинлардаги ўтказувчи ходим ҳомилаланиш жойига эрлик уруғи борадиган йўлдир.

Бу ерда Ибн Сино эмбриология масалаларига ҳам тўхталиб ўтади ва бу масалада ғалати фикрлар юрилади. Унинг ёзишича, аъзолар ичида одам уруғидан пайдо бўладиганлари ҳам, қондан пайдо бўладиганлари ҳам бор. Чарви билан гўшт ҳайз қондан пайдо бўлади. Уруғ (маний) ва аёл тухуми ўзларидан пайдо бўлувчи бола моддасининг бир бўлагидирлар. Ҳомиладор хотиннинг ҳайз қони бачадондаги ўсаётган бола учун озиқ моддасига айланади. Унинг бир қисми тухум моддасига ва тухумдан пайдо бўладиган аъзолар моддасига ўхшаб, уларни ўстирувчи овқат вазифасини ўтайди. Ҳайз қонининг бошқа бир қисми гўшт ва чарвига айланади. Микроскоп ва биокимёвий текшириш усуллари маълум бўлмаган ўша даврдаги Ибн Синонинг бу фикрлари табиидир.

Ибн Сино айрим аъзоларнинг функциясига тўхталиб, суякни мисол қилиб олади ва унинг бир қанча вазифаларини кўрсатиб беради. Чунончи, Ибн Синонинг ёзишича, умуртқа устини гавдага хос бўлиб, гавда унда кема дастлаб ёғоч устига қурилгани каби қурилади. Баъзи суяклар гавдага нисбатан, қалқон ва ҳимоя хизматини ўтайди. Баъзи суяклар зарба ва азият берувчи нарсаларни қайтарадиган қуролга ўхшайди. Баъзи суяклар бўғинлар ўртасидаги оралиқни тўлдириб турадилар (бу ерда Ибн Сино бўғинлар орасидаги тоғай-

ларни кўзда тутган бўлса керак). Умуман, суяклар гавда таянчи бўлиб хизмат қиладилар.

Ибн Сино инсон гавдасининг ва ундаги аъзоларнинг тузилиши ва вазифалари ҳақида тўғри фикр юритиш билан бирга, кўпгина хатоларга ҳам йўл қўйган. Бунинг сабаби шуки, Ибн Сино махсус анатомик текшириш ишлари олиб бормаган. Бу, табиийдир. Мусулмон Шарқи мамлакатларида одам жасадини ёриб, текширишлар ўтказиш умуман олиб борилмаган. Буни Қуръон таъқиқ этган. Иккинчидан, Ибн Сино доим таъқиқ остида яшаб, шаҳардан-шаҳарга кўчиб юриб, анатомик текширишлар билан шуғулланишга имконияти ҳам, вақти ҳам бўлмаган.

ИБН СИНОНИНГ ТАБИБЛИК ФАОЛИЯТИ

Ибн Сино амалий тиббиёт билан ҳам эрта шуғуллана бошлаган. Биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, у ўн олти ёшидапоқ касалларни қабул қилишга киришган ва уларни муваффақиятли даволаб, катта ҳурматга сазовор бўлган.

Ибн Сино амалий тиббиётнинг асосий вазифаси кишиларнинг саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олишдан иборат, деб тушунган. У ўзининг табиблик фаолиятида бу вазифани биринчи ўринга қўйиб, саломатликни сақлаш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган кўп муҳим тадбирлар ишлаб чиққан ва уларни амалга ошириш йўлларини кўрсатиб берган. Биз бу қисми шу масаладан бошладик. Хусусан, бу ерда Ибн Сино томонидан ишлаб чиқилган ва тавсия этилган саломатликни сақлаш ва касалликларнинг олдини олишга қаратилган усул ва тадбирлар баён этилади.

САЛОМАТЛИКНИ САҚЛАШ ТАДБИРЛАРИ

Ибн Сино соғлиқни сақлаш ишини саъят, деб атайди. Унинг вазифаси ҳар хил фойдали тадбирларни қўллаб, одамларни табиий ўлим ёшигача етказишдир, деб таъкидлайди.

Ибн Синонинг кўрсатишича, саломатликни сақлаш учун биринчи ғалда қўйиладиган етти тадбирни амалга ошириш керак: 1) киши мизожини мўътадил ҳолга келтириш; 2) ёйиладиган ва ичиладиган нарсаларни тўғри танлаш; 3) одам гавдасининг тўғри тузилишини сақ-

даш; 4) танани чиқиндилардан тозалаб туриш; 5) на-
фас олинадиган ҳавони етарли ва яхши қилиш; 6) та-
нага ва мавсумга мувофиқ кийим танлаш; 7) жисмо-
ний ва руҳий ҳаракатларни мўтадил қилиш. Булар
қаторига Ибн Сино яна мўтадил уйқу ва уйғоқликни
қўшган. Ибн Сино бу тадбирларни янги туғилган чақа-
лоқдан бошлаб, то қариликкача бўлган ҳамма даврда
қайси усул ва йўллар билан амалга оширилишини ба-
тафсил баён этган.

Ибн Сино соғлиқни сақлаш тадбирларидан бирин-
чи ўринга бадантарбияни, яъни жисмоний ҳаракатлар-
ни қўйган. У бадантарбияни соғлиқни сақлашнинг асо-
сий омили деб ҳисоблаган. Иккинчи ва учинчи ўринга
овқат тадбири (режими) ва уйқуни қўйган.

Ибн Сино бадантарбиянинг аҳамияти ҳақида сўз-
лаб, мўтадил равишда ва ўз вақтида бадантарбия
билан шуғулланувчи киши касалликларнинг давосига
муҳтож бўлмайди, яъни касал бўлмайди, дейди. Олим
бадантарбия машқларини қуйидаги усулларга бўлган:
кичик ва катта, кучли ва кучсиз, тез ва секин, суст ва
шидатли. Бундан ташқари, бадантарбиянинг қуйида-
ги турларини кўрсатган: тез юриш, чопиш, сакраш, қи-
личбозлик, камондан ўқ узиш, отда юриш, қўл ва оёқ-
билан ҳар хил ҳаракатлар қилиш, човган ўйини, коп-
ток ўйини, кураш, тош кўтариш, найза санчиш ва ҳ. к.
Бадантарбия ҳар бир киши учун алоҳида тайинла-
нади. Бунда унинг ёши, жинси, қуввати, имконияти ва
соғлиқ даражаси ҳисобга олинади. Ибн Синонинг таъ-
кидлашича, бадантарбияни бошлашдан олдин қозуқни
ва ични бўшатиш зарур. Бадантарбиянинг давомийли-
ги кишининг кучи, ҳолати ва соғлиги даражасига қа-
раб белгиланади.

Ибн Сино бадантарбия турлари қаторига уқалаш
(массаж) ни ҳам киритган. Унинг кўрсатишича, уқалаш
тўрт хил — мўтадил, кучли, кучсиз ва давомли хил-
ларга бўлинади. Кучлиси гавдани бақувват қилади,
кучсизи юмшатади, давомлиси оздиради, мўтадилли-
ни тапани яйратади.

Ибн Синонинг бадантарбиянинг таъсири ва фойда-
си ҳақидаги фикрларида хатоликлар ҳам мавжуд. Ма-
салан, унинг ёзишича, гўёки беланчакка ётқизиб тебра-
тиш уч кунлик ва шиллиқли иситмани тuzатади.
Никрис, буйрак касалликлари билан оғриган кишиларга
ҳам наф қилади. Қайиқ ёки кемада соҳилга яқин жой-
да сайр қилиш мохов, исгиқо, сакта, меъда мизожи-

нинг совуши ва унинг кўпчиши каби касалликларда
фойдали. Бу фикрлар, албатта, нотўғридир.

Овқат тартиби. Ибн Синонинг таъкидлашича, овқат
биринчи галда сифатли бўлиши керак. Бунинг учун у
сифатли маҳсулотлардан тайёрланиши лозим. Гўшт
масаласига алоҳида эътибор берган. Унинг кўрсати-
шича, энг яхши гўшт бузоқ ёки қўзичоқнинг гўштидир.
Иккинчидан, овқат овқатланувчининг мизожига мос бў-
лиши керак. Учинчидан, киши маълум вақтларда ов-
қатланиши зарур. У қайси соатларда ва бир кунда
неча марта овқатланишга ўрганга бўлса, бу режими
ўзгартирмаслиги керак. Акс ҳолда, яъни бу режим бу-
зилса овқатнинг ҳазм бўлиши қийинлашади ва меъдада
касаллик ҳолати келиб чиқади. Ибн Синонинг бу фик-
ри ҳозирги замонда «шартли рефлекс» деб ном олган
тушунчага мос келади.

Ибн Синонинг кўрсатишича, кишининг саломатлигига
энг яхши, фойдали таъсир қиладиган овқат энг лаз-
затли ва мизожига мос келадиган овқатдир. Ибн Сино
саломатликни сақлашда ҳўл мева ва сабзавотларнинг
аҳамиятини ҳам кўрсатиб ўтган. Ибн Синонинг таъ-
кидлашича, уларни овқатдан олдин истеъмол қилиш
яхшироқ.

Бу ерда Ибн Сино шароб масаласига ҳам тўхтала-
ди. Унинг ёзишича оз миқдордаги шароб кишига фой-
далидир. Кўпи эса турли касалликлар келтириб чиқара-
ди. Масалан, шаробчи кўп истеъмол қилувчи кишилар-
да жигар касаллиги, асаб бузлиши касалликлари, сак-
та пайло бўлиши ва киши тўсатдан ўлиб қолиши
мумкин.

Уйқу ва уйғоқлик тадбири. Ибн Синонинг ёзишича,
уйқу саломатлик учун зарур омиллардан биридир.
Уйқунинг энг фазилатлиси тўлиқ, давомли ва чуқур
туғи уйқудир. Кундузги уйқу кишини бўшаштиради.
Оч қоринга ухлаш ҳам зарарли.

Ҳамом тадбири. Ибн Сино ҳаммомни фақат ювн-
ниш жойи эмас, шу билан бирга саломатликни мустаҳ-
камлаш омили ҳам деб билган. Унинг ёзишича, ҳаммом
танага иситувчи, совутувчи, ҳўлловчи ва қуритувчи си-
фатда таъсир қилади. Ибн Синонинг таъкидлашича,
ҳаммомга тушишининг ҳам ўз қондалари бор. Масалан,
ҳаммомга тушишдан олдин меъда ва жигардаги озик-
ларни ҳазм қилиш керак. Жуда оч қорин ёки жуда тўқ
қоринда ҳаммомга тушиш мумкин эмас. Ибн Синонинг
фикрича, ҳаммом балани тозалаш билан бирга та-

надаги чиқиндиларни тарқатади, қуюқ моддаларни суюлтиради, уйқуни яхшилайдн. Ибн Синонинг ёзишидан маълум бўладики, ўша вақтларда ҳаммомда ванна ҳам бўлган. Масалан, у бундай деб ёзган: «Обзан (ванна) да фақат тери қизариши ва бўртишга етгунча туриш kiffoя»*. Ибн Сино ҳаммомдан нотўғри фойдаланиш натижасида кишига зарар етиши ҳам мумкинлигини таъкидлаган.

Шарқ табобатида ҳаммомдан баъзи муолажа усулларини амалга ошириладиган жой сифатида ҳам фойдаланилган. Масалан, ҳар хил бўғим касалликлари, миозит ва невралгияларни даволаганлар. Бунда беморни ҳаммомнинг иссиқ хонасига олиб кириб, терлатиб сўнг унинг оғриқ жойларига ҳар хил суртма дорилар суртганлар.

Кексалар тадбири. Ибн Синонинг таъкидлашича, кексалар соғлом ва бардам бўлишлари учун, биринчи галда, овқат режимига риоя қилишлари керак. Оз-оз миқдорда яхши ҳазм бўладиган овқатлар истеъмол қилишлари лозим. Ичкиликлардан кексалар учун энг яхшиси эски шаробдир. Эски шароб кўпроқ дори сифатида таъсир қилади. У бардамлик ва қувват беради. Ибн Сино кексалар учун махсус бадантарбия тавсия этган. У шохмай, аста-секин амалга оширилади. Ибн Сино шу қоидаларга амал қилган кексалар соғлом ва бардам бўладилар, деб уқтиради.

Сафар қилувчилар тадбири. Ибн Сино сафарга чиқувчилар учун, биринчи галда, гавдани чиниқтирувчи тадбирларни тавсия этган. Ибн Сино сафарда киши баъзан тўқ, баъзан оч, баъзан совуқ, баъзан иссиқ, баъзан уйқу одатдагидек, баъзан уйқусизлик каби ҳолатлар бўлиб туришини таъкидлайди. Шунинг учун сафарга чиқувчилар шу ҳолатларга чидамли бўлишлари керак. Айниқса, сафарда ташналик оғир аҳвол. Шунинг учун сафарга олинадиган овқат маҳсулотлари ташналик пайдо қилмайдиган бўлиши зарур. Умуман, сафар овқатининг ҳажми кичик, тўйимлилиги юқори бўлиши керак. Сафардагилар учун мева шарбати ҳам жуда фойдалидир. Сафарда бошни ва кўкракни офтоб нуридан сақлаш керак. Сафар олдидан илбизни қатиққа тўграб еб олиш керак.

Совуқ вақтда сафар қилувчилар, биринчи галда, танани совуқ урмаслиги чорасини кўришлари зарур.

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I-китоб. 1983, 323-бет.

Бунинг учун махсус суртмалар бор. Совуқ кунда сафарга чиқувчи киши мутлақо оч қолмасин. Совуқ урган қўл ёки оёқ қорайиб бузила бошласа, дарҳол уни кесиб ташлаш керак. Акс ҳолда бу бузилиш бутун тапага ёйилиб кетиб, киши ҳалок бўлади.

Бу ерда Ибн Сино денгизда сафар қилувчиларнинг ҳам тадбирини кўрсатган. Асосан, кемада чайқалиш ҳақида сўз юритган. Бундай ҳолатда сафардаги киши нордон ва хушбўй мевалар ҳамда овқатлар истеъмол қилиш зарурлигини таъкидлаган.

Ибн Сино сафардагилар ичадиган сув масаласига алоҳида тўхталиб ўтган. Унинг ёзишича, сафарда пайдо бўладиган энг оғир қийинчилик сув танқислигидир. Йўлга олишган сув етмай қолганида чўллардаги кўлмак сувлардан фойдаланишга тўғри келади. Бундай сувни аввал тозалаб, ичишга яроқли қилиш керак. Ибн Сино сувни тозалашнинг бир неча усулини кўрсатган. Унинг ёзишича, сувни тозалашнинг энг яхши усули уни буглатиб, сўнг қайтадан сувга айлантиришдир (дистилляция). Бунинг иложи бўлмаганида сувга тоза сөг тупроқ солиб, уни чайқатиб аралаштириб, сўнг тиндирилади. Шунда сувдаги чиқиндилар тупроқ билан бирга пиди тагига чўкиб, сув тозаланади. Сувга тўграб солинган пилёз ҳам уни тозалайди. Сирка ҳам сувнинг зарарини йўқотади.

Ибн Синонинг таъкидлашича, сафарда саломатликни сақлаб қолиш ва бирор касалликка йўлиқмаслик учун шу юқорида санаб ўтилган тадбирларнинг ҳаммасига риоя қилиш керак. Энг муҳим тадбир, киши ўз танасини олдидан сафарда учрайдиган ҳолатларга чидамли қилиб чиниқтиришидир.

Турли фаслларда қилинадиган тадбирлар. Бу масалада Ибн Сино қўйидаги тавсияларни берган: эрта баҳорда зарурат ва одатга қараб, томирдан қон олдириш ва сурги қилиш. Қусдириш тадбири ҳам қилинади. Кучли қиздирувчи ва кўп ҳўлантирувчи гўшлар ҳамда ичимликлардан сақланиш керак. Енгил овқат истеъмол қилиш, мўътадил бадантарбия билан шуғулланиш жуда фойдали. Ҳаддан ташқари тўйиб овқатланиш керак. Ҳар хил шарбатлар ва чанқовни босувчи ичимликлар ичиш яхши. Аччиқ, ўткир мазали ва шўр нарсалардан сақланиш керак.

Ёзда овқатлар, ичимликлар ва бадантарбия машқлари камайтирилади. Дам олиш, истироҳат қилиш, соясалқин жойларда бўлиш фойдали.

Кузда гавдани қуритувчи нарсалардан, совуқ сув ичиш ва совуқ сувда чўмилишдан, совуқ сувда бош ювишдан, салқин ва совуқ ерда ухлашдан сақланиш керак. Ибн Сино бу ерда қандайдир галати тавсияни ҳам беради. Масалан, кузда жинсий алоқадан сақланиш керак эмиш. Мева шарбатларини истеъмол қилиш ҳам мумкин эмас, дейди.

Қишда овқатни кўпроқ истеъмол қилиш керак. Агар қиш илӣқ келса, овқат миқдори озайтирилади. Кўпроқ жисмоний меҳнат билан шуғулланиш фойдали эканини уқтиради.

Ибн Сино ташқи муҳитнинг инсон саломатлигига кучли таъсир этишини кўрсатиб ўтган. Хусусан, у турли жўгрофий минтақалар, иқлим, ҳаво, сув манбалари, турар жойлар организмга ҳам ижобий, ҳам салбий таъсир этиши мумкинлигини кўрсатган. Ибн Синонинг ёзишича, шимолнинг табиати кишилар саломатлигига ижобий таъсир этади. У ерда овқат яхши ҳазм бўлади. Шунинг учун шимолда яшовчиларнинг таналари соғ, гавдалари кучли, қонлари тоза бўлади, дейди. Ибн Синонинг таъкидлашича, шимол томонда яшовчиларнинг гавдаларида туғма иссиқлик кўп бўлади. Шунинг учун улар узоқ умр кўрадилар.

Жануб томоннинг табиати киши организмга салбий таъсир этади. Бу ерда яшовчиларнинг овқат ва ичимликларга нисбатан иштаҳалари оз бўлади. Мия ва меъдалари кучсиздир. Ичлари донмо бузилиб туради.

Ғарб томоннинг табиати ҳам киши организмга салбий таъсир этади. Чунки бу ерларга шамоллар кечикиб келади ва улар ҳавони ўз вақтида тозалай олмайдилар. Емон ҳаво эса касалликлар келтириб чиқаради.

Ибн Синонинг ёзишича, саломатлик учун энг яхши жўгрофий минтақа шарқ минтақасидир. Чунки шарқ томондан эсувчи шамол ва бу томоннинг ҳавоси тоза, соғлом ва очиқдир. Шарқда қуёш ҳамма ёқлардан олдин кўтарилади ва бу томонда яшовчиларнинг бошларига биринчи бўлиб ўз нурларини сочади ҳамда бу ернинг ҳавосини тозалайди. Қуёш ер юзига латиф шамолларни юборади, бу эса киши саломатлигига жуда фойдали таъсир кўрсатади. Шунинг учун ер юзининг шарқий қитъасида яшовчи одамлар соғлом, тетик ва бақувват бўладилар.

Ибн Синонинг турли қитъаларнинг одам организмга турлича таъсир кўрсатиши ҳақидаги фикрлари

ҳам Ҳиппократнинг шундай фикрларига тамомила мос келади. Ҳиппократ кишиларни тўрт қитъадан қайси бирида яшашларига қараб, уларни тўрт тоифа (конституция)га бўлган эди. Ҳар бир тоифага кирувчи кишиларнинг гавдалари ўзига хос хусусиятга эга, деб кўрсатган эди.

Ибн Синонинг ёзишича, инсонларнинг саломатлигига таъсир қилувчи табиий шароитлардан яна бири иқлимдир. Унинг кўрсатишича иқлим уч хил — иссиқ, совуқ ва мўътадил бўлади. Энг фойдалиси мўътадил иқлимдир. Бундай иқлимли жойларда яшовчиларнинг мизожи ҳам мўътадил бўлади. Улар соғлом ва бақувват бўладилар. Аммо бу одамлар ўз мўътадил мизожларини сақлаб қолиш учун мўътадил овқатлар ва мўътадил ичимликлар истеъмол қилишлари лозим. Иссиқ иқлим иссиқ мизожни оширади. Шунинг учун иссиқ иқлимли жойда яшовчилар совуқлик овқатлар ва ичимликлар истеъмол қилиб юришлари керак.

Совуқ иқлимда яшовчилар бунинг акси — иссиқ мизожли овқатлар ва ичимликлар истеъмол қилиб юришлари керак. Шунда уларнинг мизожлари баробарлашиб, саломатликлари сақланади.

Ибн Синонинг таъкидлашича, саломатлик учун энг муҳим бўлган омиллардан бири ҳаводир. Унинг ёзишича, яхши ҳаво ҳеч бир буғ ва тутун каби ёт нарсалар аралашмаган ҳаводир. Бу осмон тагидаги очиқ ҳаво. Бу ҳаво тоза ва тиниқ бўлади. Ибн Синонинг ёзишича, ҳаво иссиқ, совуқ, ҳўл ва қуруқ бўлиши мумкин. Иссиқ ҳаво қонни ташқарига тортиб, бетни қизартиради. Агар унинг иссиқлиги ҳаддан ташқари бўлса, кишининг рангини сарғайтиради.

Совуқ ҳаво ҳазми кучайтиради. Ҳўл ҳаво терини юмшатиб, гавдани ҳўллайдилар. Қуруқ ҳаво терини ҳам, гавдани ҳам қуритади.

Ибн Синонинг ёзишича, энг фойдали мўътадил ҳаво экватор ҳавосидир. Бу ердаги ҳаво қуёш нурларининг тик тушиши туфайли соғ ва мўътадилдир. Бу ерда Ибн Сино йилнинг тўрт фаслида ҳавонинг инсон организмга қандай таъсир қилиши, қайси фаслда қандай касалликлар кўпроқ тарқалиши ва уларга қарши қандай чоралар кўриш кераклигини ҳақида муфассал маълумот берган.

Ибн Сино сув масаласига ҳам жуда катта аҳамият берган. У озикланиш билан боғлиқ, бўлган ҳар бир иш сув иштирокисиз бўлмаслигини таъкидлаб, сувнинг

сифатига эътибор бериш зарур, деб ёзади. Ибн Синонинг ёзишича, энг яхши сув бўлоқ сувидир. Иккинчи ўринда оқар сув туради. Ибн Синонинг таъкидлашича, сув оққанда у уз-узидан тозаланади. Ёмғир суви ҳам яхши сувларга кирди. Айниқса, момақалдиروқли булутлардан ёғгани яхшидир. Қудуқ ва ер ости сувлари булоқ сувига нисбатан ёмонроқдир. Қурғонни кўвурлардан оққан сувлар энг ёмон сифатлидир. Қўлмак сувлар ва тўқай сувлари ҳам энг ёмон сувлар қаторига кирди. Бу ерда Ибн Сино яхши сувнинг фойдали, ёмон сувнинг зарарли таъсирларини баён этган. Ёмон сувлардан қандай касалликлар пайдо бўлиши мумкинлигини кўрсатган.

Ибн Сино инсон саломатлигини сақлашда турар жойларнинг аҳамиятини ҳам кўрсатиб ўтган. Бунда турар жойларнинг баланд ёки пастлиги, тоғли жойдами ёки ясси ердами эканлиги, тупроқнинг ҳолати, дарахтзорлар, ўрмонлар борлиги ёки йўқлиги, сув манбаларининг қандайлиги (оқар сув бор ёки йўқлиги), кушхона ва қабристоннинг узоқ ёки яқинлиги ҳисобга олинмиши кераклигини, бу омиллар кишиларга ижобий ёки салбий таъсир этишлари мумкинлигини таъкидлаган.

Ибн Сино турар жойнинг ўзига (типи, архитектура-си ва ҳ. к.) ҳам аҳамият беради. У ҳар хил тилдаги турар жойларни санаб ўтиб, уларга характеристика берган. Иссиқ, совуқ, намлик, қуруқлик, баландлик, пастлик жойларда қурилган турар жойларнинг ижобий ва салбий томонларини кўрсатган. Қорли тоғлар ва денгизларга яқин жойлардаги турар жойлар ҳақида ҳам сўзлаб ўтган. Ибн Синонинг таъкидлашича, турар жойлар ва жамоат бинолари (масжид, мадраса, касалхона ва ҳ. к.) қурилишида юқорида кўрсатиб ўтилган омиллар ҳисобга олинмиши лозимлигини таъкидлаган.

Ибн Синонинг таъкидлашича, ҳар бир хонадоннинг уйи ҳам маълум қондага биноан қурилиши керак. Биринчидан, уни заҳкаш ердан тенароқ, қуруқ жойда бино қилиш зарур. Чунки, — дейди Ибн Сино — заҳкаш ер ҳар хил касалликлар келтириб чиқаради. Иккинчидан, уй шундай қурилиши керакки, унинг ҳар бир бурчагига қуёш нури тушадиган бўлсин. Шу мақсадда эшик ва деразалар шарқи-жануб томонга қараган бўлишлари керак. Уй ёзда иссиқдан, қишда совуқдан сақлансин. Ҳовлида соя-салқин дарахтлар бўлсин, доимо

ариқда сув оқиб турсин. Чиккидиларни (супуринди, ахлат ва ҳ. к.) уйдан узоқроқ жойга туплаш ва уларни пук қилиш лозим. Шу юқорида санаб ўтилган қондаларга биноан қурилган турар жойларда яшовчи кишилар соғлом буладлар, улар жуда кам касалланадилар.

Ибн Сино инсоннинг саломатлиги яна бир муҳим омилга — одамларнинг руҳий ҳолатига боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган. Унинг ёзишича, асабнинг муътадил (нормал) бўлиши киши соғлиғида етакчи ўрни эгаллайди, асаб бузилиши эса касалликка олиб келади. Ибн Сино ўзининг бу фикрини жуда оддий усулда исботлаб берган. У икки қўзичоқ олиб, бирини оддий шароитда сақлаган. Иккинчисини бир катакка боғлаб қўйиб, катакнинг ташқарисига бир оч бурни қўйиб юборган. Бўри катакка кириб, қўзичоқни ебман, деб ҳамла қилаверган. Катакдаги қўзичоқ эса бундан қўрқаверб, кўп утмайчундек озин кетган ва касалга йўлиқиб ҳалок бўлган. Оддий шароитда сақланган қўзичоқ эса ҳеч нарса бўлмагандек яшайверган. Ибн Сино бу ҳодисани шогирдлари ва бошқа табибларга кўрсатиб, катакдаги қўзичоқнинг ўлимига сабаб қўрқув натижасида унинг асаби ишдан чиққанлиги эканлиги тушунтирган. Ибн Синонинг бу тажрибаси оддий бўлса ҳам, унинг моҳияти жуда чуқурдир. Демак киши соғлом бўлиши учун, биринчи гада, унинг руҳияти муътадил (нормал) бўлмоғи керак. Шу мақсадда Ибн Сино бир қанча тадбирлар тавсия этган. Чунинчи, руҳий кечинмалардан (қўрқув, ғазаб, тушқунлик ва ҳ. к.) ҳоли бўлиш, кўпроқ ўзи ёқтирган кишилар билан бирга бўлиш, хотиржамлик, барқарорлик ва ҳ. к. Ибн Сино кишилар ҳар хил зарарли ҳаёлларга берилиб кетмаслик учун улар шахмат ўйини билан банд бўлишларини ҳам тавсия этган.

Нижоят, Ибн Сино саломатликка ижобий ёки салбий таъсир этиши мумкин бўлган яна бир муҳим омилни эътиборга олиб ўтган. Бу — мамлакатнинг тинчлиги ва фуқароларнинг фаровон ҳаёт кечирishiдир. Бу омилни жуда ҳам муҳимлигини ўз вақтида буюк ҳаким Хипократ кўрсатиб ўтган эди. У ҳагто спесиў тузумини ҳам кишилар саломатлигига таъсир қилувчи омиллар қаторига киритган эди.

Ибн Синонинг саломатликни сақлаш тадбирлари ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва тавсиялари асосан шулардан иборат. Бу мулоҳаза ва тавсиялар кўп жиҳатдан

туғри ва фойдали бўлиши билан бирга улар камчилик ва хатолардан ҳам бутунлай ҳоли бўлмаган.

КАСАЛЛИКЛАРГА ТАШХИС ҚЎЙИШ

Амалий тиббиётда касалларни муваффақиятли даволаш учун, аввало, уларда пайдо бўлган касалликни аниқлаш, яъни ташхис қўйиши керак. Ибн Сино ҳам бу масалага жуда катта аҳамият берган. Унинг таъкидлашича, беморнинг касалига туғри ташхис қўйиш даволашнинг биринчи гаровидир.

Ибн Сино касалликларга ташхис қўйишда уша вақтда маълум бўлган ҳамма усулдан фойдаланган. Урта аср шарқ тиббиётида ташхис қўйишнинг бир қанча усуллари қўлланилган. Шулардан энг асосийси томирни ушлаб қуриб текшириш ҳисобланган. Ибн Сино бу усулни жуда мукаммал билган.

Ибн Сино томир уришини текшириш усулини баён қилишда дастлаб соғ одамда томир уришини ўзгартирадиган омилларга тўхталади. Буни билиш ва ҳисобга олиш ҳар бир табиб учун биринчи галдаги вазифа эканлигини таъкидлайди. Бунда томир уришини аввал муътадил мизожли соғлом одамда синаб қуриш керак, деб уқтиради.

Ибн Сино соғ одамда томир уришини ўзгартирувчи омиллардан қуйидагиларни кўрсатган: ҳар хил ҳаяжонли ҳолатлар (қўрқув, ғазаб, ғамгинлик ёки бўламаса кучли шодлик, лаззатланиш), жисмоний ҳаракат, жинс, ёш, иқлим, об-ҳаво, ҳаво ҳарорати (иссиқ кун), йил фасли, уйқу, уйқусизлик, ошқозоннинг очлиги ёки ўта туқлиги, овқатнинг хили (қиздирувчи ёки совитувчилиги), ичимликлар ва ҳ. к. Ибн Сино шу санаб ўтилган омилларнинг ҳар бири томирда қандай ўзгариш пайдо қилишни батафсил баён этган. Чунинчи унинг ёзишича, ғазаб томир уришини катта, жуда баланд, тез ва кетмакет қилади. Лаззатланиш эса томир уришини секин ва сийрак қилади. Қўрқувда томир уриши тез, қалтироқ, потекис ва тартибсиз бўлади. Жисмоний меҳнат вақтида томир уриш тез ва кучли бўлади. Баҳорда томир уриши ҳар тарафлама муътадил ва кучда ортиқ бўлади. Қишда томир уриши сийрак, секин ва заифроқдир. Кузда томир уриши потекис ва бироз заиф бўлади ва ҳ. к.

Ибн Сино томир уришига қуйидагича таъриф берган: Томир уриши томирнинг сиқилиши ва кенгайишидан ҳосил

бўладиган ҳолатдир. Ҳар бир сақлаш ва ҳар бир кенгайишнинг охирида тиниш (пауза) бўлади. Демак Ибн Синонинг кўрсатишича, томир уриши икки ҳаракат (кенгайиш ва сиқилиш) ва икки тинишдан ташкил топади. Томирнинг кенгайишини бармоқ учи билан сезиш осон, лекин унинг сиқилишини билиб бўлмайди, дейди Ибн Сино. Унинг ёзишича, буни фақат Гален билар экан. Ибн Синонинг фикрича, томир уришидаги сиқилиш ва кенгайиш ҳаракати юракдан қоннинг итарилиб келиши ёки юракка қараб тортилиши натижаси бўлмай, балки томир (артерия)нинг ўз жисмидаги кенгайиш ва сиқилиши натижасидир.

Ибн Синонинг кўрсатишича, томир уришида қандайдир мусиқий табиат мавжуд. Ибн Сино бу ҳақда сўзлаб, ёзади: «Мусиқа санъати овозларнинг ўткирлик ва оғирлик (нигичкалик ва йўғонлик) бўлишича ўзаро маълум муносабатда қушилиши билан ҳамда торларга тушаётган зарбаларни ажратувчи вақт ораллигининг меъёри доиралари орқали камолотга етгани каби, томир уриши зарбаларининг аҳволи ҳам худди шундайдир»*.

Ибн Синонинг ёзишича, томир уришини текширишда унинг қуйидаги ўнта белгиси ҳисобга олинади: 1) томирнинг кенгайиш миқдори; 2) томирни текширувчининг бармоғига урилиши сифати; 3) ҳар бир томир уриши ҳаракатининг давом этиш даври; 4) томир уришининг қаттиқ ёки юмшоқлиги; 5) томирнинг тўлалиги ёки бўшлиги; 6) томир текширилаётган жойнинг ҳарорати; 7) тиниш (пауза)нинг давомлилиги; 8) томир уришининг текислиги ёки нотекислиги; 9) нотекисликда тартиб борлиги ёки йўқлиги; 10) томир уришининг вазни. Ибн Сино томир уришини уч ўлчовга бўлган. Булар — томир уришининг кенглиги, узунлиги ва чуқурлиги. Булардан ташқари, Ибн Сино яна чувалчансимон, чумолисимон, аррасимон, спичқон думисимон томир уришлар ва «стилувчи», «зич», «сийрак», «суст», «говак» деб аталувчи тинишлар бўлади, деб ёзган. Бундай хил томир уришлар ва тинишлар ҳозирги замоннинг юксак даражада ривожланган клиник тиббиётига ҳам маълум эмас. Афтидан, Ибн Сино бу хил томир уришлар ва тинишлар ҳақидаги маълумотларини қадимги Хитой тиббиёти манбаларидан олган бўлса керак. Тиббиётда томир уришини текшириш усу-

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонунари. 1 китоб. 1983. 248-бет.

лини ишлаб чиққан қадимги Хитой табиблари жуда кўп хил томир уришлар бўлишини кўрсатганлар. Масалан, томир уришини текшириш усулига асос солган қадимги Хитой ҳақимларидан бири Ван Шу Хе¹⁰ 24 хил томир бўлишини кўрсатган эди. Ибн Сино шу Ван Шу Хе маълумотиغا асосланган бўлса керак.

Шундан сўнг Ибн Сино турли касаллик ҳолатларида томир уришининг ўзгариши масаласига ўтади. Бунда дастлаб ҳар хил мизождаги одамларда томир уриши қандай бўлишини кўрсатади. Ибн Синонинг ёзишча, иссиқ мизожли кишиларда томир уриши катта (юқори) бўлади. Совуқ мизожли одамларнинг томир уриши секин ва сийрак бўлади. Хўш мизожда томир уриши тўлқинсимон ва кенг бўлади. Қуруқ мизож томир уришини тор ва катта қилади. Касаллик ҳолатларидан иситмалар, летаргус, ёмон хилтларнинг қунайиб кетиши, меъдада ёмон хилт пайдо бўлиши, озиб кетиши, уйқусизлик, бўҳрон, мушакларнинг тараңлашиши, овқатнинг ёмон ҳазм бўлиши, қувватнинг сустлашиши, томирдаги қон ёпишқоқлигининг ошиши, асаб бузилиши (ғамгинлик) ва бошқа касалликларда томир уришининг қандай ўзгаришини кўрсатган.

Ибн Синонинг таъкидлашича, томир уришини танашич ва қўл-оёқнинг ҳар бир нуқтасида текшириш мумкин. Лекин кўпроқ билак томирини ушлаб текширилади. Ибн Синонинг ёзишча, бунинг уч афзаллиги бор. Биринчидан, билак томирини топиш осон. Иккинчидан, касаллар (айниқса, аёллар) уни кўрсатишдан тортирмайдилар. Учинчидан, у юракка яқин жойлашган. Шунинг учун аниқроқ белги беради. Томирни билак ён томонга ётган ҳолатда текширилади. Томирни текшириладиган киши ҳар хил ҳаяжонли ҳолатлардан, жисмоний ҳаракатлардан холи бўлиши лозим. Унинг меъдаси туқ ёққасинча жуда оч бўлмаслиги керак. Умуман, бемор касалликдан ташқари томир уришини ўзгартирувчи ҳамма ҳолатлардан холи бўлиши зарур. Шундагина унинг томири қандай касаллик натижасида ўзгарганлигини аниқлаш мумкин.

Ибн Сино томирни текшириб, касалликни аниқлашда узига хос руҳий-ҳаяжонли синаш усулидан ҳам фойдаланган. Бу усулда табиб беморнинг томирини ушлаб туриб, унинг руҳий ҳолатига турли усуллар билан таъсир қилади ва беморнинг томир урушида пайдо бўлган ўзгаришларга қараб ҳулоса чиқаради. Ибн Сино Журжоц ҳукмдори Манучехрнинг севги дардига мубтало бўлган

жиянининг «касали»ни аниқлашда шу усулдан фойдаланган эди.

Шарқ табибларида томир уришини текширишдан кейин иккинчи ўринда одам танасидан чиқариб ташланадиган чиқиндиларни текшириш турган. Бундай чиқиндиларга сийдик, ахлат, тунук (балғам), тер ва қусук кирган. Ибн Сино ҳам бундай текширишлар муҳим эканлигини таъкидлайди. Бундай текширишларда ҳам дастлаб чиқиндиларни сунъий равишда ўзгартирадиган омилларни бартараф қилиш зарур. Бу омиллар қуйидагилардан иборат: сийдиги текшириладиган киши эрта билан сув, чой ичмаслиги, овқат емаслиги, бирор дори ва сийдикка ранг берувчи нарса истеъмол қилмаслиги керак. Сафро ва шилликни ҳайдовчи нарсалар ҳам истеъмол қилмаслиги лозим. Жисмоний иш ва жинсий алоқа ҳам қилмаслиги керак. Қайф берувчи нарса ҳам қабул қилмасли.

Текшириш учун фақат эрталабки сийдик олинадир. У бир соатдан ортиқ туриб қолмаслиги керак. Сийдикни текширишда унинг ранги, тирикчилиги, қуюқ-суюқлиги, кўп ёки камлиги, ҳиди, қандай чўкма бериши аниқланади. Сийдикни текшириб жигар, сийдик йуллари ва бошқа ички аъзоларнинг аҳволи ҳақида маълумот олинадир. Масалан, сийдик қизил ёки мааларанг бўлса қоннинг қўлигини кўрсатади. Агар сийдик заъфарон туси ола, у жигар ути қунайганидан дарак беради. Оловранг сийдик иссиқлиги ошганидан далилат беради. Ибн Синонинг ёзишча, сийдикка қараб мизожни ҳам аниқлаш мумкин. Масалан, иссиқ мизож ортиб кетган бўлса сийдик қора рангли ва ўткир ҳидли бўлади. Оқ сийдик совуқ мизожнинг аломатидир. Сийдик оқ ва шунинг билан бирга қуюқ бўлса, сийдик йуллари яллиғланганлигини кўрсатади. Савдоси ортиб кетган кишиларнинг сийдиги сассиқ ҳидли ва нордон мазали бўлади.

Ибн Синонинг ёзишча, турли ёл ва турли жинсадаги одамларнинг сийдиги турлича бўлади. Чунинчи аёлларнинг сийдиги эркекларникидан қуюқроқ ва тирикчилиги камроқ бўлади.

Ахлатни текширишда унинг қуюқ-суюқлиги, миқдори, ранги, ҳиди, ёпишқоқлиги аниқланади. Ибн Синонинг ёзишча, ахлат ейилган овқатдан кўп бўлса хилтларнинг қунайганлигини кўрсатади. Кам бўлса ахлатнинг ушланиб (қамалиб) қолганлигини билдиради. Бу ҳайдовчи кучнинг заифлигидандир. Хўл-суюқ ахлат

ҳазмнинг ёмонлигидан далолат беради. Ахлатнинг ранги соғ одамларда оловрангли бўлади. Агар ахлатнинг ранги бундан тўқ бўлса, сафронинг кўплигини кўрсатади. Оч рангли ахлат ўт йўлида тўсиқ борлигини билдиради. Ибн Синонинг таъкидлашича, сийдик ва ахлатни текшириш муҳим ташхис усулларидандир.

Ибн Сино ўша вақтдаёқ ҳозирги замон клиникаларида қўлланадиган баъзи бир ташхис усулларидан ҳам фойдаланган. Масалан, тиқиллатиб кўриш (перкуссия), эшитиб кўриш (аускультация), пайпаслаб кўриш (пальпация) усулларини ишлатган. Ибн Сино ишлатган бу усуллар у вақтда ҳозиргидек такомиллашган бўлмаса ҳам, ҳар ҳолда кўкрак ва қорин бўшлиғида жойлашган аъзоларнинг (ўлка, меъда, жигар ва ҳ.к.) касалликларини аниқлашда ёрдам берган. Масалан, Ибн Сино перкуссия усули ҳақида шундай деб ёзган: «Уриб (тиқиллатиб) кўриш ёрдами билан мешсимон истисқо (асцит) билан ноғорасимон истисқо (метеоризм) ўртасидаги фарқ ажратилади*. Ибн Синонинг ёзишича, тегиб (пайпаслаб) текшириш (пальпация) усули ҳам муҳим диагностик аҳамиятга эса. Масалан, олимнинг кўрсатишича, бу усул билан ёгли ўсманни кўпчишдан ажратиш мумкин.

Ибн Сино ўз фикрини яна ҳам аниқроқ қилиб, «Шиш борлигининг аломатларини аниқловчи ёки аниқлаб олишга ёрдам берувчиларга аъзо фаолиятининг бузилиши ҳам қиради, деб кўрсатган. Аломатни тасдиқловчиларга эса, агар ушлаб кўришга имконият бўлса, шу аъзонинг атрофида кўпчиб шишганликни ушлаб кўриб сезиш керак**».

Аускультация ҳақида Ибн Сино ёзади: эшитиб кўриш орқали аъзолардан чиқадиган овозларни текшириб, унинг ҳолати аниқланади. Масалан, ичакларнинг қулдираши уларда ҳаво ҳам бўлиб қолганини кўрсатади. Бу эса овқат ёмон ҳазм бўлганининг нишонидир.

Ибн Сино бундан минг йил илгари қўллаган бу диагностик текшириш усуллари ҳозирги замон клиникаларида ишлатиладиган перкуссия, аускультация ва пальпация усулларидан жуда оз фарқ қилади. Ибн Сино бу усулларни тўғридан-тўғри, ўз сезги аъзолари (бармоқлари, қулоқлари, қўл қафти) билан амалга оширган. Ҳозир эса бу мақсадлар учун турли асбоблар (сте-

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. I китоб. 1983. 241-бет.

** Уша асар, 242-бет.

тоскоп, фонендоскоп, плессиметр ва ҳ. к.) ишлатиларди, ҳолос.

Ибн Сино бу усулларни қўллаб ички аъзолардаги касалликларни аниқлашнинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб, ички аъзоларда жойлашган кичиккина касаллик, тананинг юзасидаги катта жароҳатдан бир неча марта хавfli бўлиши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, рак касаллиги шундайдир.

Ибн Сино ташхис қўйишда ҳар бир аъзонинг ҳолатига ва унинг ўз функциясини қандай даражада бажаришига қараб хулоса чиқариш кераклигини кўп марта таъкидлаган. Масалан, у мия ҳақида сезги ва эркин (ихтиёрий) ҳаракатларнинг даражасига, ҳиснинг ва фикрлашнинг қанчалик аниқлигига, фалажининг бор ёки йўқлигига қараб, юрак ҳақида томир уришига ва нафас олишнинг осон ва қийинлигига қараб, жигар ҳақида нажас ва сийдикнинг тусига қараб хулоса чиқариш кераклигини алоҳида таъкидлайди.

Ибн Синонинг кўрсатишича, касаллик белгилари касаллик билан бирга бошланиб, касаллик тугагандан сўнг улар ҳам йўқолади. Масалан, иситмадаги бош оғриғи каби. Баъзи белгилар касалликнинг сўнгиде келиб чиқади. Масалан, бўҳрон аломатлари. Белгиларнинг баъзилари ташқи аъзоларда намоён бўлади. Масалан, баъзи касалликларда бемор юзининг туси, терисининг қаттиқ-юмшоқлиги, ҳарорати, совуқлиги шакли, ҳажми ва вазиятининг ўзгариши билан намоён бўлади. Масалан, ҳаракатнинг ўзгариши, тиришишлик, кўз олаиниш тутқаноқ касаллигининг далиллари-дир. Касалда пайдо бўлган эснаш, ҳиқичоқ туттиш, тукларнинг ҳурпайиши, бадан увишиши, аксириш каби белгилар ҳам бирор касалликдан дарак беради. Табиб бемордаги оғриққа ва унинг хилларига, шишга, аъзонинг вазиятига ҳам аҳамият бериши керак. Энг муҳим белгилардан бири аъзо ўз иш фаолиятини қандай бажарётганлигидир. Фаолият пасайиши ёки бутунлай йўқолиши мумкин. Масалан, фалажда фаолият бутунлай йўқолади. Нажас, сийдик ва бошқа чиқиндиларнинг чиқмай қолиши ёки ўзгариши, уларнинг туси, миқдори, ҳиди, қуюқ-сууюқлиги ҳам муҳим диагностик белгилардир.

Ибн Сино касалликларга ташхис қўйишда яна бир муҳим омилни кўрсатган. Бу — дифференциал (тақ-

қослаш) диагностика, яъни баъзи белгилари бир-бирига ўхшаш бўлган турли касалликларни бир-биридан ажратиш олиш усулидир. Бу масалада Ибн Сино жуда тажрибали бўлган. У илгари бошқа табиблар белгилари бир-бирига ўхшаш бўлганлиги учун бир касаллик, деб фараз қилган қўлгина касалликларни бир-биридан ажратиш берган. Масалаи, Ибн Сино плеврит (ўпка пардасининг яллиғланиши) билан зотилжам (ўпканинг узини яллиғланиши), қизамиқ билан чечак, менингит (мия пардаси яллиғланиши) билан миянинг яллиғланиши, вабо билан туун (чума), сабаб нентма билан касаллик нентма каби касалликларни бир-биридан ажратиш берган. Бундан ташқари, Ибн Сино касалликларнинг қайси бири асосий, қайси бири иккинчи даражали, қайси бири олдин пайдо бўлган, қайси бири кейин келиб чиққан эканлигини аниқлаш усулларини ҳам ишлаб чиққан.

Ибн Сино шу юқорида келтирилганларнинг ҳаммасига яқин ясаб, саломатликнинг сақланишига ёки касалликнинг келиб чиқишига сабаб бўладиган омилларни тўрт гуруҳга бўлган. Биринчи гуруҳга моддий сабабларни киритган, иккинчи гуруҳни фаол сабаблар деб атаган. Учинчи гуруҳга шаклий сабабларни киритган. Тўртинчи гуруҳни тугалловчи сабаблар деб атаган.

Моддий сабабларга Ибн Сино аъзолар, хилтлар, ушурлар, руҳ ва мизожни киритган. Фаол сабаблар гуруҳига кирувчи омилларни Ибн Сино киши танасиниц ўзгартирувчилар, деб атайди ва буларга овқатлар, жисмоний ва ақлий меҳнат, ёш, жинс, касб ва турар жойларларни киритган. Шаклий сабаблар гуруҳига кишининг мизожига таъсир қилувчи қувватлар ва таркибларни киритган. Тугалловчи сабаблар гуруҳига кирувчи омилларни Ибн Сино фаолият кўрсатувчилар, деб атайди. Буни асосан «ўзида функционал қувватларни ташувчи» руҳ билан боғлайди.

Ибн Синонинг таъкидлашича, шу омиллар нисбатан ижобий таъсир этиб, унда муътадиллик пайдо қилса, киши соғлом қолади, агар салбий таъсир этиб мутадилликдан чиқарса кишида касаллик пайдо бўлади. Аммо бу тўрт гуруҳ сабабларининг ўртасида аниқ ва равшан чегара йўқ. Масалаи, «моддий» сабаблар гуруҳига Ибн Сино мизожни ҳам киритган. Мизож моддий омил эмас, ҳолатдир. «Шаклий сабаблар»га эса қувватни киритган. Қувватнинг шакли бўлмайди-ку?

Хулласи, Ибн Синонинг бу мулоҳазалари унча аниқ ва равшан эмас.

КАСАЛЛАРНИ ДАВОЛАШ

Ибн Сино касалларни даволаш масаласига утиб, дағдаб касалликлар ҳақидаги ўз фикрларини баён этади. Сунг уларни даволаш усулларини кўрсатади.

Ибн Сино касалликларни содда (оддий) ва мураккаб хилларга бўлган. Унинг кўрсатишича, содда касалликлар асосан айрим аъзоларда учрайди ва мизож бузилиши, таркиб ўзгариши ва узлуксизликнинг узлиши каби ҳоллар билан намойиш бўлади. Мураккаб касаллик содда касалликлар қўшилши натижасида пайдо бўлади. Аммо у содда касалликларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки янги ҳолатдир. Ибн Сино мураккаб касалликларга нисол сифатида ҳар хил шиллар, яллиғланишлар ва усмаларни кўрсатган.

Касалликларни Ибн Сино яна енгил ва оғир турларга бўлган. Бундан ташқари, айрим ўлкалар ва халқларга хос касалликлар ҳам бўлишини таъкидлаган. Бу жиҳатдан Ибн Синони ўлка касалликларни фақининг асосчиси деб аташ мумкин.

Ибн Синонинг ёзишича, касалликлар ўз ривожланиши ва тугалланиши жиҳатидан тўрт босқични босиб ўтади. Биринчи босқич касалликнинг бошланиш даври, иккинчи босқич касалликнинг зурайиш даври, учинчи босқич касалликнинг ниҳоясига етган даври, тўртинчи босқич касалликнинг пасайиш даври. Бу схема баъзи юқумли касалликларга нисбатан тўғри бўлса ҳам, уни ҳамма касалликларга нисбатан татбиқ этиш мумкин эмас, чунки касалликларнинг ҳаммаси ҳам шу тўрт даврни ўтмайди.

Ибн Сино касалларни даволашнинг асосий принципларини қуйидагича ифодалайди: «Соғлиқ ўзинга мос нарса билан сақланади, касаллик ўзинга зид нарса билан даволанади». Бу ерда Ибн Сино, албатта, мизожни кўзда тутган. Уша замон тиббиёти учун бу принцип тўғри ҳисобланган.

Ибн Сино амалий тиббиётда касалликларни даволашнинг икки асосий йўлини—ўмумий муолажа қондалари ва ҳар бир алоҳида касалликни даволаш усулларини ишлаб чиққан. Бу ҳар иккала усул Ибн Синонинг табиблик фаолиятида асосий ўрни эгаллайди.

УМУМИЙ МУОЛАЖА ҚОИДАЛАРИ

Умумий муолажа қоидалари ҳар қандай касаллик танадаги хилтлар ва мизожларнинг ўзгариши натижасида келиб чиқади, бинобарин, даволашнинг асосий мақсади шу ўзгарган хилт ва мизожларни мўтадил ҳолатга келтиришдан иборат, деган тушунчага асосланган. Бунда Ибн Сино асосан икки мизожни — иссиқлик ва совуқликни кўзда тутган.

Иссиқлик мизожининг ошиб кетиши. Ибн Синонинг кўрсатишича, иссиқ мизожнинг ошиб кетиши уч хил бўлади: 1. Иссиқликнинг қуруқлик ва ҳўлликнинг мўтадиллиги шаронтида ошиши. 2. Иссиқликнинг қуруқлик билан бирга ошиши. 3. Иссиқликнинг ҳўллик билан бирга ошиши.

Ибн Синонинг ёзишича, қуруқлик ва ҳўллик мўтадил бўлиб туриб, иссиқлик ошганда, у маълум бир чегарага борган, лекин ниҳоясига етмаган бўлади. Мизожнинг иссиқлиги қуруқлик билан бирга ошган бўлса, бундай ҳолат узоқ вақт сақланиб қолади. Агар иссиқлик ҳўллик билан бирга ошган бўлса, бу ҳолат узоқ чўзилмайди. Чунки ҳўллик иссиқликка таъсир қилиб, уни сўндиради. Баъзан эса аксинча, иссиқлик ҳўлликка таъсир қилиб, уни қуритади.

Иссиқликлари ошиб кетган кишиларга сийдикни ҳайдовчи ва бўшатувчи (сурги) дорилар берилади. Уларни яхши қаймусли (осон ҳазм бўладиган) овқатлар билан овқатлантирилади. Тез-тез (бир кунда уч марта) ҳаммомга туширилади. Улар ҳар қандай қиздирувчи сабаблардан сақланишлари керак. Бадалларига ёғ суртиб турсинлар. Оқ ва суюқ шароб ичсинлар. Уларга совуқ сув фойда қилади. Бу тадбирларни Ибн Сино иссиқликларни қуруқлик билан бирга ошган кишиларга тавсия этган. Иссиқликлари ҳўллик билан бирга ошган кишиларга у таналаридан чиқиндиларни чиқариб юбориш чорасини кўриш, қон олиш ва ҳаммомга тушишни тавсия этган. Совуқлиги ошган кишиларга Ибн Сино ҳўллик ва қуруқлиги ўртача бўлган овқатлар, қиздирувчи ёғлар тавсия этган. Аъзоларини рутубатлардан тозалаш, ҳаммомга тушиш тадбирини ҳам кўрсатган.

Ибн Сино даволашнинг уч асосий усулидан фойдаланган. Булар—тадбир (режим), дорилар билан даволаш ва жарроҳий усул.

Тадбир. Ибн Сино «тадбир» сўзига низоҳ бериб, шундай ёзади: «Тадбир» сўздан мавжуд бўлган омил-

ларни тартибга солиш тушунилади, овқат ҳам шулар жумласидандир.

Шарқ тиббиётида турли касалликларни даволашда беморларнинг овқат режимини тартибга солиш энг муҳим тадбир ҳисобланган. Ибн Сино ҳам шу фикрни тасдиқлайди. Унинг ёзишича, овқат тадбири қуйидагича: у касалликнинг турига қараб миқдор жиҳатидан баъзан камайтирилади, баъзан бутунлай манъ қилинади. Гоҳо ўртача қилинади, баъзан эса кўпайтирилади. У икки томонлама камайтирилади ёки кўпайтирилади. Биринчидан, миқдор, иккинчидан сифат жиҳатидан шундай қилинади. Баъзан овқатнинг миқдори кўпайтирилиб, унинг физиолиги камайтирилади. Масалан, сабзавот ва мевалар берилади. Баъзан эса овқатнинг миқдори камайтирилиб, унинг физиолиги оширилади. Масалан, тухум, хўроз мояги. Турли касалликларни даволашда Ибн Сино овқатларнинг шу хусусиятларидан фойдаланган. Масалан, беморнинг иштаҳаси кучли бўлиб, унинг томирларидаги хилтлар етилмаган бўлса овқатнинг сифатини (физиолигини) камайтириб, миқдорини кўпайтиришни тавсия этган. Ибн Синонинг фикрича, бунда меъдани тўлдириб, иштаҳа қондирилади. Томирларни эса кўп модда (овқат) билан машғул бўлишдан сақлайди, токи аввал томирлардаги модда етилиб улгурсин. Ибн Сино давом этиб ёзади: Баъзан овқатнинг физиолиги кўпайтирилиб, миқдори камайтирилади. Бунда беморнинг қуввати сақланади. Масалан, бундай тадбир ўткир касалликларда қилинади. Эски сурункали касалликларда эса овқатнинг миқдори унча камайгирилмайди. Чунки бундай касалликларнинг бўҳронни узоқ давом этади. Агар беморнинг овқатни жуда чеклаб қўйилса, унинг қуввати сусайиб, бўҳрон давомида турғунлиги етишмайди. Ўткир касалликларнинг бўҳрони қисқа. Бунда овқат касалликнинг тузалишидан бурун тугаб қолмайди. Шунинг учун ўткир касалликларда овқатни анча камайтириш унча хавфли эмас. Янги бошланган, лекин ҳали унча зўраймаган касалликни даволашда беморнинг қувватини ошириш учун уни яхши овқатлантириш керак. Қасаллик зўрайиб, унинг белгилари кучайса, овқатни камайтирамиз. Қасалликнинг тузалиши олдида ҳам овқат анча камайтирилади.

Ибн Сино овқат маҳсулотларига, кўпроқ уларнинг дориллик хусусиятлари нуқтаи назаридан ёндашган. Бу жиҳатдан у парҳез масаласига алоҳида аҳамият

берган. Унинг ёзишича, шундай касалликлар борки, уларни фақат парҳез билан даволаш мумкин. Бунда беморга маълум вақтгача овқат берилмайди ёки эса жуда суюлтирилган енгил овқатлар (қайнатилган туруч суви, товук шўрва ва ҳ. к.) берилди. Бу даврда беморга лозим бўлган муолажа қилинади. Масалан, сурги дори берилди, ҳўқна қилинади, қон олинади ва ҳ. к. Шундан сўнг бемор аста-секин оддий овқатлар истеъмол қилишга ўтади.

Ибн Сино овқат маҳсулотларининг иссиқлик, совуқлик ва бошқа хусусиятларига катта аҳамият берган. Беморларнинг мизожини мўтадил ҳолга келтириш учун у ҳар хил дорилар қаторида овқат маҳсулотларидан кенг фойдаланган. Шарқ тиббиётида овқат маҳсулотларининг иссиқлик ва совуқлик хусусиятига эга бўлиши ҳақидаги тушунча жуда узоқ вақт давом этди ва бизнинг давримизгача етиб келди.

Бўшатиш усули. Шарқ тиббиётида организмни турли ортиқча хиллардан бўшатиш усули жуда кенг қўлланилган. Ибн Сино ҳам бу усулдан фойдаланган.

Бўшатиш усули ҳам хиллар, мизожлар ва рутубатлар тушунчасига асосланган. Бунда кўпроқ тўрт усулдан фойдаланилган. Булар ич сурдириш, қон олиш, қусдириш ва ҳўқна қилиш. Ибн Сино шу усулларнинг ҳаммасини ишлатган.

Ибн Сино бўшатиш усулини қўллашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлайди: тўлиб кетиш (имтило), беморнинг қуввати, мизожи, аҳволи, ёши, йил фасли, иқлим, бўшалишга одат қилинганлиги, бўшалишга муносиб ҳолат, беморнинг касби ва ҳ. к. Ибн Синонинг таъкидлашича, шу ҳолатларнинг бири ёки бир нечаси бўшалишга монелик қилмагандагина бўшатиш усулини амалга ошириш мумкин. Олим дагина бўшатиш усулини амалга ошириш мумкин. Олим муносиб ҳолат масаласига алоҳида тўхталлади. Бу тушунчага у беморда ич кетиш йўқлигини ҳам киритган. Чунки, — дейди Ибн Сино — агарда беморда ич кетиш бўлса, бунинг устига бўшатиш усулини амалга ошириш хавфлидир. Мизожлардан иссиқ-қуруқ мизожда, яъни қуруқлик билан кечган иссиқ мизож ошишида бўшатиш манъ қилинади. Совуқ-ҳўл мизожда ҳам шундай. Иссиқ-ҳўл мизожда бўшатиш мумкин. Жуда озғин ва жуда семиз кишиларда ҳам бўшатиш қилинмайди.

Ёш масаласида балоғатга етмаганларда бўшатиш қилинмайди. Йилнинг қаттиқ иссиқ ва қаттиқ совуқ кунларида ҳам шундай. Иссиқ минтақали мамлакат-

ларда ҳам бўшатиш амалга оширилмайди, чунки сурги дориларнинг кўпи иссиқ мизожлидир. У иссиқ минтақали мамлакатларда беморнинг иссиқлигини янада оширади. Кўп терлаш билан боғлиқ бўлган касб эгаларида (масалан, темирчилар ва ҳаммомдаги ходимчиларда) ҳам бўшатиш усули қилинмайди.

Сурги дори ишлатиш. Шарқ тиббиётида қўлланиладиган дорилар қаторида энг кўп ишлатиладиган сурги дорилар бўлган. Деярли ҳамма касалликларда табиб беморни даволашда дастлаб унга сурги дори берган. Бундан асосий мақсад «танада кўпайиб кетган ва касалликка сабаб бўлган ортиқча хиллар»ни чиқариб юборишдир. Ибн Сино ҳам ўз табиблик фаолиятида шу принципга асосланган. Унинг фикрича, сурги дорилар беморнинг танасини ортиқча рутубатлардан тозалаб, унинг даволаниши учун замин тайёрлайди ва табибининг ишини енгиллаштиради. Олимнинг ёзишича, ич сурдириш усулининг ҳам ўз қоидалари бор. Улар асосан қон олдириш қоидаларига мосдир.

Ибн Сино сурги дориларнинг таъсир этишига тўхталиб, улар ўзларидаги тортувчи қувват билан чиқарилмоқчи бўлган хилтни ўзига тортиб олиб, сурадилар, деб тушунтиради. Ҳар бир сурги дори дастлаб ўзига мос бўлган хилтни тортади. Сўнгра кўп-озликда ва совуқликда ўша сургига яқин бўлган хилтни суради. Энг охирида қонни суради. Бу ерда Ибн Сино бир муҳим нарсани кўрсатиб ўтган. Унинг ёзишича, бўшатилишга эҳтиёж тушган ҳар бир ҳолатда ҳам сурги дори беравериш мумкин эмас. Чунки бу одат тусига кириб қолиб, оқибати ёмон бўлиши мумкин. Яъни бемор сурги дорисиз бўшала олмайдиган бўлиб қолади.

Сурги дори ўзининг хилтни эритиш, сиқиш, юмшатиш хусусиятлари билан таъсир қилади. Ҳар бир сурги дорининг табиатида бир даража заҳарли хусусият бўлиб, у табиатни мажбур қилиб суради.

Қусдириш. Шарқ тиббиётида ортиқча хилларни ҳайдаш учун бошқа бўшатиш тадбирлари қаторида қусдириш усулидан ҳам фойдаланилган. Ибн Сино ҳам бу усулни ишлатган. Унинг ёзишича, бу усул шиллик ва сафрони чиқариб, меъдани тозалайди, бошда пайдо бўлган оғриқни йўқотади, кўзни равшан қилади. Меъдани мўтадил ҳолатга келтиради. Аммо Ибн Сино беморни қандай қусдириш йўллари кўрсатмаган.

Ибн Синонинг ёзишича, қусдириш усули жуда кўп касалликларни даволашда қўлланилади. Масалан, истиско, тутқаноқ, меланхолия, мохов, никрис, ирқиннисо каби тузалиши қийин бўлган касалликларни даволашда қусдириш усули ишлатилади. Бундан ташқари, олимнинг фикрича, қусдириш усули буйрак ва қовуқда пайдо бўлган яраларни ҳам тузатади. Сарик касаллигида ҳам фойда беради. Ҳатто моховни ҳам қусдириш усули билан даволаш мумкин эмиш.

Ҳўқна қилиш. Ибн Сино ҳўқна ичакларни чиқиндилардан тозалайди, деб тўғри фикр юритади. У ҳўқна қовуқдаги шишларни ҳам тузатади, деб ёзади. Бу ерда Ибн Сино катетеризацияни кўзда тутган бўлса керак.

Қон олиш. Ибн Синонинг ёзишича, қон олиш усули икки хил ҳолатда ёки қоннинг миқдори ўз меъридан ошиб кетганида ёки унинг сифати бузилганда амалга оширилади. Баъзан қоннинг ҳам миқдори ошиб кетади, ҳам сифати ўзгаради. Бунда ҳам албатта қон олиш керак. Ибн Синонинг фикрича, қонни баҳор пайтида олиш мақсадга мувофиқдир. Ибн Сино қуйидаги касаллик ҳолатларида қон олишни тавсия этган: ирқиннисо, қонли никрис, қоннинг кўпайиши натижасида ўпка томирларининг ёрилиши, яъни қон тупуриш, сакта касаллиги, меланхолия, бавосир, ҳайз қонининг тўхтаб қолиши, иссиқ мизожнинг ошиб кетиши натижасида ички аъзоларда занфлик пайдо бўлиши. Ибн Синонинг фикрича, бир ердан қон оқаётган бўлса уни тўхтатиш учун бошқа ёқдан қон олинади. Масалан, бачадон, орқа тешик ва кўкрак (эмчак) дан оқаётган қонни тўхтатиш учун уларга қарши жойдан қон олинади. Бу ерда Ибн Сино муҳим хатога йўл қўйган. Масалан, у ҳайз кўраётган аёлдан «кўп қон кетиб қолмаслиги учун» қон олишни тавсия этган. Ибн Сино таъкидлайдики, шу юқоридан кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юз бериши билан оқ қон олиш керак. Акс ҳолда касаллик тез авж олиб кетиши мумкин. Бундай ҳол рўй берганда қон олишни тўхтатиш зарур. Лекин касаллик етилиб, дастлабки ва охириги пайтдан ўтган бўлса қон олиш мумкин, дейди. Аммо касаллик хуруж қилиб турган пайтда қон олиш мумкин эмас.

Ибн Синонинг фикрича, қон олиш гавдадаги чиқиндиларни суюлтириб, чиқариб юборади ва унинг ўрнини тоза қон эгаллайди. Баъзан қон олинганда чиқа-

рилиши лозим бўлган чиқинди чиқмай қолади. Бунда қон олишни такрорлаш керак бўлади.

Ибн Синонинг ёзишича, қуйидаги ҳолатлар қон олдиришга монелик қиладилар: 1) ҳомилдорлик (олимнинг кўрсатишича ҳомилдор аёлдан қон олинса, унинг қорнидаги ҳомила ўлиб қолиши мумкин экан); 2) иситма хуруж қилиб турган пайти, эт увишиб турган вақт; 3) танада қаттиқ оғриқ бўлиб турган вақт; 4) жинсий алоқадан кейин; 5) ёш болалар ва қари кишиларда; 6) жуда ориқлик ва жуда семизлик; 7) сурункали касалликлар; 8) меъданинг жуда тўлаллиги.

Ибн Сино қон олиш принциpigа тўхталиб, жуда тўғри фикр баён этган. Унинг ёзишича, олиниши керак бўлган қонни бир мартада ва бир кунда эмас, балки оздан бир неча кунда олиш керак. У бундай деб ёзган: «Олинадиган қоннинг миқдорини оширишдан кўра, уни олиш сонини ошириш керак».

Ибн Сино қон олиш техникасига тўхталиб, уни ҳар икки томирдан—венадан ҳам, артериядан ҳам олиш мумкинлигини кўрсатган. Аммо,—дейди у,—артериядан қон олишда қон кўп кетиб қолиши хавфи бор. Қон асосан қўл томирдан олинади. Аммо Ибн Синонинг ёзишича, оёқ томирларидан ҳам олиш мумкин.

Олимнинг кўрсатишича, қон қай жойдан олинишига қараб турлича таъсир кўрсатади. Масалан, қўл артериясидан қон олиш жигар ва кўкрак-қорин тўсиғидаги сурункали оғриқларда яхши ёрдам беради. Оёқ томирларидан қон олиш бош томонга йўналаётган моддадан ва савдодан келиб чиқадиган касалликларда фойда қилади.

Ибн Сино қон олиш техникасини яхши ишлаб чиққан. Унинг ишлатган усуллари ҳозирги замон усулларига жуда яқин. Масалан, Ибн Сино қон олинадиган аъзо (қўл) наштар уриладиган жойдан юқорироқдан боғланиши керак. Шунда томир бўртиб чиқади.

Ибн Сино қон олишнинг маълум учала усулидан фойдаланган. Булар—томирга наштар санчиш, қортиқ солиш ва зулук қўйиш. Ибн Синонинг ёзишича, биринчи усулда қон чуқурдаги аъзолардан чиқади. Иккинчи усули (терини бироз тилиб, ўша жойдан қонни қортиқ билан сўриб олиш)да қон юзадаги аъзолардан, хусусан, тери қаватларидан чиқади. Ибн Синонинг кўрсатишича, қортиқ орқали қонни сўриб олишда учта афзаллик бор. Биринчидан, қон шу қортиқ қўйилган аъзонинг ўзидан чиқади. Иккинчидан, бунда қондаги

руҳ моддаси чиқиб кетмайди, учинчидан, бошқарувчи аъзолардаги қон сақланиб қолади.

Зулук солиш. Ибн Синонинг кўрсатишича, зулук қортиқдан чуқурроқ жойдаги қонни сўриб олади. Зулукларнинг ичида заҳарлилари ҳам борлигини таъкидлайди. Ибн Синонинг ёзишича, зулук солиш ширинча, темиратки, сепкил, намаш (қизил доғ) касалликларида яхши ёрдам беради.

Дорилар билан даволаш қондалари. Ибн Синонинг кўрсатишича, бу қондалар учта: 1. Дорининг кайфиятига, яъни иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва қуруқлик хусусиятларига қараб танлаш. 2. Дориларнинг миқдорини белгилаш (дозировка). 3. Дориларнинг қабул қилиш вақтини белгилаш.

Ибн Синонинг таъкидлашича, дориларнинг кайфиятига қараб танлашда уларнинг касаллик хусусиятига (кайфиятига) қарама-қарши бўлгани олинад. Бундан ташқари дори тавсия этишда бемор аъзосининг табиати, касалликнинг тури ва даражаси, касалликнинг жинси, ёши, кўникмалари, табиий шароит, касалликнинг касби, қуввати, йил фасли ҳисобга олиниши керак.

Ибн Синонинг кўрсатишича, касал аъзонинг табиати тўрт нарсадан ташкил топади: 1) аъзонинг мизожи; 2) аъзонинг тузилиши; 3) аъзонинг ҳолати; 4) аъзонинг ўз табиий ҳолатидан қанчалик узоқлашгани. Танланган дорилар шу ҳолатларни мўътадил даражага келтириши керак.

Дориларнинг миқдорини (дозасини) белгилаш ҳам жуда муҳимдир. Айниқса, мураккаб дориларга кирувчи моддаларнинг ўзаро миқдорини тўғри аниқлаш муҳим. Бунда уларнинг таъсир қилувчи кучи ҳисобга олиниши керак. Дориларни қабул қилиш вақтига ҳам аҳамият бериш керак. Масалан, бир кунда неча марта ва қайси вақтларда қабул қилиш белгилаб олиниши зарур. Дорининг овқатдан олдин ёки кейин қабул қилинишини белгилаш ҳам муҳим.

Ибн Сино касалликларни умумий, яъни бутун гавданинг касаллиги ва хусусий, яъни айрим аъзоларнинг касаллиги, деб икки турга бўлган. Олимнинг ёзишича, умумий касаллик бирор аъзода чекланиб қолмай, бутун гавдани хасталикка учратади. Хусусий касаллик айрим аъзоларга жойлашиб олиб, шу аъзода хасталик пайдо қилади. Бу айрим аъзолар касаллиги, деб аталади. Бу ҳар икки тур касалликнинг ўз хусусиятлари бор.

АЙРИМ АЪЗОЛАР КАСАЛЛИКЛАРИ

Ибн Сино касалликларни асосан локалистик принципи бўйича турларга ажратган. У одам гавдасини 22 қисмга бўлиб, шу қисмларда учрайдиган туркум касалликларни аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш усулларини кўрсатган. Ибн Сино, аввало, шу қисм (аъзо)нинг функцияси, анатомик-физиологик хусусиятлари, табиати ва мизожини баён этади. Сўнг унинг касалликлари ва уларни аниқлаш ҳақида маълумот беради. Баъзи қўшимча маълумотлар ҳам келтиради. Кейин касалликни даволаш усулларини кўрсатади. Масалан, бош ва миёна касалликларини баён этар экан, дастлаб миёнанинг функцияси ва қисмлари (анатомияси) ни баён этиб, сўнг унинг касалликлари, уларни аниқлаш йўллари ва даволаш усулларини кўрсатган. Бу ерда Ибн Сино яна бир қанча қўшимча маълумотлар ҳам келтирган: чунончи, бошнинг катта ёки кичиклиги, унинг шакли, оғир ёки енгиллиги ва улардан олинадиган далиллар ва ҳ. к. Умуман, Ибн Сино бош ва миёна, уларнинг анатомик ва физиологик хусусиятлари, касалликлари, уларни аниқлаш ва даволаш масалаларига ўзининг «Ал-қонун» асаринда жуда катта (74 фасл) ўрин берган. Ибн Сино миёна ва асаб тизимига даҳли бўлган бирорта ҳам масалани қолдирмаган. У ҳатто ишқ (севги)ни ҳам бош миёна касаллиги қаторига киритган. Бу ҳақда Ибн Сино бундай деб ёзган: Ишқ васвасали ва меланхолияга ўхшаш бир касаллик бўлиб, бунда киши кўпинча маҳбубининг баъзи бир кўрinishлари ва ҳуққларини яхши кўришга ўз фикрини бўйсундирган бўлади. Дарҳақиқат, ошиқнинг хаёлидан маҳбубининг кифаси ҳеч кетмайди. Умуман, ишқни қаттиқ ўрнашиб қолган шартли рефлекс дейиш мумкин.

Ибн Сино жуда муҳим бош миёна касалликларидан менингитни кўрсатган. Бу касалликнинг белгиларини у бошқа ҳакимлардан аниқроқ ва тўлароқ ифодалаб берган. Хусусан, Ибн Сино менингит касаллигида гардон мушакларининг тирилишини биринчилардан бўлиб кўрсатган. Бундан ташқари, Ибн Сино бошдаги соч ва тукдан тортиб, то бош ва миёна содир бўлади-ган жуда кўп касалликларни баён этган. Уларни аниқлаш, ташхис қўйиш ва даволаш йўллари кўрсатиб берган.

Ибн Сино «бошқарувчи» деб аталадиган аъзолар касалликларига алоҳида аҳамият берган. Бундай аъзоларга у бош миёна, юрак, жигар ва мойки киритган.

Ибн Синонинг ёзишича, энг муҳим бошқарувчи аъзо юракдир. Олим бу аъзонинг касаллиги жуда хавфли эканлигини кўрсатиб, у ёмон оқибатларга олиб келишини таъкидлайди. Ибн Сино юракнинг носоглом эканлигини кўрсатувчи қуйидаги ҳолатларни санаб ўтган. Булар томир уриши ва нафаснинг ўзгариши, кўкрактузилиши бошқача бўлиши, баданни ушлаб кўрилганда унда бошқача ҳолат сезилиши, гавданинг кучсизланиши, мўйларнинг бошқача бўлиши, кишида ҳар хил хаёллар пайдо бўлиши. Лекин бу ерда келтирилган аломатларнинг ҳаммаси ҳам юрак касалликларига тегишли эмас. Масалан, Ибн Синонинг «кишининг кўкрагидаги жун (тук)нинг қалин ёки сийраклиги юрак касаллигидан далолат беради», деб ёзиши ҳақиқатга тўғри келмайди. Тукнинг ранги (туси) ҳам юрак касаллигидан далолат бермайди.

Ибн Сино юрак касалликларини ҳақида сўзлаб, дастлаб бу аъзода ҳам бошқа аъзоларда бўлганидек уч турқум касаллик (мизож бузилиши, қурол касаллиги ва жароҳатлар) бўлишини кўрсатган. Бундан ташқари юракнинг ўз жузъий касаллиги бўлишини ҳам таъкидлаган. Буларга Ибн Сино хафақон, юракдан бўладиган беҳушлик, тўсатдан қувватнинг заифланиши ва юракда бўладиган шишини киритган. Бу ҳолатларнинг сабаблари, белгилари ва даволаш чоралари кўрсатилган. Ибн Сино юрак касалликларини даволашда фойдаланиладиган дорилар ҳақида махсус «Юрак дорилари» («Ал-адвият ал-қалбия») номли асар ҳам ёзган. Бунда 64 хил дори баён этилган.

Ибн Сино яна муҳим аъзолардан жигар, ўпка, меъда, талоқ, буйрак, ичак касалликларини кўрсатган. Умуман, Ибн Сино бошдаги сочдан тортиб, то товонларгача киши гавдасидаги ҳамма аъзолар касалликларини батафсил баён этган. Улар «Тиб қонунлари»нинг 1500 бетдан ортиқ бўлган III китобида баён этилган.

Жарроҳий касалликлар. Ибн Синонинг жарроҳий касалликлар ҳақидаги тушунчалари ва уларни даволаш усуллари В. Қ. Жумаевнинг 1965 йилда чоп этилган «Хирургия Абу Али ибн Сино ва её исторические истоки» («Абу Али ибн Синонинг жарроҳиёти ва унинг тарихий манбалари») номли китобида батафсил баён этилган. Шунинг учун биз бу ерда Ибн Синонинг қандай жарроҳий касалликларни қандай усулда даволагани масаласига тўхталиб ўтирмай, унинг умуман жарроҳлик илмига бўлган муносабати ва фикр-мулоҳазалари ҳа-

қида сўз юритамиз. Ибн Сино жарроҳий касалликларни узлуксизликнинг бузилиши, деб атайди ва уни икки турга бўлади: 1. Жароҳатлар. 2. Яралар.

Жароҳатлар. Ибн Сино жароҳатларга тананинг мажжақланиши, суяк синиши, бўғин чиқиши, қон оқиши, эзилиш, куйиш, тери шилинишларини киритган, Шунларнинг ҳар бирини ифодалаб берган.

Ибн Сино жарроҳлик билан кам шуғулланган бўлса керак. У жароҳатларни операция усули билан даволашга жуда оз ўрин берган. Шунда ҳам Галеннинг сўзига асосланиб, жароҳатланган жойдаги йиринг пастга томон оқиб тушиши учун қўлай бўлган томонга қараб, тери устидаги чиққ ва ажинларни ҳисобга олиб, ёриш керак, деб ёзади, холос. Қорин жароҳатига тўхтаб «бир олим (кимлигини айтмайди) уни қандай тикиш кераклигини кўрсатган», дейиш билан чекланган. Тикиш усулини кўрсатмаган. Фақат қовуқдаги тошни чиқариб олиш усулини анча батафсил ёзган. Аммо бу усул қадимги машҳур жарроҳ Антилл ёзиб қолдирган усулга тамоман ўхшайди. Бинобарин, Ибн Сино бу операция усулини ёзишда шу олимнинг асарига асосланган бўлса керак. Совуқ шиш (ўсма)ни даволаш усулини ҳам анча батафсил ёзган. Чиққан-синганларни даволаш усуллари тўлароқ кўрсатган. Бунда у кўпроқ Ҳиппократ ёзиб қолдирган усулларга асосланади.

Ибн Сино ҳар хил жароҳатланишларнинг оқибати ҳақида фикр юритиб, жароҳатланиш кўп ҳолда ўлимга олиб келади, деб таъкидлайди. Юрак жароҳатланишида эса киши ҳеч тирик қолмайди, дейди. Уша замон жарроҳияси учун бу табиийдир. Ибн Сино жароҳатдан маълум миқдор қон оқиши фойдали, деб ёзади. Унинг фикрича, жароҳатдан бироз миқдор қон оқса бу ерда шиш пайдо бўлмайди. Бундан ташқари, у жароҳатланган одамдан қон олишни ҳам тавсия этган.

Жароҳатларни даволашда Ибн Сино кўпроқ эт ундирувчи дорилар ишлатишни афзал кўрган. Унинг фикрича, эт ундирувчи дори соғлом қонни кўпайтириб, уни этга айлантиради. Ибн Сино эт битирувчи дорини ҳам тавсия этган. Унинг ёзишича, эт битирувчи дори шундай дорик, у жароҳат сиртини қуритиб, устида қуруқ пўстлоқ пайдо қилади. Бу пўстлоқ табиий тери пайдо бўлганга қадар жароҳатланган жойни офатлардан (микроблардан) сақлайди.

Ибн Синонинг таъкидлашича, жароҳатларни даволашда ишлатиладиган дориларнинг мизожни жароҳат мизожига мос бўлиши керак. Агар жароҳатда қон йиғилган бўлса жароҳат мизожини ҳисобга олган ҳолда қонни қуритиш хусусиятига эга бўлган дори ишлатиш керак. Сўнг жароҳатланган жойни босиб (қисиб) боғлаб қўйиш лозим. Ибн Сино жарроҳий касалликларни операция усули билан даволаш масаласида кўпроқ Хиппократ, Гален ва бошқа ҳакимларнинг фикрларини баён этган.

Яралар. Ибн Синонинг ёзишича, узлуксизликнинг бузилиши, яъни жароҳат узоқ давом этса ва йирнинг боғласа у ярага айланади. Ярадан чиқаётган йирнинг суюқ қисми зардоб, қуюғи эса чирк дейилади. Зардоб хилларнинг суюқ қисмидан, чирк эса уларнинг қуюқ қисмидан пайдо бўлади. Зардоб кўпинча шиш пайдо қилади. Зардобга қарши қуритувчи дори ишлатилади. Чиркка қарши тозаловчи дори қўллаш керак. Чирк қуюқлашиб қотган модда бўлиб, оқ ёки қорамтир рангга эга бўлади.

Ибн Сино яраларни чуқур ва юза, хавфли ва хавфсиз хилларга бўлган. Уларни даволаш масаласида травматик яралардан бошқасини қуритиш йўли билан даволашни тавсия этади. Яраларни даволашда уларнинг четларини яқинлаштиришни, дорини сақлаб қолиш чорасини кўриш кераклигини таъкидлайди. Ярадаги чирк чиқариб олиниши лозим. Агар яра пайдо бўлган жойда шиш бўлса, дастлаб шу шишни даволаш чорасини кўриш керак.

Зардобли яраларни даволашда дастлаб қуритувчи дорилар ишлатилиб, яра зардобдан тозаланади. Сўнг эт ундирувчи дори қўйилади. Чиркли яраларни даволашда ҳам у аввал чиркдан тозаланади. Хоналаб кетган (кўпкўзли) ярани даволашда, унда эт ундириб, шу кўзларни битириш керак. Кўпкўзли ярада зардоб оқиб чиқсин учун яранинг паст томонини очиш зарур, деб кўрсатган.

Яраларни ювиш ва тозалаш учун Ибн Сино шароб (спирт) ишлатишни тавсия этган. Демак у спиртнинг бактериостатик таъсирини билган, дейиш мумкин. Ибн Синонинг ёзишича, шароб тозаловчи, буриштирувчи, қуритувчи хусусиятларга эга.

Ибн Сино носур (оқма) яраларга алоҳида тўхталади. Бундай яраларни кесиб ва олов (куйдириш) йўли билан даволаш керак деб ёзади. Ибн Сино асаб томир-

лари жароҳатларини даволаш қийинлигини алоҳида таъкидлаган.

Суяк синиши ва бўғинлар чиқиши ҳақида Ибн Сино анча тўғри фикр юритган. Унинг таъкидлашича, гавдадаги деярли ҳамма бўғинлар чиқиши мумкин. Баъзилари тез-тез, баъзилари кам чиқади. Масалан, Ибн Синонинг ёзишича, бармоқ бўғинлари синса синадики, лекин чиқмайди. Бўғинда суяк боши кириб турадиган чуқурча қанча ясси бўлса, шу бўғин шунча осон чиқади. Масалан, елка суяк бўғини. Бу ерда Ибн Сино пайчўзилишини ҳам кўрсатиб ўтган.

Ибн Сино бирор бўғиннинг чиққанлигини аниқ белгилаш учун шу бўғинни соғ кишининг шундай бўғинига солиштириб кўришни тавсия этган. Олим одат бўлиб қолган бўғин чиқишини ҳам эслатиб ўтган. Аммо бу ерда хато фикр юритади. Унинг ёзишича, бундай чиқиш рутубатларга боғлиқ эмиш.

Суяк синишини Ибн Сино оддий ажралиш ва мажақланишга бўлган. Суяк синиб, майда бўлақларга ажралиб кетса, уни мажақланиш, деб атаган. Суяк синиб, унинг бўлақлари ўз жойида қолса уни ёрилиш деган. Суякнинг дарз кетишини ҳам эслатиб ўтган.

Ибн Сино суяк синишини яна очик ва ёпиқ хилларга бўлган. Очик синишни даволаш анча қийин эканлигини кўрсатган. Синган суякни даволашда асосий қонда сифатида синик бўлақларини тортиб ўз жойига тушириб, сўнг мустақкам боғлаб қўйишни (тахтақалаш, гипелаш) тавсия этган. Боғланганда суяк (аъзо) ўзининг табиий ҳолатини олиши кераклигини таъкидлайди. Ибн Синонинг ёзишича, боғлаб қўйилган синган суяк қимирлатилмаслиги лозим. Аммо суяк (бўғин) қоғитиб қолмаслиги учун аъзо гоҳо-гоҳо астагина ҳаракатлантириб турилиши керак.

Умуман, Ибн Сино травматология масалаларини анча батафсил баён этган. Чиққан-синганларни даволашда ишлатиладиган дорилар қаторида мумиёни ҳам кўрсатган.

УМУМИЙ ГАВДА КАСАЛЛИКЛАРИ

Умумий касалликларни баён этишда Ибн Сино дастлаб иситмалар ва иситмали касалликлар устида тўхталади. У ўз асарларида биринчи галда «Тиб қонунлари»да бу масалага катта ўрин берган. Олим 60 дан ортиқ ҳар хил иситмалар ва иситмали касалликларни

баён этган. Фақат бир кунлик иситмадан 23 хилни кўрсатган. Уларнинг белгилари, кечишлари ва оқибатларини кўрсатиб берган.

Ибн Сино иситмага бундай таъриф берган: «Иситма юракка алангаланиб, артерия ва веналардаги руҳ ва қоннинг воситачилигида бутун танага тарқаладиган, натижада баданда ҳам алангаланиб, кишининг табиий ҳолатига зарар етказадиган ёт ҳароратдир»*.

Демак Ибн Синонинг фикрича иситманинг дастлабки пайдо бўладиган жойи юракдир.

Ибн Сино иситмани икки хилга — касаллик иситмаси ва белги иситмасига бўлган. Унинг таъкидлашича, иситма бирор касалликнинг белгиси бўлиши билан бирга, ўзи ҳам мустақил касаллик сифатида намоён бўлиши мумкин. Ибн Синонинг ёзишича, мустақил касаллик сифатидаги иситма шундай иситмадирки, бунда иситма билан унинг касаллик деб ҳисобланмайдиган сабаби ўртасида боғланиш бўлмайди. Масалан, чириш иситмаси. Бунда чириш иситманинг сабаби бўлиб, ўзи касаллик эмас. Шишлар ва бошқа касалликлар натижасида чиқадиган иситмани Ибн Сино белги иситмаси, деб атайди. Бунда иситма шиш натижасида пайдо бўлиб, унга эргашиб келади ва токи шиш мавжуд экан, у ҳам мавжуд бўлади. Бунда асосий касаллик шишдир.

Ибн Синонинг ёзишича, иситмалар ҳарорат кўтарилишидан ташқари яна бир қанча белгилар билан кечади. Шулардан у томир уришининг тезлашиши, сийдик ва ахлатда ҳам ўзгариш пайдо бўлиши, бурун қонаши, қалтираш, эт увишиши, тер босиш, иштаҳа пасайиши, ташналик, нафас олишнинг қийинлашиши, бош оғриғи, алаҳлаш, бетоқатлик кабиларни кўрсатган.

Ибн Сино иситманинг давом этиш муддатини тўрт даврга бўлган. Биринчиси, иситманинг бошланғич даври, иккинчиси, унинг зўрайиш даври, учинчиси, ниҳоясига етиб, тўхташ даври, тўрттинчиси, пасайиш даври. Олимнинг ёзишича, бу даврлар ҳамма иситмалар учун умумийдир. Бундан ташқари, Ибн Сино иситмаларни бир кунлик, кўп кунлик, ҳолдан толиқдирувчи, вақт-вақти билан тутадиган хилларга бўлган. Ибн Синонинг таъкидлашича, шу иситмаларнинг ҳар бири маълум

касаллик ҳолларига хосдир. Масалан, ҳар бир юқумли касаллик ўзига хос иситма келтириб чиқаради.

Ибн Сино баъзан ҳароратнинг кўтарилишига сабаб бўладиган омиллар ҳақида нотўғри фикр юритади. Масалан, у иситма чиқарувчи омиллар қаторига серуйқулик, ҳаяжонли ҳолатлар, ташналик, терининг қуриб дағалланиши каби ҳолатларни ҳам киритган. Бу ерда Ибн Сино астрологик мулоҳазалар ҳам юритади. Масалан, унинг ёзишича, иситманинг узоқдаги сабаби осмон жисмлари, яқиндаги сабаби эса ердаги ҳолатлардир. Ибн Сино ёзади: «Осмоннинг таъсир қилувчи қувватлари билан ернинг таъсирланувчи қувватлари ҳавода кучли рутубатлилиқ ҳосил қилганида буғ ватунларни ҳавога кўтариб тарқатади ва уларни кучсиз ҳарорат билан чирилатади. Мана шу ҳолатдаги ҳаво юракка етиб боради ва ундаги руҳ мизожини бузади. Сўнг юрак теварағидаги рутубатлар чириydi ва табиийликдан ташқари ҳарорат пайдо бўлиб, ўз йўли (томирлар) бўйича баданга тарқалади»*. Бундай иситмани Ибн Сино вабо иситмаси деб атайди. Уни даволаш учун томирдан қон олиш, хилтларни ҳайдаш каби чораларни тавсия этади. Ибн Синонинг ёзишича, бир-неча хил иситма бирлашиб, натижада мураккаб иситма пайдо бўлиши ҳам мумкин.

Иситмали касалликлардан Ибн Сино вабо, чечак, қизамиқ ва турли шишларни кўрсатган.

Вабо касаллигининг сабаби масаласида Ибн Сино унчалик тўғри фикр юритмайди. Унинг ёзишича, вабо ҳаво ва иқлимнинг ўзгаришидан келиб чиқади. Бунда осмон жисмларининг таъсири ҳам бор. Ёмон ҳаво ва номўътадил иқлим танадаги хилтларни бузиб, вабонинг келиб чиқишига сабаб бўлади, дейди. Ибн Сино ўзининг шу фикридан келиб чиқиб, бу касалликни даволашда моддалар (хилтлар)ни қуритиш чорасини кўришни тавсия этади. Моддаларни қуритишга эса томирдан қон олиш ва бошқа хилтларни бўшатиш йўли билан эришилади. Дорилардан кофур (камфора), совуқлик ширали моддалар, қатиқ зардоб, ёғи олинган қатиқ, нордон мазали қурт солиб ивтилган гул сувини тавсия этган. Сув қўшилаган сирка ҳам фойда беради, дейди. Аммо бир йўла кўп миқдор совуқ сув ичириш керак, деб жиддий хато қилади. Умуман, Ибн Сино

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. IV китоб. Тошкент, 1980, 11-бет.

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонунлари. IV китоб, Тошкент, 1980, 132-бет.

тасвир этган вабо бу касаллик ҳақидаги бизнинг ҳозирги тушунчамизга тўғри келмайди.

Чечак. Ибн Сино чечакнинг белгиларини тўғри кўрсатиб берган. Аммо бу касалликнинг сабабини ҳам нотўғри тушунган. Унинг ёзишича, чечак касаллиги ёмон шамоллардан, айниқса, жанубнинг иссиқ шамолдан келиб чиқади. Ибн Синонинг фикрича, чечак бузилган қондан ҳам келиб чиқиши мумкин. У ҳатто чечак овқатдан ҳам пайдо бўлади, деб ёзган. Масалан, ачиб бузилган сут маҳсулотлари, айниқса, туя ва бия сүти чечак пайдо қилар эмиш.

Ибн Сино чечак тошмаларни ҳақида сўзлаб, улар қора, қизил, кўк рангда бўлиши мумкин, дейди. Қора ранглиси хавфлироқ булар экан. Бу тошмалар баъзан иситмадан олдин, баъзан иситмадан кейин пайдо бўлиши мумкин.

Ибн Сино сувчечакни ҳам эслатиб ўтган. Унинг ёзишича, сувчечак қизамиқ билан чин чечак ўртасидаги ҳолатдир.

Қизамиқ. Ибн Синонинг ёзишича, қизамиқ бузилган сафродан пайдо бўлади. Унинг кўрсатишича, қизамиқнинг чечакдан фарқи шундаки, бу касалликда тошмалар чечакдагидек гудда-гудда бўлиб, теридан бўртиб чиқмайди. Қизамиқ чечакка қараганда хавфсизроқдир. Аммо иситма бунда баландроқ бўлади. Даво масаласида Ибн Сино қизамиқда ҳам биринчи галда қон олиш зарурлигини кўрсатган. Бундан ташқари, ички юмшатадиган дори беришни тавсия этган. Қасалликнинг бошланишида қонни қуюлтирувчи дори беришни уқтирган. Ибн Синонинг ўзи ёзишича, у қизамиқ билан чечакни даволовчи махсус дори ихтиро этган. Бу дори таркибига 30 дан ортиқ ҳар хил моддаларни киритган экан. Аммо бу касалликларни даволашда Ибн Сино тавсия этган дорилар қаторида ҳеч қандай фойда бермайдиганлари ҳам бор. Масалан, куйдирилган суяк, қўйнинг эски қумалоғи, майдаланган сопол ва ҳ. к.

Ибн Сино чирини патижасида пайдо бўладиган шишларни ҳам иситмалар касалликлар қаторига киритган. Масалан, ички аъзолардаги сарамасдан пайдо бўладиган шиш шундайдир, дейди. Бу шиш қон билан сафронинг аралашиб кетгани патижасида ташналик ва алап-галапнинг зурайиши сабабли пайдо булар экан. Ибн Синонинг ёзишича, иситмаларнинг кучлилиги, давомийлиги ва қайталанувчанлиги шишларнинг қайси аъзода жой-

лашганлиги ва катта-кичиклигига боғлиқ. Аъзо юракка қанча яқин бўлса, унда пайдо бўлган шишнинг иситмаси шунча баланд бўлади. Ибн Синонинг кўрсатишича, бундай иситмаларни даволашда дастлаб шишга қарши талбирлар амалга оширилиши керак. Асосан совутувчи ва рутубатлантирувчи дорилар берилади. Ибн Сино энг муҳим шишлардан бири деб саратон (рак)ни кўрсатган. Уни совуқ шиш деб атаган. Ибн Синонинг ёзишича, бу ҳам умумий касалликлардан биридир. Ибн Сино саратон ҳақида умуман тўғри фикр юритган. Аммо бу шиш сафро моддасининг куйиқисми савдога айланган қисмидан пайдо бўлади, деб хато фикр юритади. Саратонни даволаш учун Ибн Сино совутувчи ва ҳўловчи моддаларни тавсия этган. У бошланаётган саратонни ярага айлантирмай ўз жойида тўхтатиб қўйиши мумкин, деб ўйлаган. Уни операция усули билан кесиб олиш усулини ҳам кўрсатган. Бунда операция жуда эҳтиётлик билан қилиниши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Чунинчи саратон ўсмасини бутуллайтириш ҳамма илдизлари билан чуқур кесиб олиш керак, аки холда унинг қолган қисми (илдизи)дан янги саратон ўсиб чиқишини таъкидлайди. Ибн Сино умумий касалликларга бир вақтлар Ўрта Осиёда кенг тарқалган ришта касаллигини ҳам киритган. Бу ерда шунини таъкидлаш керакки, Ибн Сино Ўрта аср табибларидан биринчи бўлиб, бу касалликни ташқаридан кирадиган тирик мавжудот (чувалчанг) пайдо қилишини кўрсатган. Маишхўр ҳаким Гален эса бу касаллик томirlар касаллиги деган эди. Ибн Сино риштани тирик жонивор деб аниқ кўрсатиб берган ва уни даволаш усулини ишлаб чиққан.

Ибн Сино энг оғир ва хавfli юқумли касалликлардан бири қутурниш касаллигига ҳам алоҳида тўхтаб ўтган. Бу касалликнинг белгиларини жуда аниқ ва тўлиқ кўрсатиб берган. Масалан, бу касаллик билан оғриган беморда иситма пайдо бўлиши, безовталик, гамгиллик, атрофидаги ҳодисаларга бепарводлик ва сувдан қўрқинишлик. Ибн Синонинг ёзишича, қутурниш касаллигига учраган одам бошқа кишиларни тишлашга интилади. Агар у бирор кишини тишлаб олса, бу кишида ҳам қутурниш касаллиги пайдо бўлади. Бунда касаллик қутурган кишининг сўлаги орқали юқади.

Мохов касаллиги. Ибн Синонинг ёзишича, мохов касаллиги савдонинг бутун баданга тарқалишидан пайдо бўладиган бир иллатдир. У кишида совуқ мизож

ошиб кетганда келиб чиқади. Бу касаллик аъзоларнинг қиёфаси, шакли ва узлуксизлигини бузади. Мизож ҳам ўзгаради. Ҳатто аъзолар чириб, узлиб тушиб кетади. Бу касаллик жуда узоқ давом этади. Ибн Сино мохов касаллигининг жуда юқумли касаллик эканлигини алоҳида таъкидлаган. Лекин касаллик бузилган ҳаводан пайдо бўлади, деб хато фикр юритган. Ибн Синонинг таъкидлашича, мохов наслий касалликдир. Бунда ота мансийси ва онанинг ҳайз қони асосий роль ўйнайди, дейди.

Ибн Синонинг ёзишича, мохов касаллиги ёмон овқатдан ҳам пайдо бўлиши мумкин. Чунончи, балиқнинг алоҳида тури, қоқланган гўшти овқатлар, эшак гўшти ва ҳ. к. Ибн Сино бу касалликнинг жуда оғир хасталик эканлигини таъкидлаб, уни даволаш жуда мушкул эканлигини эслатади. Ибн Синонинг ёзишича, бу касалликни фақат бошланғич даврида даволаш мумкин. Касаллик тавдага йонашиб олгандан кейин уни даволаб бўлмайди. Ибн Сино мохов касаллини тузатиш учун афъо илонининг гўштини тавсия этган.

Ибн Сино юқорида келтирилган юқумли касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ҳақида етарли тушулчага эга бўлмаган бўлса ҳам уларнинг белгиларини жуда яниқ ва анча тўлиқ кўрсатиб берган. Бинобарин, Ибн Сино бу касалликларни ўзи кўрган, текиширган ва даволаган бўлиши керак.

Диабет. Ибн Сино диабет касаллигининг белгиларини жуда тўлиқ ва аниқ кўрсатиб берган. Аммо бу касалликнинг келиб чиқиш сабабини нотўғри тушунган. Ибн Синонинг ёзишича, диабет буйракнинг қусиқлигидан ва сийдик йўллариининг кенгайиб қолшиидан ва ёмон хилтлардан пайдо бўлади.

Ибн Сино косметикага оид ўзгаришларни ҳам умумий касалликлар қаторига киритган. Бундай касалликлардан соч, кичрик ва бошқа туқларнинг тўқилиши, тери ва тирноқларнинг қуриб қовжираши, нес, темиратки кабиларни кўрсатган. Бундай касалликларни текишириш, аниқлаш ва даволаш усулларини баён этган.

Ибн Сино умумий касалликларининг оқибати хусусида сўз юритиб, бўҳрон (криз) тушунчасига тўхталади. Унинг ёзишича, «бўҳрон» — ажрим қилиш маъносини билдирадиган ҳолатдир. У касалнинг соғайиши ёки унинг оғирлашиши томонга бурилишини кўрсатади. Бўҳроннинг далилларига қараб, касалнинг бўлажак ҳолати (тақдир) аниқланади. Бўҳрон бемор аҳво-

лининг тез ва шиддатли ўзгаришидир. Бунда касаллик ё тезда тузалиш йўлига ўтади, ёки эса у шиддатли оғирлашиш томонига бурилади. Ибн Синонинг ёзишича, оқибати ёмон бўлган бўҳронда қуйидаги аломатлар пайдо бўлади: бетоқатлик, кўнгил беҳузурлик, кўнгилғашлик, у ёндан бу ёнга ағдариллавериш, бош оғирлиги, ақлнинг қоричуви, гардон тиривиши, бош айланishi, куз тишиши, кўзга хаёлий нарсаларнинг кўрилиши, қулоқ шангилаши, юз учиши, ташналик, хафақон, нафас қисилиши, мушакларнинг учуши, қоринда оғриқ пайдо бўлиши, қорин қулдираши, қалтираш, томир уришининг ўзгариши. Оқибати яхши бўҳронда беморнинг аҳволи тезда соғайиш томонга бурилади: унинг кайфияти тез яхшиланади, томир уриши муътадил ҳолатга келади, нафас олиши осонлашади, қувватли тикланади ҳамда бошқа яхши белгилар пайдо бўлади ва бемор тез кунда соғайиб кетади.

Биз юқорида кўрсатиб ўтганимиздек, Ибн Сино юқумли касалликни рамзий равишда ифодалаб, бундай деб ёзади: касаллик тана учун бир шаҳарга босиб келган кириш ташқи душман каби дур. Агар душман (яъни касаллик пайдо қилувчи сабаб) енгса танада касаллик пайдо бўлади. Агар шаҳар мудофаачилари (яъни касалликка қарши турувчи куч) енгса, тана соғ қолади.

Ибн Сино умумий касаллик ҳолатига заҳарланиш ҳам киритган. У заҳарга шундай таъриф берган. Заҳар шундай дорики, у мизожни фақат эндилик билангина эмас, балки ўзидаги хусусият билан ҳам бузади. Демак, Ибн Синонинг фикрича, заҳар мизожни бузиш билан кишини заҳарлайди. Ибн Синонинг ёзишича, ўлдирувчи деб аталадиган дори ҳам бўлади. Бу дори мизожни ҳаддан ташқари бузилишига олиб келади.

Ибн Сино заҳарга нисбатан чидамлилиқ хусусияти пайдо қилиш мумкинлигини ҳам кўрсатган. Бу ҳақда у қуйидаги ривоятни келтирган: Бир подшоҳни ўлдирмоқчи бўлган киши подшоҳ билан алоқа қилалган канизакка оз-оздан заҳар бериб, унинг танагини заҳарга ўргатган. Канизак заҳарга нисбатан шу қадар чидамли бўлиб қолганки, унинг танагини ўрнашган заҳар ҳатто сўлагида ҳам пайдо бўлган. Шунда подшоҳ у билан алоқа қилганидан сўнг тез ўлиб қолган, канизак эса тирик қолган.

Ибн Синонинг ёзишича, бир аъзога таъсир қилувчи ва бутун танага таъсир қилувчи заҳар бўлади.

Ибн Сино қутурган ҳайвонлар, ҳатто қутурган одамнинг тишлашини ҳам заҳарланиш, деб атайди. У юзга яқин ҳар хил заҳарларни баён этган. Улар билан заҳарланишнинг аломатларини кўрсатиб берган. Ибн Сино баён этган заҳарларнинг 56 таси ўсимликлардан, 14 хили маъданлардан, 24 хили ҳайвонлардан олинмаган заҳарлардир. Ибн Сино нима учундир эрта билан наҳорга совуқ сув ичишни ҳам заҳарланишга киритган.

Ибн Сино заҳарли ҳайвонлар ҳақида сўз юритиб, биргина заҳарли илонлардан 25 хилини кўрсатган. Ибн Сино бу ерда қандайдир ақлга тўғри келмайдиган фикрларни ҳам айтган. Масалан, у қутурган одамлар шундай нарса сийдиларки, унда кичик ҳайвонларга ва кучукчаларга ўхшаш ажиб этлик жониворлар кўришади, деб ёзган. Рўза тутган иссиқ мизожли киши чаён устига тупурса, чаён шу заҳотиёқ ўлиб қолар эмиш. Бундай одамнинг тупуги илонни ҳам ўлдирар эмиш.

Ибн Сино заҳарланишларга қарши ишлатиладиган тадбирларни умумий ва ҳар бир заҳарланишга қарши алоҳида чорага бўлган. Умумий тадбирларни Ибн Сино тўғри кўрсатган. Булар заҳар танага тарқалиб кетмасдан олдин уни чиқариб юбориш тадбирларини кўриш, чунончи, беморни қусдириш, ичини сурдириш, хўқна қилиш. Иккинчиси — заҳарни ўзига тортиб олувчи, уни суюлтирувчи, ўраб олувчи моддалар (сут, қатиқ, шароб ва ҳ. к.) ичириш. Булар заҳарланишга қарши умумий чоралар амалга оширилганда сўнг берилади.

Ибн Сино касалларни даволашда шартли рефлекс ҳосил қилиш усулидан ҳам фойдаланган. Масалан, одат бўлиб қолган ва дорилар билан даволаб бўлмайдиган сурункали қабзият касаллигини даволашда беморларга ҳар куни маълум соатда (яخشиси эрта билан) ични бўшатиш учун ҳожатхонага кириб, маълум вақт ўтиришни тавсия этган. Бу тадбир кўп марта қайтарилгандан сўнг шу соатда ич юриши келиб чиқади ва бу ҳам одат бўлиб қолади. Яъни ич юришига инсбатан шартли рефлекс пайдо бўлади. Ибн Сино баъзи касалликларни, хусусан асаб бузилиши билан боғлиқ бўлган касалликларни даволашда ҳозир иккинчи сигнал тизим, деб аталувчи сўз таъсирдан фойдаланиш усулини ҳам ишлатган. Масалан, ишқ (севги) хасталигини даволашда шу усулдан фойдаланган. Ибн Сионинг таъкидлашича ишқ дардига йўлиққан киши ақл-мулоҳазали бўлса, унга насиҳат қилиш, койиш, уялтириш, маҳбуба ҳақида сўз кетганида унга ҳар хил салбий хусусиятларни қў-

шиб тасвирлаш яхши натижа беради. Бундай вақтда сўз жуда кучли таъсир кўрсатади. Маҳбуб севги хасталигидан қутулади.

Шундай қилиб, Ибн Сино касалларни даволаш чораларини бир қанча оригинал усуллар билан бойитган.

ИБН СИНОНИНГ ДОРИЛАР ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Ибн Сино ўзининг тибга онд асарларида, хусусан, «Тиб қонунлари»нинг иккинчи ва бешинчи китобларида 810 та содда (якка) ва 275 та мураккаб дориларни баён этган. Бунда жуда кўп мураккаб дориларнинг 2—3 ва ундан ҳам ортиқ нусхаларини (вариантларини) келтирган. Бундан ташқари, Ибн Сино 64 хил юрак дориларини алоҳида баён этган. Шуларнинг ҳаммасини ҳисобга олсак, Ибн Сино кўрсатган мураккаб дориларнинг сони 400 дан ортиб кетади.

Ибн Сино дориларнинг хоссалари ҳақида сўзлаб, биринчи галда, уларнинг иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва қуруқлик хусусиятларига тўхталади. Бу хусусиятларни у мизож, деб атайди. Демак Ибн Сионинг фикрича, дори моддаларининг асосий хусусиятлари уларнинг мизожларидир. Унинг ёзишича, дориларнинг мизожи одам мизожидан фарқ қилади. Ибн Сионинг таъкидлашича, одам мизожи одамдан бошқада бўлмайди. Шунингдек, дори мизожи ҳам ҳар бир дори учун ўзига хосдир.

Ибн Сионинг кўрсатишича, дорилардаги мизож икки хил бўлади. Биринчи хили унсурларда бўладиган дастлабки аралашма мизождир. Иккинчиси, ўзларининг махсус мизожлари бўлган бир неча моддалар аралашмасидан пайдо бўлган ўртача мизождир. Масалан, тарёқ(қ)нинг мизожи шундайдир. Тарёқ таркибига кирган содда дорилардан ҳар бирининг ўзига хос мизожи бўлиб, булар аралашиб, иккинчи мизож ҳосил қиладилар. Ибн Сионинг ёзишича, ҳар бир дорида ўзининг таъсир этиш қуввати бўлиб, бу хусусият одам организмда ўзгаришга учрайди. Бунда Ибн Сино ўша замондаги дорилар ҳақидаги назарий тушунчага асосланган. Эрта асрларда дориларнинг хусусияти ва таъсир этиш қуввати назарий жиҳатдан қўйидагича тушунилган: ҳар бир дори қабул қилинганидан сўнг инсон танасида ундаги туғма ҳароратнинг таъсирида фаоллашади. Ундаги қувват билкувва (потенциал) ҳолатдан билфеъл (ки-

нетик) ҳолатга ўтади. Шундан кейингида дори ўз таъсирини кўрсатади. Ибн Сино дориларнинг одам танасига ва унинг касалликларига таъсири масаласига шу нуқтага назардан қараган.

Ибн Сино бирор доридан фойдаланишдан олдин унинг таъсирини синаб кўриш кераклигини таъкидлайди. У дориларни синаб кўришнинг икки усулини кўрсатган. Биринчиси тажриба усули, иккинчиси солиштирма усул. Тажриба усулида синаб кўриш, албатта, одам танасига олиб борилиши керак, чунки бир дори одам гавдасига ҳайвон гавдасига нисбатан бошқачароқ таъсир кўрсатиши мумкин. Демак Ибн Синонинг фикрича, дори моддаларининг мизожни уларнинг қандай организмга таъсир этишига қараб турлича бўлади.

Ибн Синонинг таъкидлашича, тажриба усули билан дорини синаб кўришда маълум шароитлар мавжуд бўлиши керак. Биринчидан, тажрибадан ўтказиладиган дорида аразий (кейин пайдо бўлган, вақтинча) хусусиятлар бўлмаслиги керак. Иккинчидан, тажриба ўтказилувчи кишининг биргина касали бўлиши керак. Учинчидан, дори ўз кучи жиҳатидан ўзига тенг келадиган касалликка қарши ишлатилиши керак. Чунки баъзи дориларнинг исенқлиги синалаётган касалликнинг совуқлигига кўра озлик қилиб қолиши мумкин. Тўртинчидан, дори таъсири маълум вақтга қадар узлуксиз давом этиши зарур.

Солиштириш йўли билан текширишда дориларнинг «оловликка айланиши», яъни қизишнинг тезлиги ёки сустлиги, қотишнинг тезлиги ёки сустлиги, шунигдек, улар хидларининг ўткирлиги ва мазалари солиштириб кўрилади. Моддасининг тузилишидаги сўйрақлиги ва зичлиги тенг бўлган дориларнинг қайси бири қизишни тезроқ қабул қилса, шуниси исенқроқ бўлади. Қайси бири совуқлики тезроқ қабул қилса, у совуқроқ бўлади. Бир хил тузилишга эга бўлган дорилардан қайси бири тезроқ қотса, шуниси совуқроқ бўлади. Уларнинг тезроқ ёнадигани исенқроқ бўлади. Ибн Сино бу хусусиятларни туғма хусусиятлар, деб атайди.

Дориларни текширишда яна қайнатиш, янчиш, оловда қизитиш, совуқда қотириш, ювиш, бошқа дориларга таққослаш усулларидан фойдаланилади. Шу йўллар билан дориларнинг хусусиятлари аниқланади ва уларнинг бир-биридан фарқи ажратилади. Ибн Синонинг таъкидлашича, бу ерда шунга эътибор бериш керакки, дорилар ичида жисмлари шундай зич тузилганлари

борки, улар қаттиқ қайнатилмагунча қувватлари ажралмайди. Улар ичида ўртача қайнатиш кифоя қиладиганлари (муътадиллари) ҳам мавжуд. Агар улар қаттиқ қайнатилса, қувватлари тарқалиб кетади. Булар сўйдик ҳайдайдиган дорилар. Рум райҳони ва шунга ўхшашлар. Дорилар ичида кучли янчиш натижасида бузиладиганлари ҳам бор, уларни аста янчиш керак. Дори қанча майдаланса, у ўз кучини шунча пуқотади.

Дориларнинг мазаси ҳам уларнинг қандай мизожли эканини кўрсатади. Масалан, аччиқ, ўткир мазали, ўткир хидли, шўр моддалар исенқ мизожли буладилар. Нордон, буруштирувчи ва мози мазали дорилар совуқ мизожлидирлар.

Ибн Синонинг кўрсатишича, дориларда саккиз хил мазза (таъм) бўлади. Булар — аччиқ, чучук, ўткир мазалик, шўр, нордон, мози мазали, буриштирувчи таъмли, ёғли мазалилар. Муътадил дори чучук мазали бўлади. Ибн Сино ҳар хил таъм ҳақида сузлаб ғалати фикр юритган. Масалан, унинг фикрича, шўр маза аччиқ мазанинг мазасиз сувликда (суёқликда) эриши натижасида пайдо бўлган. Нордон маза эса ширин мазанинг исенқлик этишмаслиги сабабли ўзгаришидан ва мози мазанинг ҳўллик ва исенқлик ортиши сабабли этилишидан пайдо бўлган.

Ибн Синонинг ёзишича, ҳар бир таъмининг ўзига хос таъсири бор. Масалан, ширинлиkning иши этиштириш, аччиқлиkning иши тозалаш ва дағаллаштириш. Мози мазанинг иши, агар унинг қуввати кучсиз бўлса, қуриши бўлиб, қуввати кучли бўлса, зичлаштиришдир. Буриштирувчи мазанинг иши буриштириш, зичлаш ва қотиришдир. Ёғ мазанинг иши юмшатиш, сирғантириш ва бирозгина этиштиришдир. Ўткир мазанинг иши эритиш, парчалаш ва чиритишдир. Шўр мазанинг иши тозалаш, ювиш, қуришни ва чиритишга йўл қўймасликдир. Нордон мазанинг иши совутиш ва хилларни парчалашдир.

Ибн Синонинг ёзишича, баъзан икки хил маза бир жисмда мужассамланади. Масалан, ўткир маза билан ширин маза қайнатишдан болда; аччиқлик, ўткир маза ва буриштирувчи маза бақлажонда; аччиқлик билан мазасизлик сачиратқида тулланган.

Ибн Синонинг ёзишича, дорилардаги ҳар хил таъмлар даво хусусиятига эга. Масалан, аччиқ маза билан мози маза аралашганда улар тозаловчи ва буриштирувчи таъсир кўрсатади. Бу бироз ишшган (кўпчиган)

яраларни бириктириб, тикилмалардан пайдо булган ич кетишда фойда қилади. Аччиқ маза талоқдаги касалликда ёрдам беради. Жуда аччиқ ва жуда ўткир мазаларга буриштирувчи маза қўшилса, қориндаги аъзолар касаллигида ёрдам беради. Мози мазали модда қуритиб ва буриштириб, яраларга эт ундирувчи таъсир кўрсатади.

Ибн Синонинг ёзишича, дорилар умумий ва хусусий таъсир қувватига эга буладилар. Умумий таъсир — қиздириши, совутиш, ҳўллаш ва қуритишидир. Хусусий таъсирни айрим касалликларга таъсир қилишидир. Дориларда яна увиштирувчи, жароҳатларни битирувчи, тортувчи, тойдирувчи, тўсиқларни очувчи, елимловчи, ички сурувчи, сийдикни йўналтирувчи, терлатувчи, овқатни ҳазм қилдирувчи, қонни юритувчи хусусиятлар ҳам мавжуд.

Ибн Сино замонда дорилар ўсимликлардан, маъданлардан ва ҳайвонлар аъзоларидан олинган. Синтетик моддалар бўлмаган. Ибн Синонинг ўзи ҳам асосан шу уч манбани кўрсатган. У ўсимликлардан олинган дориларга кўпроқ аҳамият берган. Уларни қай вақтда йиғиш, сақлаш, ишлатиш усулларини жуда батафсил баён этган. Бу умумий маълумотлардан кейин Ибн Сино оддий ва мураккаб дорилар устида алоҳида тўхталади.

Оддий дорилар. Ибн Сино оддий дориларни, уларнинг таъсирини ва хоссаига қараб 64 хилга булган. Шулар орасида эритувчи, тозаловчи, етиштирувчи, овқатни ҳазм қилдирувчи, елларни ҳайдовчи, оғриқни қолдирувчи, қувват берувчи, буриштирувчи, хилларни қўйилтирувчи, суюлтирувчи, шимдирувчи, увиштирувчи, ич сурувчи, яхши ёнзоли ва ҳоказо дориларни санаб ўтган. Бу ерда Ибн Сино шу дориларга зид таъсир этувчи моддаларни ҳам кўрсатиб ўтган ва уларни ҳам дорини деб атаган. Масалан, ушундайлардан саситувчи, хомга айлантирувчи, ички дам қилувчи, бушаштирувчи, сундирувчи, яра пайдо қилувчи, қуйдирувчи, шилувчи каби моддаларни кўрсатган.

Ибн Сино турли касалликларда ишлатиладиган оддий дорилардан қуйидагиларни кўрсатган: шини ва тошмаларда ишлатиладиган 42 хил дорини, шулар жумласида саратон, туун (чума)га қарши ишлатиладиган дорилар ҳам бор. Ибн Сино дабба (грыжа)ни ҳам шинилар қаторига киритиб, унга ҳам дорини тавсия этган.

Бўғини касалликларида ишлатиладиган 23 хил дорини кўрсатган. Аммо шима учундир шу дорилар қаторига асаб касалликларида ишлатиладиган моддаларни ҳам киритган.

Бош аъзоларни касалликларида ишлатиладиган 60 хил дорини баён этган. Бу ерда Ибн Сино бош аъзоларни қаторига қўлоқ, бурун, тиш, милк, тил каби аъзоларни ҳам қўшган. Яна Ибн Сино фойда берувчи дорилар билан бирга зарар келтирувчи дориларни ҳам санаб ўтган. Масалан, тутқаноқ пайдо қилувчи, тишларни туширувчи, эдан чиқаришни келтириб чиқарувчи моддаларни кўрсатган ва буларни ҳам дорини деб атаган.

Кўз касалликларида ишлатилувчи 45 хил дорини кўрсатган. Шулар қаторида кўк кўзликка қарши ишлатиладиган дорини ҳам бор (кўк кўзлик касалликмас). Инафас йўллари ва кўкрак кафасидаги аъзолар касалликларида ишлатиладиган 35 хил дорини баён этган. Инафас учундир шулар қаторида фаҳми ўткир қиладиган, ҳушдан кетнига қарши ишлатиладиган дорилар ҳам бор.

Озиқланиш аъзоларни касалликларида ишлатиладиган 46 та дорини кўрсатган. Шулардан 13 таси меъда ва жигарга зарар келтирувчи «дорилар»дир. Масалан, меъдани бушаштирувчи, ташналик пайдо қилувчи, меъдани дам қилувчи, жигарда тикилмалар пайдо қилувчи, сариқ касаллигини келтириб чиқарувчи, истисқо пайдо қилувчи моддалар.

Чиқариш аъзоларни касалликларида ишлатиладиган 88 хил дорини баён қилган. Шулардан тахминан ярми (36 таси) аёллар ва эркаклар жинсий аъзоларни касалликларини, қолганлари ичак ва сийдик йўллари касалликларини даволашда ишлатилиши айтилган.

Исентмаларда ишлатиладиган 18 хил дорини баён этилган. Улар исентмани қайтариши ёки пасайтириши учун қўлланиши кўрсатилган.

Охирида Ибн Сино косметика (зиёнат) да ишлатиладиган моддаларга ҳам тўхталиб ўтган. У бундай моддалардан 60 хилни санаб ўтган. Булар қаторида баъзилари тозаловчи, доғларни кетказувчи, темиртки ва сенилини йўқотувчи, чечак изларини кетказувчи, мўйини ўстирувчи, терини юмшатовчи дорилар бор. Ибн Сино бу ерда булардан ташқари мохов ва педини тузатувчи дорилар борлигини ҳақида ҳам ёзган.

Ибн Сино ҳар бир дорини баён қилишда дастлаб унинг қандай дори эканлиги (тузилиши, шакли, қаердан олингани)ни кўрсатади. Сўнг дориларнинг кайфияти (мизожи), ундан кейин хоссалари, таъсири ва ниҳоят, унинг қандай касалликда ишлатилиши кўрсатилади.

Мураккаб дорилар. Ибн Сино «Тиб қонунлари»нинг бутун бир китобини (II китоб) оддий (якка) дориларга бағишлаган бўлса ҳам амалда у кўпроқ мураккаб дорилар ишлатган. У мураккаб дорилар ишлатишнинг афзаллиги ҳақида сўзлаб, бундай деб ёзган: Баъзан биз бирор касаллик учун, айниқса, мураккаб касаллик учун оддий дори тополмаймиз, кўпинча ҳатто мураккаб дорилар ҳам беморни даволашда унинг касалига биз истаганча даражада таъсир қилолмайди. Бунда биз мазкур дорига унинг кучини оширувчи модда қўшишга мажбур бўламиз. Баъзан эса биз танлаган дори касалликка яхши таъсир этади, аммо бошқа томондан беморнинг танасига зарар етказди. Бунда биз мазкур дорининг зарарли томонини қирқадиган модда қўшишимиз лозим бўлади. Бошқа бир ҳолда дори касалликка яхши таъсир қилади, лекин у жуда аччиқ ёки ҳиди бадбўй бўлади. Бемор уни ича олмайди, ичса ҳам кўнгли айниб қайт қилиб ташлайди. Бундай ҳолда биз дорининг аччиқ таъминини ва бадбўй хидини йўқотадиган модда қўшишимиз керак бўлади. Ибн Сино шуларга ўхшаш яна бир қанча далил келтириб, мураккаб (кўп моддалардан иборат) дорилар ишлатишнинг афзаллигини исботлаб берган. Ибн Синонинг ёзишича, мураккаб дори шу дорига кирган моддаларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки у янги сифатдир. Мураккаб дори оддий дорига исебатан кучлироқ, фойдалироқ таъсир этади.

Ибн Сино мураккаб дори тайёрлашда маълум бир қоидага амал қилиш зарурлигини таъкидлайди. Чунинчи, бирор касалликни даволашда тўрт хил дори ишлатиш керак бўлса ва бу дориларни қўшиб мураккаб дори тайёрлашга жазм қилинса, аввало, шу дориларнинг ҳар бирининг таъсир кучи аниқланади. Агар уларнинг таъсир кучи бир хил бўлса, улардан мураккаб дори тайёрлаш учун ҳар биридан 1/4 қисмдан олинади. Агар шу тўрт хил доридан бири кучлироқ таъсир қилишини истасак, кучсизроқ таъсир қилишини истаганимиздан кўра кўпроқ оламиз ва шулардан мураккаб дори тайёрлаймиз.

Ибн Сино мураккаб дориларни уларнинг таркиби, хусусиятлари, таъсири ва қайси касалликда қандай ҳолда ишлатилишига қараб қуйидаги гуруҳларга бўлган: тарёқлар, маъжунлар, нёражлар, жуворишлар, элакчи дорилар, кап отиладиган дорилар, болаларнинг оғзинга қуйиладиган дорилар, яланадиган дорилар, шарбатлар, анбажлар, қўлчалар, қайнатмалар, ҳаб дорилар, ёғлар, малҳамлар, қуюқ суртмалар. Шу гуруҳларга кирган 416 хил мураккаб дорилардан 16 тасининг рецептини Ибн Синонинг ўзи тузган экан. Булар қуйидагилар: «Ёқут дори» («Ёқут маъжуни»)нинг икки нусхаси. «Кичик тарёқ маъжунининг икки нусхаси», «Тажрибадан ўтган семиртирувчи маъжун», «Тажрибадан ўтган жувориш», «Ибн Сино Сиканжибуни», «Эрмаи шаробининг икки нусхаси», «Қофур қўлчаларининг Ибн Сино нусхаси», «Қадир шаробининг Ибн Сино нусхаси», «Ибн Сино тайёрлаган бўза», «Ибн Сино тайёрлаган зирк қўлчалари», «Ибн Сино тайёрлаган фарфиюи ёғ», «Чакамуг ҳаббининг Ибн Сино нусхаси», «Қуйдирилган қўрғошин упасидан тайёрланадиган суртма дори».

Ибн Сино юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳ дорининг таркиби, хусусияти ва таъсирини кўрсатиш билан бирга уларнинг қайси бири қандай касалликда ва қандай шаклда қўлланишини муфассал баён этган. Бу дорилардан тарёқларни аҳамияти ва муҳимлиги жиҳатида биринчи ўринга қўйган.

Тарёқ Ибн Синодан ҳам илгари кенг қўлланиб келинган, жуда мураккаб таркибга эга бўлган дори. Тарихий маълумотларга кўра бу дорини қадимги Рим императори Нероннинг сарой табиби Андромак кашф этган. Бу дори таркибига унинг хилига қараб 60 дан ортиқ ҳар хил моддалар кирди.

Дорининг асосини афъюн (қора дори), арпабоднён, денгиз пиёзи, афъо плонининг гушти, мурч, дорчин, қизил гул, балзам, заъфарон, Рум райҳони, сунбул ва бир қанча кўкатлар ташкил этади. Шулар асал ва хушбўй шароб билан қоринштирилади. Ибн Синонинг ёзишича, Андромакдан сўнг баъзи табиблар, шу жумладан, Гален ҳам Андромак тайёрлаган тарёққа бирор дори қўшиб ёки ундан бирортасини олиб ташлаб бу дорини яна ҳам таъсирчан қилмоқчи бўлганлар. Шу тариқа тарёқнинг бир неча тури пайдо бўлган. Ибн Синонинг ўзи ҳам тарёқнинг икки нусхасининг рецептини берган.

Тарёқнинг энг яхшиси тарёқ форук деб аталади. Бу дори асосан ҳар хил заҳарлар ва заҳарланмишларга қарши ишлатилган. У заҳарнинг кучини қирқувчи дори ҳисобланган. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи тарёқ мураккаб дориларининг энг яхшисидир, чунки у кўп нарсаларга фойда қилади, ҳусусан, илон, чаён ва кутурган ит заҳарига ҳамда ичлаган улдирувчи заҳарларга қарши таъсир қилади ва бир қанча касалликларини даволайди, деб ёзган. Аммо бу дори мохов касаллигини ва пец (вителиго) ни ҳам тuzатади, деб хато фикр юритган.

Маъжунлар ҳар хил дориларни қушиб, уларни ара-лаштириб, асал, сут, ёғ каби маҳсулотларга қорин-тириб тайёрланган бутқасимон дорилардир. Масалан, тарёқ маъжун шундай дори ҳисобланади ва у тарёқ бутқаси деб аталади.

Иёржлар ҳақида Ибн Сино бу дори тuzатувчи сур-ганинг исмидир, бу унинг таъвили (бошқача нфода этилиши)дир. Унинг луғавий маъноси плохий дори демакдир, деб ёзган.

Жуворишларга меъда ишини яхшилайдиган ва овқатни енгил ҳазм қилдирувчи дорилар кирadi. Сай-йид Муҳаммад Хусайнхоннинг «Қарободини кабир» китобида «жувориш» форсча «гувориш» («ҳазм қи-лиш») деган сўзнинг арабчалаштирилганидир, деб ёзилган.

Элаки ва кап отиладиган дорилар ҳозирги тилда порошokлардир. Улар ҳовончада янчилиб, маълум миқдорларда (дозаларда) тайёрланиб, қоғозларга ураб берилади.

Болаларнинг оғизга қуйиладиган дорилар суюк қи-либ тайёрланиб, болалар уни осон ичсин учун ширин ва хушбўй моддалар қушилади.

Яланадиган дорилар кўпроқ улка касалликларида ишлатилган. Бу ҳақда Ибн Синонинг ўзи яланадиган дорилар, қушинча оғизда узоқроқ вақт сақлаб туринг учун тайёрланади. Шунда дори бирданга меъдага бо-риб тушмасдан оз-оздан улкага этиб боради, деб ёзган.

Шарбатлар ва қуюлтирилган ширалар. Ибн Сино шарбат билан қуюлтирилган ширалар ҳақида сўзлаб, қуюлтирилган шира деганда мевалардан сиқиб олин-ган сувларнинг ўз ҳолича қуюлтирилиб қиём қилин-ганини тушунган Шарбат эса қайнатма ва сиқиб олин-ган сувларнинг бирорта ширинлик билан қушиб қиём қилинганидир, деб ёзади.

Мурабболар одатдагидек тайёрланади. Фақат улар дори сифатида ишлатилади. Демак дориларнинг баъзи-лари мураббо шаклида ҳам тайёрланган.

Анбажлар. Муҳаммад Аъзамхоннинг «Муҳити аъзам» номли китобида анбажлар турли маҳсулотлардан асал билан қушиб тайёрланган мураббо ёки қиёмдир, дей-илган.

Қушчаларни ясов ҳаб дорилар дейиш мумкин. «Қа-рободини кабир»да қушчалар шаклида тайёрланган дориларда уларнинг таъсир кучи узоқ вақтга қадар (хатто бир неча йилгача) сақланади, дейилган.

Қайнатмалар бошқа дориларга нисбатан кўпроқ ишлатилган. Ибн Сино ҳам бу дорици кўп ишлатган. Унинг таъкидлашича, қайнатма дорилар томоқни чай-ни (гар-гара қилиш), ичга ичиш, бурун ва кузга то-мизини, латтага шимдириб тананинг бирор жойига боғ-лаш сифатида ишлатилади.

Ёғлар. Ҳар хил ёғли дорилардан кўпроқ танага суртишда, бурун ва қулоққа томизини, ичга ичиш ва бошқа хил усулларда фойдаланилади. Оғриқни қолди-рини, елларни ҳайлашда ёрдам боради, дейилган.

Мааҳамлар кўпроқ қурғошнинг уласини мумли ёғ билан қориб тайёрланади. Улар жароҳатлар, яралар ва айрим аъзолардаги оғриқ шилларни даволашда ишлатилган. Ибн Синонинг ўзи ҳам шундай дорилар-дан бирининг рецептини тuzган.

Суртмаларни Ибн Сино тери касалликлари ва кос-метикада тавсия этган. Суртмалар терини юмшата-ди, ундаги майда чиқик ва жароҳатларни йуқотади, хатто чечакдан қолган асоратларни ҳам тугатади, деб кўрсатган.

Ибн Сино бу юқорида келтирилган ҳар бир гуруҳга кирган дориларнинг тайёрлаш усулларини батафсил баён этиб, уларни қайси касалликларда ва қандай шаклда ишлатилишини кўрсатиб берган.

Юқорида айтиб ўтилганидек, Ибн Синонинг ўзи ҳам бир неча мураккаб дори кашф этган (рецептини тuz-ган). Булар ичида энг муҳимлари ёқут дори (ёқут бут-қаси), кичик тарёқ маъжун, таърибадан утган жуво-риш, эрман шароби ҳисобланади. Ибн Сино ўзи кашф этган ёқут дори ҳақида сўзлаб, бу дорини подшоҳлар-да сиқиб қургани ва у жуда яхши натижа берганини ёзади. Ёқут дорининг асосини майда қилиб янчилган ёқут ташкил этади. Бундан ташқари, дорица майда қи-либ янчилган олтин, қумуш, қалай, яшма, қурғошнинг

ва бошқа маъданлар қўшилади. Сунг уларнинг ҳаммаси хушбуй шаробга солинади ва аралаштирилади. Кейин унга ҳар хил хушбуй шифобахш ўсимликлар ва уларнинг уруғлари қўшилиб қайнатилади. Дори қўюлгандан сунг асал қўшилади. Ҳаммаси бўлиб ёқут дори 37 хил моддадан ташкил топган. Ибн Синонинг ёзишича, бу дори мия, юрак ва ички аъзолар (меъда, жигар, талоқ) касалларини даволашда ҳам яхши натижа берар экан.

Ибн Сино ўзи баён этган дориларнинг таркиби ва хусусиятларини тўлиқ ифодалаб берган. Аммо бунда баъзи ноаниқликлар ва чалкашликлар ҳам учрайди. Масалан, «Тиб қонунлари» V китобининг 100-бетиде Ибн Сино «Денгиз пиёзи элаки дориси» номи дорини баён этган. Лекин бу дори таркибиде денгиз пиёзининг ўзи йўқ. Ибн Сино кўпгина дориларнинг 3—4 ва ундаш ортиқ нусхаларини курсатиб, уларни асосий дорининг номини бергандан сунг «Бошқа нусха», «Бошқа нусха» деб кетаверган. Шу нусхаларнинг ҳар бири таркибига анчагина ўзгартиришлар киритилган. Бунинг натижасида бу «Бошқа нусха»ларнинг сифатлари ҳам ўзгарган бўлиши керак. Аммо Ибн Сино бу ҳақда ҳеч нарса демайди. Фикримизча, Ибн Сино баён этган дориларнинг ҳаммасини ўзи янаҳсап синаб кўрган бўлмаса керак. Чунки у баъзи дорилар ҳақида сузлаб, бу «дорини қадимги ҳақимлар бундай касалга даво қиладди, ундай касалга фойда қиладди, деганлар», деб ёзади.

Ибн Сино ўз амалий табиблик фаолиятида ялғаридан маълум бўлган, стандарт мураккаб дорилардан ҳам кенг фойдаланган. Масалан, тарёқ, митридат, ануш дору, бузрук дору ва ниҳоят ўзи кашф этган ёқут дору. Тарёқ ҳақида юқорида маълумот берилди.

Митридат жуда мураккаб таркибга эга бўлган дори. Бу дорини Понтия шоҳи Митридат VI — Евпатор ўзи кашф этиб, унга ўз номини берган экан. Митридат таркибига 53 та ҳар хил модда қиради. Дорининг асосини афъюн, заъфарон, занжабил, дорчин, сунбул, балзам, Рум райхони, арпабодиён ташкил этади. Булардан ташқари турли шифобахш ўсимликлар ва уларнинг уруғлари ҳам қўшилади. Бу дорига ҳам кейинги табиблар бошқа моддалар қўшиб, уни такомиллаштирган эканлар. Масалан, Андромак митридатга афъюнлонининг гуштини қўшган. Шундан сунг митридат буюк тарёқ деб ном олган. Митридат асосан турли

заҳарлар ва заҳарланишларга қарши ишлатилган. Бошқа касалликларда ҳам яхши натижа беришлиги курсатилган. Ибн Сино бу доридан кўп фойдаланган.

Ануш дору. Бу дорини ҳинд ҳақимлари кашф этганлар. Таркибига 15 хил модда қиради. Дорининг асосини қалампирмунчоқ, сунбул, заъфарон, мускат ёнғоғи, омила ташкил этади. Бундан ташқари дори таркибига ҳар хил шифобахш ўсимликлар ва маъданлар қиради. Улар аралаштирилиб қайнатилади. Сунг шакар ёки бошқа ширинлик қўшилади. Ибн Синонинг ёзишича, бу дори киши танасига куч беради, юракни мустаҳкамлайди, кишининг кайфиятини кўтаради.

Бузрук дору. Бу дорини қадимги форс ҳақимлари кашф этган эканлар. Таркибига 32 хил модда қиради. Дорининг асосини афъюн, кофур, заъфарон, мингдевола уруғи, фарфшон, сунбул, қалампирмунчоқ, марварид, мурч, дорчин, Эрон кавраги қиради. Булардан ташқари бирмунча шифобахш ўсимликлар ва маъданлар қиради.

Ибн Сино ишлатган ва тавсия этган дориларнинг кўпи ҳар хил касалликларни даволашда сўзсиз фойда келтирган. Уларнинг баъзилари ҳозирги замон амалий табибетида ҳам ишлатилади. Масалан, Ибн Сино ишлатган 497 доривор ўсимлик моддаларининг 165 тасидан ҳозир ҳам фойдаланилади. Шулардан 110 таси ҳозирги замон фармакопоеяга киритилган. Аммо шу билан бирга Ибн Сино дориларни танлаш ва ишлаганда баъзи муҳим хатоларга ҳам йўл қўйган. У қадимги Миср ҳақимларининг таъсирига берилиб бўлса керак, касалликларда ишлатиладиган дорилар қаторига ҳеч фойдасиз, баъзан эса зарарли моддаларни ва ҳар хил чиқиндиларни ҳам киритган. Масалан, Ибн Сино баъзи касалликларни даволашда ҳайвонларнинг нажаси, тезаги, сийдиги, қулоқнинг чирки, сўлагги, одам туپуғи каби чиқиндиларни дори сифатида тавсия этган. Шундай тавсиялар қадимги Миср ҳақимларининг асарларида учрайди. Масалан, қадимги Миср табибларининг папирус⁴⁴ларида келтирилган рецептлардан бирининг таркибиде сасиған гушт, ачиган сўт, ҳайвон тезаги, майдаланган (ховончада янчилган) суяк, туёқ қабилар бўлган. Ибн Сино ҳам ўз асарларининг баъзиларида шундай тавсиялар берган. Масалан, унинг ёзишича, эшакнинг сийдиги мохов касаллигини тузатар эмши. Тунгизнинг сийдиги эса одам буйраги ва сийдик қопчасидаги тошни эритиб юборар эмши ва ҳоказо.

Ибн Сино бир жуда ҳам хатарли фикр баён этган. Унинг ёзишича, қутурган итнинг қони шу ит қопган киши учун даво булармиш?!

Ибн Сино бундай хато фикрларни келтириб, баъзан «айтишларича», «ёзишларича», деб бошқа муаллифларга ҳавола қилади. Лекин бу нотўғри фикрларни рад ҳам этмайди.

Умуман, бундай хато ва камчиликлар исетино қилинса, Ибн Синонинг тиббиётнинг моҳияти ва унинг вазифалари ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари ҳамда тавсия этган дорилари ўз вақтида фойдали бўлган. Улар кўп асрлар давомида табиблар учун дастур бўлиб хизмат қилган.

И Л О В А

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ ТИББИЁТГА ОИД АСАРЛАРИ* ВА УЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ

1. «Китоб ал-қонуи фи-т-тиб» («Тиб қонунлари китоби»).

Бу китоб Ибн Синонинг ҳажм жиҳатидан энг йирик, мазмун жиҳатидан энг мукаммал тиббий асаридир. У урта аср жаҳон тиббиётининг барча назарий ва амалий масалаларини ўз ичига олган. Ибн Сино ўз китобида уша давр тиббиёти эришган энг муҳим натижаларни тўплаб урмлаштирган ва уни ўз билим ва тажрибалари билан бойитган. Китобда тиб илмининг барча назарий ва амалий масалалари тўлиқ баён этилган. Шунинг учун бу китоб кўп асрлар давомида ҳакимлар ва тиббиётни ўрганувчи талабалар учун асосий дастур бўлиб хизмат қилди. Бу китоб баъзи жиҳатдан ҳозир ҳам ўз қимматини йўқотган эмас. Масалан, Ибн Сино тавсия этган баъзи ташхис ва даволаш усуллари ҳамда дорилар ҳозирги замон илмий тиббиётда ҳам ишлатилади. Умуман, тиббиётнинг нетаган соҳасида хизмат қилувчи мутахассис бу китобдан ўзи учун керакли маълумот топа олади.

Китобнинг асл нусхаси араб тилида ёзилган. Уни Кремонлик Герард (1114—1187) XII асрда биринчи бўлиб лотин тилига таржима қилган. Лекин Герарднинг таржимаси тўлиқ эмас эди. Сўнг китоб бошқа Овротто ва Олти тилларига ҳам таржима қилинди. Китоб босиш усули яхшироқ қилинганидан сўнг «Тиб қонунлари китоби» биринчи чоп этилган китоблар қаторида чиқарилиб, кенг тарқалди. Ҳозир ҳам бу китобни турли тилларга таржима қилиш ва босиб чиқариш ишлари давом этмоқда. 1954—1960 ва 1975—1983 йилларда «Тиб қонунлари китоби» Ўзбекистон Фанлар академияси

* Асарлар рўйхатда уларнинг муҳимлиги, мазмуни ва ҳажмининг катта-кичиклигига қараб жойлаштирилди.

Шарқшунослик институти ходимлари томонидан ўзбек ва рус тилларига таржима қилиниб, икки марта босиб чиқарилди.

Абу Али ибн Синонинг шогирди Абу Убайд Жузжонийнинг ёзишича, дастлаб «Тиб қонунилари китоби» 14 жилдан иборат бўлган. Сўнг уларда баён этилган маълумотлар тибнинг айрим соҳалари бўйича бирлаштирилиб, бешта алоҳида китоб ҳолатига келтирилган.

Биринчи китоб тибнинг умумий назарий масалаларига бағишланган. Хусусан, унда тиб илмининг таърифи, унинг мақсад ва вазифалари, унсурлар, мизожлар, хиллар ва қувватлар ҳақидаги тушунчалар берилган. Одам анатомиясидан ҳам маълумотлар келтирилган. Хусусан, унда гавда скелети, мускуллар, асаблар ва қон томирлари баён этилган.

Китобда касаллик ва соғаник ҳолатларига ҳам таъриф берилган, касалликларнинг умумий келиб чиқиш сабаблари кўрсатилган. Касалларни турли йўллار билан текшириш ва тавхис қўйиш усуллари баён этилган.

Ибн Сино ўзининг биринчи китобида саломатликни сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш масаласига ҳам тўхталиб ўтган. Бунда у ҳар хил гигиеник тадбирларга риоя қилиш, бадантарбия билан шугулланиш, гавдани турли йўллار билан чиққитириш, овқатланиш ва ичимликлар режимини бузмаслик, ўз вақтида дам олиш ва ухлаш каби тадбирларни тавсия этган.

Абу Али ибн Сино ўзининг «Тиб қонунилари китоби» асарининг биринчи китобини тибнинг умумий назарий масалаларига бағишлаган. деб ёзган бўлса ҳам унда касалликларни даволаш масаласига ҳам тегиб ўтади. Лекин бунда у айрим муайян касалликларни даволашни баён этмай, касаллик ҳолатларида амалга оширилиши керак бўлган тадбирларга тўختалади, яъни касалликларни даволашнинг умумий қондаларини баён этади. Хусусан, бу ерда сўз ич сурдириш, қусдириш, қон олиш, ҳукна қилиш каби тадбирлар устида боради. Ибн Синонинг ўзи кўрсатишича, бу тадбирлардан мақсад бемор гавдасидаги хилларни ва мизожини муъаддил ҳолатга келтиришдир.

«Тиб қонунилари»нинг биринчи китобини ҳақиқати Ички касалликлар процедурасига дарснингга ўқина-

* Тиббий адабиётда «Тиб қонунилари китоби» қисқартирилиб, «Тиб қонунилари» деб ҳам ёзилади.

тиш мумкин. Ибн Синонинг ўзи ҳам бу китоб тиббиётни ўргатувчилар учун қўлланма бўлиб хизмат қилади, деб ёзган эди. Ҳозирда бу китобнинг аҳамияти жуда юксак бўлган. У ўрта аср дерлифунуларига дарслик сифатида ўқитилган, ҳатто тажрибали ҳакимлар ҳам ўз амалий фаолиятларида ундан асосий дастур сифатида фойдаланганлар. Шарқнинг буюк намояндаларидан бири Илхомий Арузий Самарқандий «Тиб қонунилари»нинг биринчи китоби ҳақида сўзлаб, «уни ўзлаштириб олган кишига тиббиётнинг моҳияти тамомла аён бўлиб қолади», деб ёзган эди.

«Тиб қонунилари»нинг биринчи китоби бир муқаддима, 4 фасл (қисм), 14 таълим (бўлим), 10 жумла (боб) ва 262 фаслдан иборат катта асардир. Китобдаги ҳар бир қисм, ҳар бир бўлим ва боб тиббиёт назариясининг айрим муҳим масалаларига бағишланган.

Биринчи қисмда биз юқориде айтиб ўтганимиздек, тиббиётнинг моҳияти, мақсади ва вазифалари баён этилган. Шу қисмда унсурлар, мизожлар, рутубатлар ва қувватлар ҳақида ҳам сўз юритилади. Сўнг одам анатомиясидан маълумот бериледи.

Иккинчи қисмда умуман касаллик ҳолатлари, уларнинг асосий белгилари ва сабаблари, беморларни текшириш ва тавхис қўйиш усуллари баён этилган. Муаллиф бу қисмда мизожлар, хиллар, уларнинг моҳияти ва турли касалликларда тутган ўрнлари ҳақида муфассал тўхталади. Ибн Сино бу ерда саломатлик ва касаллик ҳолатларига ташқи табиий муҳитнинг таъсирини алоҳида кўрсатиб ўтган. Хусусан, об-ҳаво, иқлим, ер, сув, ҳар хил шомоллар, қўён нури каби омилларнинг ролини таъкидлаган.

Китобнинг учинчи қисми «Соғаник, касалликнинг сабаби ва унинг муқаррарлиги ҳақида фасл» деб аталган. Бу қисмда Ибн Сино саломатликни сақлаш қондаларига алоҳида тўхталиб ўтади. Хусусан, у бу мақсад учун турли гигиеник тадбирларни амалга ошириш, баданни чиққитириш (бадантарбия) чораларини тавсия этади. Ибн Синонинг таъкидлашича, бу ишни болалик чақалоқлигидан бошлаб, то қариликкача зарур. Бу ерда Ибн Сино ёшлар, ўсмирлар, катталар, қарилар ва саёҳатдагилар учун турлича чиққитириш чораларини тавсия этган.

Тўртинчи қисм «Даволаш тўғрисида умумий сўз» деб аталади ва турлича умумий даволаш қондаларини

баён этилади. Хусусан, бу қисмда олим, биринчи галда, мизожни тўғрилаш (муътадил ҳолга келтириш) чорасини кўришни тавсия этади. Бунинг учун бушатиш усулини (ич сурдирни, қусдирни, қон оқни ва кўкна қилни) тавсия этади. Ҳар хил дорилардаги фойдаланиш қоидаларини ҳам кўрсатган. Баъзи жарроҳий усуллари ҳам тавсия этган. Масалан, шини пайдо бўлган жойни ёриш, жароҳатланиш натижасида бузилган аъзонни кесиб ташлаш ва ҳ. к.

Ибн Сино даволашни қандай амалга ошириш масаласига тўхталиб, биринчи галда, оғир ва хатарли белгиларни йўқ қилишни тавсия қилади. Бунда биринчи галда асосий касаллик даволаниши зарур. Сўнг ундан қолган асоратлар тuzатилади. Шу билан биринчи китоб тугайди.

Иккинчи китоб. Тиб қонуналарининг иккинчи китоби оддий (якка) дориларга бағишланган.

Китобда усмалликлар, минераллар ва ҳайвонлардан олинадиган 810 хил оддий, яъни якка ҳолда ишлатиладиган дорилар баён этилган. Китоб икки қисмдан иборат. Унинг биринчи қисми икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда «песиклик», «совуқлик», «куруқлик» ва «намлик» сифатига эга бўлган дорилар баён этилган. Шу бўлимда турли дори моддаларини излаб тегиш ва сақлаш усуллари ҳам кўрсатилган.

Биринчи қисмининг иккинчи бўлимида эса дори турлари баён этилган. Айрим касалликларда ишлатиладиган дорилар кўрсатилган.

Иккинчи китобнинг иккинчи қисмида айрим дориларнинг хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади. Бунда олим дориларнинг хусусиятига қараб, уларни 64 хилга бўлган. Уларнинг қайсилари қандай касалликларда ишлатилишини кўрсатиб берган.

«Тиб қонуналари»нинг бу иккинчи китоби ўз даврида фармакология соҳасидаги энг тўлиқ дарсоник ҳисобланган. Ибн Синонинг бу китобида келтирилган дориларнинг бир қанчаси ҳозирги замон тиббиётида ҳам қўлланилади.

Учинчи китоб. «Тиб қонуналари»нинг учинчи китоби ҳажм жиҳатидаи энг каттасидир. У ўзбек ва рус тилларида икки жилд қилиб чоп этилган. Бу китобда одам организмидagi барча аъзоларнинг касаллиги ва уларнинг ҳар бири айрим аъзо ва система касалликларига бағишланган. Ҳар бир қисмда аввал бирор аъзоннинг тuzилиши ва физиологияси, шу аъзода пайдо булган

мумкин бўлган касалликлар, уларнинг белгилари ва сабаблари баён этилган. Сўнг даволаш усуллари кўрсатилган.

III китобнинг I жилди ун уч қисмдан иборат. Биринчи қисмда бош ва бош мия касалликлари баён этилган. Иккинчи қисми асаб тизими касалликларига бағишланган. Учинчи қисмда кўз анатомияси, касаллиги, уларни даволаш усуллари баён этилган. Тўртинчи қисм кулак ҳолатлари, бешинчи қисм бурун ҳолати, олтинчи қисм оғиз ва тил, еттинчи қисм тишларнинг ҳолати, саккизинчи қисм лаблар ва тиш милки, тўққизинчи қисм томоқнинг турли ҳолатларига бағишланган. Ушинчи қисмда кўкрак ва ункаларнинг ҳолати, ун биринчи қисмда юракнинг ҳолати ва касалликлари ҳақида сўз юритилган. Ун иккинчи қисмда аёл киши кўкраги (эмчиги)нинг турли ҳолатлари кўрсатилади. Ун учинчи қисмда қизил унғач ва меъданинг турли ҳолатлари баён этилган.

III китобнинг иккинчи жилди 9 қисмдан иборат. Унда биринчи жилддаги қисмлар руйхати давом эттирилиб, ун тўртинчи қисмдан бошланади. Шу ун тўртинчи қисмда жигарнинг ҳолати ва касалликлари, ун бешинчи қисмда ут қопчаси ва талоқнинг турли ҳолатлари, ун олтинчи қисмда ичаклар ва орқа чиқариш тегишнинг ҳолатлари, ун еттинчи қисмда орқа тегишнинг касалликлари, ун саккизинчи қисмда буйрақларнинг ҳолатлари ва касалликлари, йнгирманчи қисмда эркак жинсий аъзоларининг турли ҳолати, йнгирма биринчи қисмда аёл бачадонининг турли ҳолатлари ва касалликлари, йнгирма иккинчи қисмда ички ва ташқи аъзолардан чарви, меъда пардалари, киндик чурраси, оёқ веналарининг кенгайиши, бел, ёнбош ва бугинлардаги оғриқлар, оёқларнинг дармонсизлиги каби ҳолатлар ва бундай ҳолатларда қиллинадиган чоралар баён этилган.

Шундай қилиб, «Тиб қонуналари»нинг учинчи китоби одам савдасидаги деярли барча аъзоларни қамраб олган. Шунинг учун бу китобни «Хусусий патология ва терапия» дарслиги деб аташ мумкин.

Тўртинчи китоб етти қисмдан иборат бўлиб, уларнинг ҳар бири амалий тиббиётнинг муҳим соҳасига бағишланган. Биринчи қисмда турли иситмалли (юқумли) касалликлар, уларнинг сабаблари ва белгилари баён

этилган. Бу қисмин юқумли касалликлар ҳақидаги боб деб аташ мумкин.

Иккинчи қисмда касаллик давомида юз бериши мумкин бўлган криз (кескин ўзгариш)лар ҳақида фикр юритилади. Бунда бемор аҳволидаги ўзгариш соғайиш ёки эса аксинча кескин оғирлаиши томонга йўналиши мумкинлиги кўрсатилган.

Учинчи қисмда турли яллиғлашни жараёнлари баён этилган. Шу қисмда муаллиф саратон (рак) касаллигини ҳам кўрсатган ва унинг жуда хавфли касаллик эканлигини алоҳида таъкидлаган.

Тўртинчи қисм жарроҳий касалликларга бағишланган. Хусусан, бу ерда Ибн Сино ҳар хил жароҳатланишлар, лат ёйиш, қон оқни каби ҳолатларни баён этган ва уларни даволаш усулларини кўрсатган.

Бешинчи қисмда сўяк сийиши ва бўғиш чиқиши ҳолатлари баён этилган. Ибн Синонинг бу ерда таъкидлашча, бармоқлар бўғишларидан ташқари қини гавдасидаги ҳар бир бўғиш чиқиши мумкин. Ибн Сино жуда кўп бўғишлар чиқишининг жойига солиш усулини ишлаб чиққан.

Олтинчи қисм токенкология, яъни заҳарлар ва заҳарланишлар масаласига бағишланган. Бу ерда муаллиф дастлаб заҳарлар ҳақида умумий маълумот бериб, сўнг заҳарланишлар ва уларни диф этин қораларига тўхталади.

Еттинчи қисм косметика масалаларига бағишланган. Бу ерда Ибн Сино соч, тери ва бошқа жойларни косметик жиҳатдан яхши сақлаш ва баъзи тери касалликларини даволаш йўлларини кўрсатган. Масалан, соч тукилиши, тери қовжирашини тўзатиш ва ҳоказо.

Бешинчи китоб. Бу китоб мураккаб дориларга бағишланган. Китоб бир назарий мақола (муқаддима), икки жумла (қисм) ва 20 мақола (бўлим)дан иборат. Китобнинг охирида ас-Соҳир ва Юханийно ибн Сарафиюн буйича ҳажм ва оғирлик ўлчовлари берилган.

Назарий мақолада биз юқорида ёзиб ўтганимиздек, Ибн Сино мураккаб дорилар ишлатилишининг афзаллигини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан исботлаб берган. Узи ҳам бу қондага амал қилиб, касалларни даволашда асосан мураккаб дорилар ишлатган ва бу соҳани кенгайтириб уи олтига янги мураккаб дори рецептинини кашф этган.

Бешинчи китобнинг биринчи қисми қарободинларга бағишланган. Бу қисм уи икки бўлимдан иборат

бўлиб, ҳар бир бўлимда айрим гуруҳ мураккаб дорилар баён этилган. Бу ерда Ибн Сино дориларни гуруҳларга бўлишда, уларнинг қандай шаклда тайёрланиши ва ишлатилишини асос қилиб олган. Уларни биз юқорида кўрсатиб ўтган эдик.

Ибн Сино фақат уи иккинчи бўлимга киритилган дориларни бошқача принципда гуруҳларга бўлган. Бу бўлимда дорилар айрим аъзолар касалликларида ишлатилишига қараб тақсимлаб чиқилган. Бунда дастлаб касаллиқнинг номи кўрсатилиб, сўнг унда ишлатиладиган дориининг номи берилади. Ҳаммаси бўлиб бу бўлимда 95 хил касаллик ҳолатлари келтирилиб, уларда ишлатиладиган дорилар кўрсатилган. Бу ерда Ибн Сино ҳар бир касаллик ҳолатини даволаш учун 2—3 ва унда ортук дориини тавсия этади. Бинобарин, шу кўрсатилган 95 хил касалликни даволаш учун касалликнинг хитилан бир неча марта кўп дори тавсия этилган. Умуман, бу қисмда сўз кўпроқ симптоматик терапия, яъни касаллик аломатларини даволаш устида боради.

Бешинчи китобнинг иккинчи қисми «айрим-айрим касалликлар учун тажрибадан ўтган дорилар» деб аталади. Ибн Сино ўз китобининг бу қисмига изоҳ бериб ёзади: «Биз бу жумла (қисм) да ҳар бир касалликка кўпроқ мос бўлган мураккаб дориларни келтирамиз. Бунда дастлаб биринчи жумла (қисм)да айтилганларни эслатамиз, натижада бу китобни ўқиган киши барча хил даволарни ёки уларнинг кўгини қамраб олади»*. Сўнг у қўтир касаллигини даволашда ишлатиладиган дориини мисол қилиб олиб, уи таълашнинг жуда мураккаб усулини кўрсатган.

Учинчи, Ибн Синонинг тушунтиришича, бу касалликни даволаш учун дори таълашда табиб дастлаб иккинчи китобга, яъни содда дорилар китобига мурожаат қилиб, унинг жадвалларидан барча жузъий дориларни талади. Кейин у учинчи ва тўртинчи китобга ўтиб, улардан қўтир бобини ахтаради-да, шу бобларда келтирилган дориларни белгилайди, сўнг «Қарободин»га ўтиб, қолган мураккаб дориларни аниқлаб олади. Битта қўтир касаллигини даволаш учун дори таълаш шунчалик қийин бўлса, бошқа мураккаб касалликларни даволаш учун дори таълашда табиб қанчалик мураккаб бўлиш босиб ўтиши керак!

* Абу Али ибн Сино. Тиб қонунилари, V китоб, 1930, 175-бет.

Бешинчи китобнинг иккинчи қисми саккиз мақола (булим) дан иборат. Уларнинг ҳар бири айрим касалликлар ва уларни даволашда ишлатиладиган дориларга бағишланган. Хусусан, бу қисмда бошнинг аҳволи ва унда содир бўладиган касалликлар, кўз ва унга тегишли касалликлар, кулоқ ва унга тегишли касалликлар, тиш ва унда учрайдиган касалликлар, оғиз, томоқ ва гавданинг юқори бўшлиғи (кўкрак) да бўладиган касалликлар, шу жумладан, сил касаллиғи, гавданнинг қуйи бўшлиғида бўладиган касалликлар, шу жумладан, куланж, сийдик қопчаси, бачадон ва бошқа аъзолар касалликлари, бугин оғриқлари ва шунга ухшаш касалликларда ишлатиладиган дорилар баён этилган. Бу қисмда ҳам ҳар бир касалликни даволаш учун 2—3 ва ундан ортиқ дори хиллари кўрсатилади. Демак бу ерда ҳам касаллик турларига қараганда уларни даволаш учун ишлатиладиган дориларнинг сони анча кўп.

«Тиб қонуллари» китоби ушбу даврда маълум бўлган барча назарий ва амалий тиббиётнинг даяри ҳамма соҳаларини ўз ичига қамраб олган буюк асардир. Бу китобни ўрта аср тиббиётининг энг мукаммал қомуши деб аташ мумкин. «Тиб қонуллари»га энг юксак баҳоши машҳур олим ва адиб Низомий Арузий Самарқандий берган эди. У ўзининг «Мажмаъуи навалир» («Нодир ҳикоятлар») номли китобида «Тиб қонуллари» ҳақида сўзлаб: «Агар Хиппократ ва Жалинус тирилиб келганларида эди, улар бу китоб қаринасида сажда қилган бўлур эдилар», деб ёзган эди*. «Тиб қонуллари»нинг бутун қиммати шу жумлада нобода этилган.

Аб- Райҳон Беруний помидаги Шарқшунослик институтининг подир қўлёзмалар бўлимида уч нусха «Тиб қонуллари» сақланади. Булардан энг тўлиғи 709 (1308) йилда кўчирилган нусхасидир (инв. № 1195).

2. «Уржуза фи-т-тибб»** («Тиббий уржуза»). Бу китоб ҳам ва мазмуни жиҳатидан «Тиб қонуллари»дан сўнг иккинчи ўрнида туради. У назм билан ёзилган 1326 байт (2652 мисра) лик катта тиббий асардир.

«Уржуза фи-т-тибб» умуман тиббиёт илмининг назарий масалаларига бағишланган. Лекин унда амалий

* Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоятлар. Тошкент, 1985, 72-бет.

** Бу китоб «Ал-манзума», «Ал-алфия», «Ал-манзума фи-т-тибб» номлари билан ҳам маълум.

тиббиётга оид маълумотлар ҳам берилган. Китоб икки қисмдан иборат. Биринчи қисмда тиббиётнинг умумий назарий масалалари баён этилган. Хусусан, бу қисмда мизожлар, хиллар, уларнинг хусусиятлари ва организмда тутган ўришлари кўрсатишган. Шу қисмда яна турли аъзолар ва уларнинг тузилиши ҳақида ҳам маълумот берилган. Сўнг одам организмга таъсир этиши мумкин бўлган турли омиллар устида сўз юритилади. Хусусан, оқдағлар, пендиклар, уйку ва уйғоқлик, ҳаракат ва ҳаракатсизлик ва инҳоят кишининг рухий ҳолати кўрсатиб утилган. Сўнг касалларни текшириши усуллари, организмда у ёки бу хилтнинг устун бўлиб қолганидаги белгилар кўрсатишган.

Иккинчи қисми тиббиётнинг амалий масалаларига бағишланган. Бу қисм тўрт булимдан иборат. Биринчи бўлимда муаллиф саломатликни сақлаш тadbирларини баён этган. Хусусан, бу ерда муътадил уйку, ҳаракат, сабҳатчиларнинг тadbiri (режими), гигиеник қоидаларга риоя қилишлик каби тавсиялар берилган. Иккинчи бўлимда ҳар хил дорилар ва пархез оқдағлар, улардан фойдаланиши йўллари кўрсатишган, уларнинг хусусиятлари ва таъсирлари ҳам баён этилган. Учинчи бўлимда даво чоралари ҳақида сўз юритишган. Хусусан, қон олиши, йиритган жойларни кесиб, жараҳатларни боғлаш ва хоказолар кўрсатишган. Тўртинчи бўлим травматологияга бағишланган. Хусусан, бу ерда суяк синиши, бўғин чиқishi, уларни даволаш усуллари баён этилган.

Умуман, «Уржуза фи-т-тибб»да назарий ва амалий тиббиётнинг асосий масалалари шеърини услубда баён этилган. «Уржуза фи-т-тибб» ҳам «Тиб қонуллари» сингари Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган эди. Бу китобни ҳам Кремонан Герард насрий йул билан лотин тилига таржима қилган.

Китобнинг назмий таржимасини Жон Фошер немис олим қилиб, уш 1630 йилда босгириб чиқарган. Китоб инглиз, немис, француз ва румин тилларида чоп этилган.

«Уржуза фи-т-тибб» ҳинд, урду, турк тилларига ҳам таржима қилиниб, босиб чиқарилган. Бу асарни бизда Ш. Шонсломов ўзбек тилига насрий йул билан таржима қилиб, унга муқаддима ва изохлар ёзиб, 1972 йилда чоп эттирган. Ш. Шонсломов бунда «Ур-

жуза фи-т-тибб»ни асосан филологик жиҳатдан таҳлил қилган.

3. «Рисола фи-хиғз ас-сахха» («Саломатлиқни сақлаш ҳақида китобча»). Бу китобча асосан шахсий гигиена масалаларига бағишланган. Асар 13 бобдан иборат. Ҳар бир бобда соғлиқни сақлашга қаратилган айрим тадбирлар баён этилган. Хусусан, китобда баданини покиза сақлаш, ҳаммомда ювиниш, бадантарбия билан шуғулланиш, овқат ва ичимликлар режимини сақлаш, муътадил ухлаш, вақти-вақти билан қон олдириб туриш каби тадбирлар тавсия этилган.

Ибн Сино ўзининг бу китобида иссиқлик, совуқлик, ҳуллик ва қуруқлик ҳақида ғалати фикр юритади. Масалан, унинг ёзишича, иссиқлик билан қуруқлик бирикса олов пайдо бўлади. Иссиқлик, қуруқлик, ҳуллик ва совуқликнинг ҳаммаси бирикса тўрт унсур пайдо бўлади. Ибн Синонинг бу фикри Галенининг «Аввал сифат пайдо бўлади, сўнг унинг шакли келиб чиқади» деган назариясига мос келади. Ибн Синонинг бу китобда ёзган фикрига биноан аввал ҳар бир унсурнинг сифати келиб чиқади, сўнг унинг ўзи пайдо бўлади. Масалан, иссиқлик ва ҳулликдан ҳаво, совуқлик ва ҳулликдан сув, совуқлик ва қуруқликдан ер ҳосил бўлган.

Умуман, Ибн Сино китобда саломатлиқни сақлаш масалаларини унсурлар, хилтлар ва мизожлар ҳақидаги тушунчалар билан боғлайди. Китоб назарий ва амалий аҳамиятга эга. Бу китобнинг бир қўлёзмаси Санкт-Петербург дорнафунуни кутубхонасида сақланади (инв. № МО—391/IV).

4. «Дафъ ал-мадорр ал-куллийа ан ал-абдан ал-инсонийа би тадорук анваъ хата ат-тадбир» («Тадбирда йўл қўйилган хатоларни бартараф қилиш йўли билан инсон танасига етган зарарларни тuzатиш»). Тарихдан маълум бўлишича, бу китоб Ибн Синонинг тиббиётдан ёзган биринчи асари бўлган. Уни Хоразмда, Хоразм шохининг бош вазирини Абул Ҳасан Муҳаммад ас-Сахлийнинг таклифига биноан ёзган. «Дафъ ал-мадорр ал-куллийа ан ал-абдан ал-инсонийа би тадорук анваъ хата ат-тадбир» жуда узун ном бўлганлиги учун бўлса керак, кейинроқ унга қисқароқ қилиб «Тадорук анваъ ал-хата ал-воқийъ фи-т-тадбир ат-тиббийа» («Тиббий қондаларда учрайдиган хатоларни тuzатиш») деб ном берилган.

Ибн Синонинг бу асари ҳам урта асрларда латин тилига таржима қилиниб, Оврупо мамлакатларида ҳам тарқалган эди. Масалан, уни 1547 йилда босиб чиқарган эдилар. Китоб 1982 йилда З. Бобохонов томонидан рус тилига таржима қилиниб, босиб чиқарилган.

Китоб 7 қисмдан иборат, унда тиббиётда учрайдиган хатолар, овқат ва ичимлик режимининг бузилишини тuzатиш, жисмоний ва руҳий ҳаракат (фикрлаш) қилиш, танани хилтлардан бушатиш, қон олиш каби масалалар баён этилган.

Умуман, китобда кўпроқ гигиеник масалаларга эътибор берилган ва касаллик ҳолатларини йўқотиш тадбирлари кўрсатилган. Китоб назарий ва маълум даражада амалий аҳамиятга эга. Бу китобнинг бир қўлёзмаси Санкт-Петербург дорнафунунининг кутубхонасида сақланади (инв. № МО—391/III).

5. «Ўржуза фи-т-ташрих» («Анатомия ҳақида уржуза»). Биз Ибн Синонинг табиб касалларга тўғри ташхис қўйиши ва муваффақиятдан даволашни учун у одам анатомиясини яхши билиши кераклигини таъкидлагани ҳақида ёзган эдик. Фикримизча, бу китоб шу мақсадда ёзилган бўлса керак. Китобда турли аъзолар ва уларнинг бажарадиган ишлари кўрсатилган. А. Ирисовнинг ёзишича, бу китоб Ватикан (Италия) кутубхонасида сақланади.

6. «Рисола-и набз» («Томирлар уриши ҳақида китобча»). Шарқ табобатида касалнинг томир уришини текширишга жуда катта аҳамият берилганлиги маълум. Ибн Сино ҳам томир уришини текширишни ташхис усулларида энг муҳими деб қараган. Шу сабабдан одам бу масалага алоҳида китоб (китобча) бағишлаган.

Бу китобда муаллаф ўзининг «Тиб қонунлари» китобида ёзилганларини қисқартириб фақат энг зарур белгиларини баён этган. Ибн Сино бу китобни Исфохон ҳукмдори Ало уд Давланинг топшириғи билан ёзганлигини айтган.

7. «Китоб ал-қуланж» («Ўғон ичак яллғалиниши ҳақида китоб»). Бу китоб биз юқорида айтиб ўтганимиздек, Ибн Сино Ҳамадон яқинидаги Фараджон қалъасида қамалиб ётган чоғида (1023 йилда) ёзилган. Китоб уч қисм (мақола) дан иборат. Биринчи қисмда ичакнинг анатомияси ва физиологик функциялари баён этилган. Иккинчи қисмда қуланж касаллигининг

аломатлари, хиллари, сабаблари ва уларни аниқлаш усуллари кўрсатилган. Учинчи қисмда бу касаллик билан оғриган кишиларнинг зарур тадбирлари ва уларни даволаш чоралари кўрсатилган.

«Китоб ал-қуланж» кўп тарқалган асарлардан бири бўлган. Ундан ҳақимлар ўз амалий ишларида кенг фойдаланганлар.

8. «Ал-адвийат ал-қалбийя» («Юрак дорилари»). Ибн Сино юракни ҳаёт қувватининг пайдо бўлиши жойи деб билган. Шунинг учун юрак касалликлари ва уларни даволашга алоҳида аҳамият берган. Бу асарда муаллиф юракда пайдо бўладиган турли касаллик ҳолатлари ва уларни даволаш усулларини кўрсатган. Юрак касалликларини даволашда ишлатиладиган беш хил дориини санаб ўтган.

Ибн Синонинг таъкидлашича, юрак касалликларида ишлатиладиган дорилар ўзининг иссиқлик, совуқлик каби хусусиятларидан ташқари кишининг руҳиятига ёқимли таъсир этадиган, шовлик пайдо қиладиган ва хушбўй ҳидли бўлиши яхши. Ибн Синонинг бу асари ҳам табиблар томонидан кўп ўқиладиган китоблардан бўлган.

9. «Уржуза фи-л-муҷаррабод» («Синалган воситалар ҳақида уржуза»). Бу китобда синовдан ўтган турли хил дорилар, усимликлар, маъденлар ва ҳайвон моддаларидан фойдаланиш усуллари кўрсатилган. Ибн Сино бу ерда саломатликни сақлаш ҳақида сўзлаб, самодаги юлдузлар ҳаракати ва йил мавсумларига қараб турли тадбирларни амалга ошириш ҳақида тавсиялар беради. Бу китобдан ҳам табиблар кенг фойдаланганлар.

10. «Рисола фи тадбир ал-мусофирин» («Саёҳатга чиқувчилар тадбирлари ҳақида рисола»). Китобчада қуруқликда ва денгизда узок йўлга чиқувчилар йўлда касал бўлиб қолмаслик учун қандай тадбирларни амалга оширишлари кераклигини кўрсатилган. Хусусан, танани чиққитириш, кўзини ошпоқ қор сатҳидан қайтган нурлардан сақлаш, совуқ уришдан сақланиш каби тадбирлар баён этилган.

11. «Тадбир манзил ал-аскар» («Қўшинларга қароргоҳ тайёрлаш тадбирлари»). Урта асрларда қўшинлар турадиган қароргоҳларга катта эътибор берилган. Чунки ёмон шароитда аскарлар ўртасида турли касалликлар тарқалиб кетиб, қўшинларнинг жаанговарлиги пасай

ган. Ибн Сино аскарларнинг қароргоҳи, уларнинг озиқ-овқати, сув билан таъминланиши масалаларига алоҳида эътибор бериш зарурлигини таъкидлаган. Қасаллик тарқалган чоғда қандай тадбирларни амалга ошириш лозимлигини кўрсатилган.

12. «Уржуза фи-л-васайо ат-тиббийя» («Тиббий уғитлар ҳақида уржуза»). Бу асарда Ибн Сино саломатликни сақлаш учун қандай тадбирларни амалга ошириш кераклигини ҳақида ўзининг маслаҳатларини беради. Хусусан, ҳар бир фаслда еиладиган овқатлар, ичиладиган ичимликлар, кийиладиган кийимлар ва қабул қилинадиган дориларни кўрсатиб берган.

13. «Уржуза фи-т-тибб (фи-л-фусул ал-арбаъа)» («Тиббнинг тўрт фаслига бағишланган тиббий уржуза»). Бу китобчада ҳам асосан «Уржуза фи-л-васайо ат-тиббийя»да баён этилган масалалар устида сўз юритилган. Яъни ҳар бир мавсумга хос овқатлар, ичимликлар, дорилардан фойдаланиш усуллари кўрсатиб берилган.

14. «Рисола фи-л-фасд»* («Қон олиши ҳақида рисола»). Бу китобда томирлардан қон олишнинг қонуқонлигига баён этилган ва қон олиш усуллари кўрсатилган. Ибн Синонинг кўрсатишича, одам гавдасида 43 та қон олишни мумкин бўлган томир мавжуд.

15. «Уржуза фи-т-тибб (фи хифз ас-сиҳҳа)» («Саломатликни сақлаш ҳақида уржуза»). Бу китобча ҳаммаси бўлиб 15 бетлик кичик асар.

16. «Рисола фи-с-сиканжубин»** («Сирка—асал ҳақида рисола»). Бу китобнинг номи форсча сирка ва ангабини (асал) сўзларидан ташкил топган. Бу дори сифатида ишлатиладиган ичимлик бўлиб, у сирка ва асалга баъзи шифобахш усимликларнинг урун илдизи қўшиб тайёрланади. Бу ичимлик жуда кенг тарқалган бўлиб, уш Шарқ тиббиётида ҳам, Оврупо тиббиётида ҳам кўп ишлатилган.

17. «Даустур тиббийя» («Тиббий қўлланма»). Бу китобда касалликларни таққослаб куриб, уларни аниқлаш ва кечиктирмай тез ёрдам бериш масаласи устида сўз юритилади. Шунинг учун уш «Тез ёрдам бериш

* Бу китоб «Фил-урук ал-мафсуда» («Қон олинадиган томирлар») деб ҳам аталади.

** Бу китоб «Манофий ан-шароб ал-мусаммо сиканжубин» («Сиканжубин деб аталадиган ичимликнинг фойдалари») деб ҳам юритилади.

дастури» деб аташ мумкин. Асарда шовилнинг ва тез тиббий ёрдам берилниши керак бўлган касалликлар, уларда шилатиладиган даво чоралари ва дори-дармонлар санаб ўтилган.

18. «Рисола фи-л-ҳиндибо»* («Сачратқи ўт ҳақида рисола»). Бу китобчада Ибн Сино сачратқи ўтнинг дорилик хусусияти, унинг одам организмга таъсири ҳақида маълумот берган ва бу усимликни шилатини йулларини кўрсатган.

19. «Мақодир ат-турубат мин ал-адвайят ал-муф-рада (ва мазаррухо)** («Оддий дориларнинг ичимлик дозалари ва зарарли миқдорлари»). Бу китобчада Ибн Сино оддий дориларнинг касалга ёрдам берувчи ва зарар келтирувчи миқдорлари (дозалари) ни кўрсатган. Дори шилатишда унинг дозасига эътибор бериш зарурлигини таъкидлаган.

20. «Ал ағзийа ва-л-адвийа» («Ғизолар ва дори-лар»). Бу китобнинг номидан аниқки, у овқатлар ва дорилар масаласига бағишланган. А. Ирисовнинг ёзишича, бу китоб Истамбулдаги Аб-Суфия кутубхонасида сақланади.

21. «Рисола фи-л-фарқ байна-л-ҳарорат ал-ғаризийа ва-л-ғариба» («Табиий ва четдан кирган ҳароратнинг фарқи ҳақида рисола»). Бу асар ҳақида маълумот бизда йўқ. Баъзи муаллифлар бу асар тиббиётга эмас, табиётга тааллуқли, деб ёзадилар.

22. «Мақола фи ҳисб ал-бадан» («Баданнинг соф-лиги ҳақида мақола»). Шундай номли асар Галенда ҳам бўлган. Баъзи муаллифлар Ибн Сино «Мақола фи ҳисб ал-бадан» номли асарида Галеннинг шу номли асарига шарҳ ёзган, дейдилар. Баъзилар эса Ибн Си-нонинг бу асари Галеннинг шу номли китобининг тар-жимасидир, деб ҳисоблайдилар.

23. «Фусул тиббийа мустафода мин мажлис ан-на-зар ли-л-Шайх Абу Али ибн Сино*** («Шайх Абу Али ибн Синонинг йиғилишларда баён этган тиббий ҳик-матли сўзлари»).

* Бу китоб яна «Хиндибо ғайр мақсула» («Юришган шилати-го»), «Рисола фи амр ал-ҳиндибо» («Сачратқи ўтнинг таъсири ҳа-қида рисола») номлари билан ҳам маълум.

** Бу китобча «Фусул ат-тиббийат» («Тиббиёт нуқталари»), «Фи-фанни ат-тиб» («Тиббиёт санъати ҳақида»), «Фи-р-руҳ» («Рух-лар ҳақида») деган номлар билан ҳам юритилади.

*** Бу китоб яна «Фусул ат-тиббийа» («Тиббий шикматли сўз-лар») деб ҳам аталган.

24. «Масъийл Хунайн»* («Хунайн масъалари»). Китобда Ибн Сино IX асрда яшаган несторианли ҳа-ким Хунайн ибн Исҳоқнинг тиббга оид фикрларини шарҳлайди ва унинг хато сўзларини танқид остига олади.

25. «Сийёсат ал-бадан ва фазойл аш-шароб ва ма-зофия ва мадарруху» («Баданни бошқариш, шароб-нинг фазилатлари, унинг фойдаси ва зарари»). Бу асар ҳаммаси бўлиб бир варақдан иборат. Асарда ша-робнинг киши организмга ижобий (кам бўлса) ва сал-бий (кўп бўлса) таъсир этиши кўрсатилган.

26. «Ар-радд ило мақола аш-шайх Абу-л-фараж ибн Аби Саъид ал-Намоми** («Шайх Абу-л-фараж ибн Аби Саъид ал-Намомий мақоласига раддия»). Бу ма-қолада Ибн Сино Абу-л-фараж исмли ҳаким унинг бир асари ҳақида ёзган фикрларига қарши эътироз билдирган. Ибн Синонинг ёзишича, Абу-л-фараж ўз мақоласида Ибн Сино айтмаган сўзларни унга боғ-лаган.

27. «Рисола фи-р-радд ило китоб Абу-л-фараж ибн ат-Ғаййиб» («Абу-л-фараж ибн ат-Ғаййиб китобига рад-дия»). Бу ерда Ибн Сино Абу-л-фаражнинг одам орга-низмидаги тортувчи, ушлаб турувчи, овқатни ҳазм қилдирувчи ва ҳайдовчи кучлар ҳақида фикр юри-тиб, аслида бу кучлар (қувватлар) битта бўлиб, у турли кўринишга эга бўлади, деган фикрига қарши эътироз билдиради. Ибн Сино Галеннинг фикрига асос-ланиб, бу кучларнинг ҳар бири мустақил эканлигини тасдиқлайди.

28. «Уржуза фи васайо Абуқрот» («Ҳиппократнинг васиятлари ҳақида уржуза»). А. Ирисовнинг ёзишича, Ибн Синонинг бу асари Берлин кутубхонаси ва Брита-ния музейида сақланади. Ҳиппократ ҳақимларга касал-ларга нисбатан меҳрибон бўлиш, улар ҳақида доим Ғамхўрлик қилиш ва қайғурини зарурлигини таъкидла-ган. Таъмағир ва ғаразгўй бўлмаслигини васият қилган.

* Бу китоб «Тааллиқ масъийл Хунайн» («Хунайн масъаласига изоҳлар») деб ҳам аталади.

Бу мақола «Рисола китабоҳи аш-шайх ар-Райис Абу Али ибн Сино ила аш-шайх Абу-л-Фараж ибн Аби Саъид ал-Намоми фи-масъала тиббийа дарат байна хумма» («Аш-шайх ар-Райис Абу Али Синонинг Шайх Абу-л-Фараж ибн Аби Саъид ал-Намомиға тиббиёт ҳақида улар ўртасида чиққан келишимчилик ҳақида ёз-ган таълиқ») деб ҳам аталади.

Ибн Сино Хипократнинг шу васиятларини шеърда баён этган бўлиши мумкин.

29. «Тадбир сайлси ал-мани» («Эрлик уруғининг беихтиёр оқиши»). Ибн Сино уз асариди бу таърифтабий ҳолатини даволаш усулларини кўрсатган.

30. «Рисола фи-л-боҳ» («Жинсий мойналик ҳақида рисола»).

31. «Уржуза фи-л-боҳ» («Жинсий алоқа ҳақида уржуза»).

У. И. Қаримов тарихчи Нахъйа Махдавий ва Сайид Нафисийнинг маълумотларига асосланиб, Ибн Синоники деб тахмин қилинган яна 23 та тибга онд қуйидаги асарларини қўшган:

32. «Ал-акрободи» («Мураккаб дорилар»).

33. «Ал-бауя» («Сийдик ҳақида»).

34. «Ташрих ал-вужуд» («Гавда анатомияси»).

35. «Рисола фи тахлит ал-арзийя» («Аралаш овқат ҳақида рисола»).

36. «Рисола-и-жудийя» («Энг афзал рисола»).

37. «Шатр ал-ғибб» («Алмашланиб турадиган центма»).

38. «Шифо ал-асқом» («Қасалликларни тузатиш»).

39. «Фаврид аз-занжабил» («Қалампирмунчоқнинг фойдаси»).

40. «Ал-қувваъ ал-арбаъа» («Турт қувват ҳақида»).

41. «Фи мо йадфаъ зарар ал-ағзийя» («Овқатнинг зарарини шма билан пўқ қилиш ҳақида»).

42. «Ал-масъил ал-маъдуда фи-т-тибб» («Тиббнёт масаласида бир неча савол»).

43. «Манофиъ ал-аъзо» («Аъзоларнинг вазифаларини»).

44. «Танких ал-қонун» («Қонунни тузатиш»).

45. «Хавоши ал-қонун» («Қонунни изоҳлаш»).

46. «Хавзс аш-шароб» («Шаробнинг хусусиятларини»).

47. «Рисола фи-т-тибб» («Тиббнёт ҳақида рисола»).

48. «Зубда фи-л-қувва ал-хайвонийя» («Хайвоний қувватлар ҳақида»).

49. «Ас-самум ва-л-акрободин» («Заҳарлар ва қарободинлар»).

50. «Қасида фи-т-тибб» («Тиб ҳақида қасида»).

51. «Қавонин ва муъолажат ат-тиббийя» («Тиббий қонунлар ва даволаш усуллари»).

52. «Мабхақ ал-қувва ал-инсонийя» («Инсоннинг қувватини синов»).

53. «Мақола фи-таърруз рисола ат-табиб» («Табибнинг рисоласига қарши фикр айтиш ҳақида мақола»).

54. «Ал-маут ал-хайот» («Улим ва ҳаёт»).

Шарқшунос олим А. Ирисовнинг «Ҳаким Ибн Сино» (1992) китобида Ибн Синонинг асарлари рўйхатида қуйидаги рисолалар ҳам бор Улар ҳам мазмун жиҳатдан тиббий асарлар ҳисобланиши мумкин.

55. «Уржуза фи-л-хаммиёт» («Безгак ҳақида уржуза»).

56. «Тадбир ал-манзил ав ас-сиёсат ал-ахлия» («Уй-жой чоралари ёки онла сиёсати»).

57. «Ахвал ан-нафс» («Нафс (жон) нинг аҳволи ҳақида»).

58. «Рисола фи дафъ ул ғам ва-л-ҳам» («Ғам ва безовталанишни йўқотини ҳақида рисола»).

59. «Рисола фи моҳият ишқ» («Ишқнинг моҳияти ҳақида рисола»).

Кейинги икки мақола бир қарашда тиббиётга дахлсиз кўринади. Аммо улар тиббнётга онд мақолалар қаторига бемаълум киритилиши мумкин. Биз биламизки, ғам, ташвиш ёки безовталиқ кишининг руҳиятига салбий таъсир этиб, иштаҳани буғайди, уйқунин қочиради, кайфияти бузади. Бунинг натижасида киши организм заифлашиб, турли касалликлар келиб чиқади. Иккинчи мақола масаласида эса Ибн Сино ишқни ҳаяжон хасталиғи деб ҳисоблаган.

Шундай қилиб, бу учала рўйхат қўшилса, Ибн Синонинг тибга онд асарларининг сонин 59 тага етади. Ибн Синодек буюк олим уз мутахассслиғин буйича 59 та асар ёзини мумкинлиғини ҳақиқатдан узоқ эмас. Машҳур «Хипократ туплами» 72 мустақил асардан иборат. Гален тибга онд 200 дан ортиқ асар ёзган. Абу Бакр Розийнинг тибга онд асарлари ҳам кўп. Шуларга қараганда Ибн Синонинг тибга онд 59 та асари бўлиши ҳам табиийдир.

ИЗОҲЛАР

1. **ХИППОКРАТ** (Hippokrates) — қадимги юнонистонлик машҳур ҳаким. Эрампздан олдинги 460—377 йилларда яшаган. Урта ер денгизидagi Кос оролида ҳакимлар оиласида туғилган. Хиппократнинг барча ўғлини авлодлари ҳаким бўлганлар.

Хиппократ жаҳон илмий-материалистик тиббиётининг асосчиси ҳисобланади. Унинг таълимотича, инсон организмнинг тузилиши ва табиатини моддий муҳит, яъни у яшаб турган табиий ва ижтимоий шароит белгилайди. Шунинг учун соғлиқ ҳам, касаллик ҳам шу табиқ муҳит шароитига боғлиқ. Хиппократнинг иккинчи таълимотича, касалликни киши организмнинг ўзи енгади. Ҳар хил дavo чоралари ва дори-дармонлар унга ёрдам беради, холос.

Хиппократ тиббиётга ҳуморал (рутубатлар) назариясини киритди. Бу назарияга биноан киши организмда тўрт хил суюқлик (қон, сафро, савдо, шиллик) бўлади. Шу суюқликларнинг қайси бири устуни туришига қараб, инсонлар тўрт тоифага (конституцияга) бўлинадилар. Ҳар бир тоифага кирувчи кишилар ўзига ҳос касалликлар билан касалланадилар. Хиппократнинг кўрсатишича, касалларга ташхис қўйишда уларнинг қайси тоифага мансуб экаиликларини аниқлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Хиппократнинг ҳуморал назарияси Шарқ тиббиётига ҳам тарқалган эди. Ибн Сино ҳам шу назарияга амал қилган.

Хиппократ ўзидан сўнг жаҳон тиббиётида энг буюк китоб ҳисобланган «Corpus Hippocraticum» («Хиппократ тўплами») номли асар қолдирган. Бу китоб асрлар давомида ҳакимлар учун асосий қўлланма бўлиб хизмат қилди.

2. **ГАЛЕН КЛАВДИЙ** (Galenus Claudius) (131—201). Қадимги римлик машҳур ҳаким, Пергам шаҳрида меъмор (архитектор) оиласида туғилган. Гален қадимги замон тиббиётида Хиппократдан сўнг энг буюк ҳаким сифатида танилган. У тиббиёт, фалсафа ва бошқа кўп фанлар билан шуғулланган. Лекин у асосан буюк ҳаким сифатида шўхрат қозонган. Бу соҳада у 200 дан ортиқ асар ёзиб қолдирган. Гален анатомия, физиология, терапия ва доришunosлик илмларини пухта билган. Бу соҳаларда бир қанча кашфиётлар қилган. Айниқса, анатомия ва доришunosлик соҳасида муҳим янгиликлар киритган. Масалан, у доривор ўсимликлардан соф доришни ажратиб олиш ва улардан мураккаб дори тайёрлаш усулини ишлаб чиққан. Бундай дорилар «Гален препаратлари» деб аталади. Галенининг тибга онд асарларидан энг муҳими «Одам гавдаси қисмларининг вазифалари» китобидир.

3. **БЯНЬ-ЦЯО** — эрампздан олдинги VI асрда яшаган машҳур Хитой ҳакими. У жаҳон тиббиёти тарихида биринчи бўлиб бемор-

ларнинг томир уришини текшириш усулини қўллаган. Бу усулни у «Қийин масала ҳақида китоб» номли асарида баён этган. Бу китоб тиббиётнинг ҳамма соҳаларини ўз ичига олган. Шунинг учун уни «Тиббиёт қомуси» деб атаганлар. Бянь-Цяо амалий тиббиётнинг кўп соҳаларини яхши билган. Айниқса, ташхис қўйиш усулини яхши ишлаб чиққан. Касалларни даволашда машҳур акупунктура, мокса, массаж каби усуллардан кенг фойдаланган. У яхши жарроҳ ҳам бўлган. Касалликларнинг келиб чиқиши хуsusида тўғри фикр юритган. Унинг ёзишича, касаллик одам организмга ташқи муҳитнинг салбий таъсир этиши натижасида келиб чиқади. Шунинг учун беморни даволашда унинг янаб турган муҳитини ҳисобга олиш зарурлигини таъкидлаган. Бянь-Цяо жаҳон тиббиётининг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган буюк ҳакимлардан бири ҳисобланади.

4. **СУШРУТА** — машҳур ҳинд ҳакими. Маъlumотларга қура, эрампзининг I асрида яшаган. У қадимги ҳиндларнинг жаҳонга машҳур «Аюрведа» номли китобларидан бирининг муаллифи ҳисобланади.

Сушрута жаҳон тиббиётида ўзининг ишлаб чиққан пластик операциялари билан шўхрат қозонган. У ўша даврдақ ринопластика (кесилиб кетган бурунни тиклаш), аудиоластика (узрилиб кетган қулоқни тиклаш), кесарча кесил (она қоринини ёриб болаин чиқариб олиш), эмбриотомия (туғилиши мумкин бўлмаган болаин кесиб-майдалаб чиқариб олиш) каби мураккаб операцияларни бажара олган. Сушрута жаҳон тиббиётининг, айниқса, жарроҳликнинг ривожланишига жуда катта ҳисса қўшган.

5. **АБУ УБАЙД ЖУЗЖОНИЙ** (Абу Убайд Абдул Воҳид ибн Муҳаммад ал-Жузжоний). Туғилган йили маъlum эмас, вафоти 1047 йил. Кузга кўринган олим, файласуфи ва фқиҳ бўлган. Тиббиёт илмидан ҳам етарли маъlumотга эга бўлган. Абу Убайд Жузжоний Ибн Синонинг содиқ шогирди сифатида у билан 25 йил бирга бўлган ва ўз устозини лақибда «Гарих аҳвол шайх ар-Ҳанс» («Олимлар бошлиғи [Ибн Сино]нинг гаржиман ҳоли») номли биографик асар ёзиб қолдирган.

6. **«МАЖМУЪА РАСОИЛ АЛ-ҲУҚАМО»** — номаъlum муаллиф томонидан тузилган мақолалар тўплами. Унда 106 та ҳар хил олимлар ва файласуфларнинг таржиман ҳоллари ҳамда асарларидан намуналар келтирилган. Тўпلام 409 вароқ (818 б.) дан иборат катта асардир. У 1664 йилда кўчирилган. Тўпلامда Ибн Синонинг таржиман ҳоли ва унинг асарлари рўйхати ҳам берилган.

7. **ИБН АБИ УСАЙБИЪА** (Мувофиқидан Абул Аббос Аҳмад Ибн ал-Қосим Ибн Аби Усайбиа) (1203—1270) — урга асрда яшаган машҳур тарихнавис олим ва табиб. Суриялик қаххол онласида туғилган. Ибн Аби Усайбиа Урта Шарқда биринчи тиббиёт тарихчиси ҳисобланган. Унинг тиббиёт тарихига онд асарлари Шарқ ва Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган. Усайбианинг «Уюн ал-анбо фи табаот ал-атиббо» («Табибларнинг табақалари ҳақида хабарлар манбаи») номли тўпламида Ибн Синонинг таржиман ҳоли баён этилган.

8. **АНЕМИЯ** (anemia) — юнонча «а», «ан» («йуқ») маъносини аниқлатувчи олд қўшимча ва «haimia» («қон») сўзининг бирикмасидан пайдо бўлган тушунча бўлиб, қонсизлик (камқонлик) деб аталувчи касаллик помидир. Бу касалликда қонда қон таначалари ва улардаги гемоглобин жуда камайиб кетади.

9. ЛЕЙКОМИЯ — юнонча «Leicos» («оқ») ва «hemia» («қон») сўзларидан келиб чиққан. Қон касалликларидан бири. Бунда қондаги лейкоцитлар (оқ қон таначалари) қаддан ташқари кўпайиб кетади. Лейкемия жуда хавфли касаллик бўлиб, у билан оғриганлар кўпинча ҳалок бўладилар.

10. ТРОМБОПЕНИЯ — юнонча «Trombocytes» («тиқилувчи хужайра») ва «Penia» («камлик», «етишмаслик») сўзларидан келиб чиққан. Бу касалликда қонда тромбоцит деб аталувчи хужайралар жуда камайиб кетади. Натижада қоннинг ивиш хусусияти сусайиб, бирор аъзодан қон оқа бошласа (жароҳатланган, кесилган) унинг тухтатиш жуда қийин бўлади.

11. ШАРТЛИ РЕФЛЕКС — кишининг ҳаёти жараёнида кўп марта қайтарилган бирор омил билан боғлиқ ҳолда пайдо бўлиб, сўнг одат тусига кириб қолган ҳолат. Бу ҳолат бош миёна олин асаб системаси (миёна қобили) иштирокида амалга ошади. Шартли рефлексга ҳар қилиб аниқ бир соатда овқатланишга ўрганган кишининг меъдасида шу соатга келиб меъдага овқат тушмаса ҳам унда ҳам қилувчи суюқлик ажрала бошлаши яққол мисол бўлади.

12. РУҲИЙ-ҲАЯЖОНЛИ ТАЖРИБА УСУЛИ. Бундай усул баъзан бемор уз хасаллигини яширганда уни тоғиб олини учун қўлланади. Бу усул бемор руҳиятига ҳаяжонли омиллар билан таъсир этиб, унинг ҳолатидаги ўзгаришларни кўздан кечириб, хулоса чиқариш принципига асосланган.

13. АБУЛ ҲАСАН АЛ-БАЙҲАҚИЙ (Захириддин Абул Ҳасан Али ибн Абул Қосим Заид ал-Байҳақий (1105—1169) — йиррик тарихнавис олим, табиб ва шоир бўлган. Байҳақий тиббиёт тарихининг сифатида ҳам машҳур. У ўзининг «Татқимот сувои ал-ҳикма» («Ҳикматларнинг сақловчиларга қўшимча») номли асарида Ибн Синонинг таржиман ҳолини анча тулиқ баён этган.

14. ИБН АЛ-ҚИФТИЙ (Жамолиддин Абул Ҳасан Али ибн Юнус ибн Иброҳим аш-Шайбоний) (1172—1248) — урта асрда яшаган йиррик олимлардан. Кўп фанлар билан шугулланган ва ўзининг «Китоб ихбор ал-уламо би ахбор ал-ҳукамо» («Донишмандлар ҳақида олимлар берган хабарлар») асарида Ибн Синонинг таржиман ҳолини баён этган.

15. ИБН АЛ-ҲАЛЛИҚОН (Шамсуддин Абул Аббос Аҳмад ибн Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Абу Бакр ибн Ҳаллиқон) (1211—1282) — урта асрда яшаган кўлга қўрилган тарихнавис олимлардан. У ўзининг «Китоб вафойат ал айюн ва анбоб аз-замон» («Машҳур кишиларнинг вафоти ва номлари абадийлашган ўғлонлар ҳақида маълумотлар китоби») номли асарида Ибн Синонинг таржиман ҳолини баён этган.

16. АБУ БАКР НАРШАҲИЙ (Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар ибн Закарё ибн Шарик) (899—959) — урта осеълик тарихнавис олим. Қадимги Бухоро ҳудудида бўлган Наршаҳ деган жойда таваллуд топган. Бухорода таълим олган. Наршаҳийнинг энг машҳур асари «Бухоро тарихи» номли китобдир. Бу китобда муаллиф Бухоро шахрининг пайдо бўлишидан тортиб, то X асргача бўлган даврнинг баён этган.

17. ИЛОҲИЁТ — арабча илоҳ, оллоҳ (худо) сўзидан келиб чиққан. Мөддий дунё тушуничасига қарама-қарши таълимот. Бу таълимот дунёвий нарсаларни илм ва тажриба асосида эмас, балки худо ва дин ақидаларига асосан ҳал қилади. Мусулмон шарқий мамлакатларидаги дорилфунунларда илоҳиёт алоҳида фан сифатида ўқитилади.

18. АБУ АБДУЛЛОХ АН-НОТИЛИЙ — X—XI асрда яшаган файласуф ва олим. Табаристон ҳудудида бўлган Нотил деган жойда таваллуд топган. Фалсафа, маънавий, рибозий фанлари билан шугулланган. Тиббий билимдан ҳам хабардор бўлган. Нотилий Ибн Синонинг билини устоз хисобланади.

19. ЭВКЛИД (Eukleidos) (355—315) — қадимги юнон математик олими. Унинг асарлари, хусусан, ҳақласага оид баёнлари дедуктив, яъни аксиомалар усулида ифода этилган. Бунда биринчи жумла исботсиз таслиқ сифатида қабул қилиниб, қолган ҳамма теоремалар шу аксиомалардан хулоса сифатида чиқарилади. Эвклиднинг энг муҳим асари «Негизлар» деб аталади. Бу асар ҳақласа илмига бағишланган.

20. «АЛ-МАЖИСТИЙ» — қадимги юнон астроном Птолемейнинг латинча «Алмагистум» деб аталган китобининг арабча номи. Араб тилида «Г» товуши ва харфи йўқлиги учун «Алмагиста» сўзи арабчада «Ал-мажиста» (Ал-мажистий) деб ёзилган. Аслида бу китоб «Кониотинг буюк математик тузилиши ҳақида ўн уч китоб» деб аталган. Латинчада қисқа қилиб «Алмагистум» («Буюк кўпчилиш») деб ном олган. Китобга сайёраларнинг тузилиши ва бир-бирига нисбатан жой олиши геоцентрик, яъни «ср марказ» системасида баён қилинган. Унда 1028 «олдунги ўз ичига олган юлдузлар каталоги ҳам берилган.

21. АБУ НАСР АЛ-ФОРОБИЙ (Абу Наср Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Узлағ ибн Тархон Форобий) (873—950). Урта осеълик машҳур файласуф. Бу соҳага жуда йиррик олим бўлганлиги учун уни Арастуи сопи, яъни Аристотелдан сўнг иккинчи файласуф деб аташган. Ал-Форобий Тошкентнинг тарби-инида Сирдарё бўйидаги Фороб деган жойда туғилган. Форобий тиббиёт билан ҳам қизиққан. Бу соҳага оид «Инсон аъзолари ҳақида рисола» номли асар ҳам ёзган. Баъзи маълумотларга қараганда Форобийнинг тиббга оид «Назарий ва амалий тиббиёт» номли асари ҳам бўлган. (Аmmo унинг ўзи амалий тиббиёт билан шугуллангани маълум эмас). Ибн Сино ёшлигида Форобийнинг шу китобларини ўқиб тиббиётга қизиқиб қолган экан.

22. АРИСТОТЕЛЬ (Aristoteles) — қадимги дунёнинг энг буюк файласуфи. Эраминдан олдинги 384—322 йилларда яшаган. Аристотель ҳаким (табиб) оиласида туғилган. Ўзи ҳам дастлаб табиблик билан шугулланган. Масалан, у бир печа йил македониялик машҳур саркаола Александрийнинг тарбиячиси ва табиб вазифасида бўлган. Сўнг фалсафа илмини чуқур ўрганиб, дунёга машҳур файласуф бўлиб танилган. Аристотель ҳаким сифатида одам гавдаи ва ундаги аъзоларнинг тузилиши ва функциялари, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларни тuzатиш масалалари билан шугулланган. У тиббиётнинг асосий вазифаси ҳар хил гилгенек қондаларни амалга ошириш йўли билан саломатлигини сақлашдан иборат, деб ўқитган.

23. МЕТАФИЗИКА — юнонча Meta ta physika (физикадан кейинги) деган сўздан келиб чиққан. Аристотелнинг фалсафий фикрлари баён этилган асар. Унинг ўзи бу асарни «Биринчи философия», «Донишмандлик», баъзан эса «Илоҳиёт ҳақидаги фан» деб атаган. «Метафизика» деган термин кейин пайдо бўлган. Уни неандариялик Андроник исмли библиограф киритган.

24. АБУ МАНСУР ҚУМАРИЙ (Абу Мансур Ал-Ҳасан ибн Нух Ал-Қумарий — Бухорий) — урта осеълик таниқли ҳакимлардан. Туғилган йили маълум эмас, вафоти 999 йил. Қумарий Бухорода туғилиб, шу ерда таълим олган. Амалий тиббиётда катта

тажрибага эга бўлган. Шунинг учун уш Бухоро амири Абу Мансур Сомониёвнинг шахсий табиби қилиб тайинлаган экан. Абу Мансур Кумарий тибб илмидан Ибн Синога устозлик қилган.

25. АБУ САХЛ МАСИХИЙ (Абу Сахл ибн Яхъё Ал-Масихий ал-Журжоний) — ўз замонасининг бирик ҳақимларидан бўлган. Тугилган йили маълум эмас, вафоти 1012 йил. Масихий Эроннинг Журжон номли шаҳрида таваллуд топган. Асли келиб чиқishi иусроний (христиан) бўлган. У тиббиётдан ташқари фалсафа, математика ва бошқа билимлар билан ҳам шуғулланган. Баъзи тарихчиларнинг ёзишича, Масихий тибб илмидан Ибн Синога устозлик қилган.

26. АБУ БАКР РОЗИЙ (Абу Бакр Муҳаммад ибн Закариё Ар-Розий) (865—925) — ўрта аср шарқининг буюк ҳақимларидан. Эроннинг қадимги Рай шаҳрида таваллуд топган. У фаннинг кўп соҳалари билан шуғулланган. Сўнг тиббиёт билан қизиқиб, бу илмни ҳам мукамал ўзлаштириб олган.

27. ҚОРАХОНИЙЛАР — Шарқий Туркистон, Еттисув ва Жанубий Тяньшаньда яшаган яғмо, қарлуқ ва чигил деб аталувчи туркий қабилалар яғмо қабиласидан бўлган Абдул Карим Бўғрақон (Қорақон) раҳбарлигида бирлашиб, ягона давлат тузганлар. Бу давлат унинг тузувчиси номи билан қорақонийлар давлати деб аталган. Қорақонийлар X аср охирида Моавроуинаҳриш забт этиб, бу ерда ўз ҳукмдорликларини ўригдилар.

28. АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ (Абу Райҳон Муҳаммад ибн Аҳмад Ал-Беруний) (972—1048) — хоразмлик буюк қомусий олим. У Хоразмнинг қадимги пойтахти Квет (Кот) шаҳрида таваллуд топган. Беруний ўз даврида маълум бўлган фанларнинг ҳаммаси билан шуғулланган ва улар ҳақида мукамал билимга эга бўлган. У тиббиёт билан ҳам қизиққан. Хусусан, доривор моддаларини яхши билган ва бу ҳақда «Китоб ас-саидана фи-т-тиб» («Тиббиётда ишлатиладиган дорилар») номли асар ҳам ёзган. Бу китобда Беруний 1000 дан ортиқ доривор моддалар ҳақида маълумот берган.

29. АБУЛ ҲАЙР ХАММОР (Абул Ҳайр Ал-Ҳасан ибн Синор ибн Бобо ибн Бехном Ал-Хаммор) — ўрта аср шарқининг кўзга кўринган ҳақимларидан, 942 йилда Бағдодда таваллуд топган. Хаммор Хоразм шоҳи Маъмуни ибн Муҳаммаднинг сарой табиби бўлган. Сўнг Султон Маъмуднинг талаби билан бошқа олимлар қаторида Ғазнага бориб, Маъмуд саройида хизмат қилган.

30. АБУ АБДУЛЛОХ ИЛОҚИЙ (Шарафуддин Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Юсуф Ал-Илоқий) — ўрта асрда яшаган ўзбекистонлик машҳур ҳақимлардан. Тугилган йили маълум эмас, вафоти 1068 йил. Ўрта асрларда ҳозирги Охангарон дарёси атрофидаги ерлар «Илоқ ноҳаси» деб аталган. Илоқий шу ерда туғилганлиги учун «Илоқий» деган тахаллус олган. У дастлабки маълумоти Шох (Тошкент) медресаларидан бирида олиб, сўнг ўз билимини такомиллаштириш учун дастлаб Бухоро, кейин Ургенчага бориб таҳсил олган. Бу ерда у Ибн Сино билан учрашган. Илоқий тиббиётдан ташқари фалсафа ва тарих билан ҳам қизиққан. Тиббиёт тарихига оид асарлар ҳам ёзган. Масалан, унинг «Куллиёти тибби Илоқий» («Илоқийнинг табобат ҳақида рисоалар тўплами») номли асариде тиббиёт тарихига оид маълумотлар берилган. Илоқий Ибн Сионинг шогирдларидан бири ҳисобланади.

31. НАТУРФИЛОСОФИЯ — латинча «Natura» («Табият») ва юнонча «Phylsophia» («фалсафа») сўзларидан ташкил топган тушунча. Сўзма-сўз таржима қилинса, «Табият фалсафаси» деган маънони беради. Натурфилософия энг қадимги замон дунёқараши-

дир. Аслида философиянинг узи дастлаб натурфилософия сифатида келиб чиққан. Энг қадимги философия ўз дунёқарашиларида табият ва ундаги ҳодисалар ҳақида бугунча, яхлит фикр юритишдан, яъни натурфилософиядан бошлаганлар.

32. ДЕМОКРИТ (Demokrites) — қадимги юнонistonлик буюк файласуф-материалист. Эраминдан олдинги 460—370 йилларда яшаган. Ўша вақтда маълум бўлган ҳамма фанлар, шу жумладан, тиббиёт илми билан шуғулланган. Демокрит атомистик назариянинг асосчисиدير. Унинг фикрича, барча борлик, шу жумладан, одамнинг руҳи ҳам атомлардан ташкил топган.

Демокритнинг тиббиётга оид фикрлари ҳам диққатга сазовор. Унинг ёзишича, инсон организмнинг тузилиши ва унинг биологик хусусиятларини уш ўраб турган табият белгилайди. Бинобарин, кишининг соғлиги ҳам, касаллиги ҳам шу атроф-табиятга боғлиқ. Бу фикр ҳозирги замон тушунчасига мос келади.

33. РҲҲ — қадимги юнон олимларининг «пневма» тушунчасига яқин келади. Арабчада бу сўз «жон» деган маънони билдиради. Диний тасавурда руҳ тирик мавжудотлар ичиде яшайди. Мавжудот ўлганидан сўнг у танадан чиқиб кетади. Дуалистик фалсафий тушунчада руҳ моддий асосга эга бўлмаган тана ичидеги ғайримоддий кучдир. Ибн Сино руҳнинг мавжудлигини тани олса ҳам унинг ғайритабиий (ғайримоддий) эканлигига қарши фикр билдиради. Унинг фикрича, руҳ қон томирларида айланб юрадиган ўзига хос моддий унсур (субстанция)дир.

34. ДУАЛИЗМ — латинча «Dualis» («иккилик») сўздан келиб чиққан тушунча (назария). Дуализм назариясига биноан бутун борлик икки субстанциядан — материя ва руҳдан иборат. Бу назариянинг асосчиларидан бири Р. Декарт эди. Декартнинг фикрича, физиологик жараёнлар ва руҳ бир-бирларига боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуддирлар.

35. ПНЕВМА — бу сўзнинг луғавий таржимаси «ҳаво» деган маънони билдиради. Аммо қадимги Миер ва Юнон файласуфлари ҳамда ҳақимлар пневма деганда танада, хусусан қонда жойлашган ҳаётний кучни тушунганлар. Пневма Шарқ халқларининг руҳ (жон) деган тушунчаларига тўғри келади.

36. ЭМПЕДОКЛ (Empedokles) — қадимги юнонistonлик машҳур ҳақим ва файласуф. Эраминдан олдинги 490—430 йилларда яшаган. Эмпедокл космик унсурлар ҳақидаги таълимотни янада такомиллаштирган. Унинг фикрича, унсурлар бирлашиш билан бирга ажрალიб кетиш хусусиятига эгадирлар. Бу бирлашиш ва ажрალიш икки қарама-қарши куч (яхшилик ва ёмонлик) таъсири остида бўлади. Бу таъсирлар ўзгариб туради. Шунинг учун табиятдаги ҳодисалар ҳам ўзгариб туради. Масалан, касаллик ва соғлик алмашишиб турадилар.

37. ВИТАЛИЗМ — латинча Vitalis («ҳаётний») деган сўздан келиб чиққан тушунча. Витализм биология ва тиббиётда XIX асрда келиб чиққан идеалистик оқимдир. Бу оқим тарафдорларининг фикрича, тирик мавжудотлар организмиде содир бўлиб турувчи барча жараёнларни бошқариб турувчи кўзга кўринмас «ҳаётний куч» мавжуд. Бу тушунча Галейнинг қувватлар назариясига яқиндир. Умуман, витализм ибтидоий жамоа одамлари фараз қилган анимизмга бориб тақалади.

38. РЕФЛЕКТОР НАЗАРИЯ — латинча «Reflexus» («акс этини», «инъикос») сўздан келиб чиққан. «Рефлексе» деганда гавдадаги реценторларга бирор кучли омил таъсир эғиши натижаси-

да бутун организмда ёки айрим аъзода дарҳол пайдо бўладиган функционал фаолликнинг акс этиши тушунилади. Рефлекс жараёнига бирор жуда иссиқ нарсага, масалан, қайнаб турган сармогарга қўл тегиб кетганда қўлни дарҳол бениҳтиёр тортиб олиш яққол мисол бўлади.

39. АНДРЕАС ВЕЗАЛИУС (1514—1564) — белгиялик машҳур аниқотом. Брюссель шаҳрида ҳақимлар оиласида туғилган. Везалиус биринчи бўлиб ҳақиқий одам анатомиясини илмий жиҳатдан батафсил ўрганиб, уни асослаб берган.

40. ВАН ШУ ХЕ (265—317) — қадимги замон хитой ҳақими. У беморнинг томир уришини текшириб касалга ташхис қўйиш усулини ишлаб чиққан олимлардан биридир. Ван Шу Хе томир уришини текширишга асос солган Бянь Цяодан (к) сўнги даврда бу соҳада тулланган тажрибани умумийлаштириб ва уни ўз тажрибалари билан бойитиб «Томир уриши ҳақида трактат» номли асар яратган. Бу асарда олим ҳар хил касаллик ҳолатларида беморларда томир уриши қандай ўзгаришларга учрашини батафсил баён этган. Ван Шу Хе жаҳон тиббиётини ривожланишида жуда катта ҳисса қўшган олимлардан биридир.

41. ПАПИРУС (Papyrus) — қадимги замонларда хат ёзиш учун ишлатилган махсус қоғоз. Уни папирус деб аталувчи қамшисимон ўсимликдан тайёрлаганлар. Шунинг учун бу қоғоз «папирус» деб аталган. Тарихда шундай қоғозларга ёзилган асарлар ҳам папирус деб аталган. Қадимги Миср харобаларида тиббга оид бир неча папирус топилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЪЛАР

Ўзбек тилида

- Абу Али ибн Сино. Тиб қонунилари. I китоб. Тошкент, «Фан», 1983.
- Абу Али ибн Сино. Тиб қонунилари. II китоб. Тошкент, «Фан», 1982.
- Абу Али ибн Сино. Тиб қонунилари. III китоб. 1-жилд. Тошкент, «Фан», 1979.
- Абу Али ибн Сино. Тиб қонунилари. III китоб. 2-жилд. Тошкент, «Фан», 1980.
- Абу Али ибн Сино. Тиб қонунилари. IV китоб. Тошкент, «Фан», 1980.
- Абу Али ибн Сино. Тиб қонунилари. V китоб. Тошкент, «Фан», 1980.
- Абу Али ибн Сино. Бадаиғи идора этиш, шаробнинг фазилатлари ва унинг зарарлари//Абу Али ибн Синонинг соғлиқни сақлашга доир рисоалари. Тошкент, «Фан», 1978.
- Абу Али ибн Сино. Зийнат. Тошкент, «Чўлпон», 1992.
- Абу Али ибн Сино. Тадбирда иш қўйилган ҳар хил хато-тарғ қарши чора кўриш орқали инсон бадаиғига етишган турли зарарларни йўқотиш//Абу Али ибн Синонинг соғлиқни сақлашга доир рисоалари. Тошкент, «Фан», 1978.
- Абу Али ибн Сино таржиман ҳоли. Тошкент, «Фан», 1980.
- Абу Али ибн Сино. Тиббий ўғитлар. Тошкент, «Меҳнат», 1991.
- Абу Али ибн Сино. Шеърлар ва тиббий дoston. Тошкент, Ўзбекистон КП Марказий Комитетининг нашриёти., 1981.
- Абу Али ибн Сино ҳикояси. Қўлёзма. Ўзбекистон Республикаси Шарқшунослик институти қўлёзмалар фонди. инв. № 1752/II.
- Абу Убайд ал-Жузжоний. Ибн Сино ҳақида//«Гулистон», 1979, 6-сон.
- Абдусодиқ Ирисов. Ҳақим ибн Сино. Ҳаёти ва ижоди. Тошкент, «Ўзбекистон», 1992.
- Воҳидов В. В. Абу Али ибн Сино Қонунида хирургия масалалари. Тошкент, «Медицина», 1980.
- Ирисов А. Абу Али ибн Сино. Ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент, «Фан», 1980.
- Каримов У. П. Ибн Синога таъобатдан дарс берган олим//«Шарқшунослик» (тўплам). Тошкент, «Фан», 1990.
- Муниров Қ. Шарқ қўлёзмалари. Тошкент, Ўзбекистон ССР Фанлар Академиясининг нашриёти, 1962.
- Мусабоев Н. Қ. Юқумли касалликлар ҳақида ибн Сино мулоҳазалари. Тошкент, «Медицина», 1980.

Низомий Арузий Самаркандий. Нодир ҳикоятлар (Маъ-маъун-наводир). Тошкент, Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.

Шонсломов Ш. Ибн Синонинг тиб ҳақидаги шеърӣй аса-ри («Уржуза»). Тошкент, «Фан», 1972.

Қодиров А. Абу Али ибн Сино. Тошкент, ЎзССР Давлат нашриёти, 1953.

Қодиров А. Абу Али ибн Сино. Тошкент, ЎзССР Соғлиқни сақлаш Министрлигининг Давлат медицина нашриёти, 1962.

Қодиров А. Абу Али ибн Сино//ЎзСЭ, 1-жилд. Тошкент, 1971, 55—58-бетлар.

Қодиров А. Айлоқий//ЎзСЭ, 1-жилд (макет). Тошкент, 1967, 62-бет.

Қодиров А. А. Урта Осиёда медицинанинг пайдо бўлиши. Тошкент, «Ибн Сино», 1990.

Қодиров А. А., Саипов У. Т. Абу Али ибн Сино урта осийлик буюк медал олим. Тошкент, «Медицина», 1980.

Қодиров А. Абубакир Розий. Тошкент, ЎзССР Соғлиқни сақлаш министрлигининг давлат медицина нашриёти, 1963.

Қодиров А. Гиппократ//ЎзСЭ, 3-жилд. Тошкент, 1972, 358-бет.

Қодиров А. А. Тиббиёт тарихи. Тошкент, Ибн Сино номидаги нашриёт-матбаа бирлашмаси, 1993.

Хайруллаев М. Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккирла-ри. Тошкент, «Ўзбекистон», 1971.

ЧЕТ ЭЛ ХАЛҚЛАРИ ТИЛЛАРИДА

Рус тилида

Абу Али ибн Сина. Канон врачебной науки. Ташкент, «Фан». Кн. I—1981; Кн. II—1982; Кн. III. Том I—1979; Кн. III. Том II—1980; Кн. IV—1980; Кн. V—1980.

Абу Али ибн Сина. Трактат по гигиене (устранение всякого вреда от человеческих тел путем исправления различных ошибок в режиме). Перевод и подготовка к печати З. Бабаханова. Ташкент, изд-во ЦК КП Узбекистана, 1982.

Арзуметов Ю. С., Юлдашев К. Ю. Медицинские взгляды Ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1983.

Аскарлов А. Заболевания легких и груди по «Канону» Ибн Сины//Материалы первой Всесоюзной конференции востоковедов. Ташкент, изд-во Академии наук Узбекской ССР, 1958, с. 970—977.

Бабаходжаев Н. К. Гигиенические взгляды Абу Али ибн Сины на питание//Материалы республиканской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1979, с. 90—93.

Гален Клавдий. О назначении частей человеческого тела. М., «Медицина», 1971.

Гафуров Х. Г. Абу Али ибн Сина и значение его научного наследия в клинической хирургии//За социалистическое здравоохранение Узбекистана. 1954, № 4.

Гиппократ. Избранные книги. М., Государственное издательство биологической и медицинской литературы, 1936.

Далимов З. А. Применение физических факторов во врачебной деятельности Абу Али ибн Сины//Материалы республикан-

ской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1979, с. 97—98.

Джумаев В. К. Хирургия Абу Али ибн Сины и ее исторические истоки. Ташкент, «Медицина», 1965.

Завадовский Ю. Н. Абу Али ибн Сина (опыт критической биографии). Канд. дисс. Ташкент, 1958. Библиотека института Востоковедения АН УзССР. Инв. № Д-396.

Завадовский Ю. Н. Источники для биографии Ибн Сины//Материалы первой Всесоюзной научной конференции востоковедов в Ташкенте. Ташкент, изд-во Академии наук Узбекской ССР, 1958, с. 991—1001.

Захидов А. З., Ирмухамедов А. А. Гигиенические взгляды Абу Али ибн Сины//Вопросы санитарии и гигиены в Узбекистане. Ташкент, «Медицина», 1961, с. 3—9.

Ибн Сина (автобиография)//Материалы по истории прогрессивной общественно-философской мысли в Узбекистане. Ташкент, изд-во Академии наук УзССР, 1957, с. 117—120.

Кадыров А. А. Абу Али ибн Сина. Ташкент, «Медицина», 1964.

Кадыров А. А. Возникновение медицины в Средней Азии. Ташкент, «Медицина», 1990.

Кадыров А. А. Древняя аптека на территории Узбекистана//Медицинский журнал Узбекистана, 1987, № 11, с. 70—72.

Кадыров А. А. Древняя медицина Узбекистана (по археологическим материалам//Медицинский журнал Узбекистана, 1990, № 4, с. 72—75.

Кадыров А. А. Учение Ибн Сины о методе кровопускания//Научные труды Ташкентского медицинского института. Том XV. Кн. II. Ташкент, «Медгиз», 1959, с. 58—61.

Кадыров А. А. История медицины Узбекистана. Ташкент, Издательско-полиграфическое объединение им. Ибн Сины, 1994.

Кадыров А. А. Первая гражданская больница в древнем Самарканде//Медицинский журнал Узбекистана, 1984, № 5, с. 23—26.

Кадыров А. А., Саипов У. Т. Абу Бакр Рази. Ташкент, Государственное медицинское издательство Министерства здравоохранения УзССР, 1963.

Кадыров А. А., Саипов У. Т. Великий Среднеазиатский ученый-медик Абу Али ибн Сина. Ташкент, «Медицина», 1980.

Кадыров А. А., Саипов У. Т. Великие ученые-медики Средневековья. Ташкент, «Медицина», 1988.

Кадыров А. А., Уралов А. С. Строительство больничных учреждений в странах Средневекового Востока//Медицинский журнал Узбекистана, 1989, № 11.

Каримов У. П. О медицинском наследии Ибн Сины//Абу Али ибн Сина. К 1000-летию со дня рождения. Ташкент, «Фан», 1980, с. 122—149.

Дунин Б. В. Библиографический указатель советской литературы об Абу Али ибн Сине и изданий его произведений (1918—1978 гг.)//Общественные науки в Узбекистане, 1979, № 4, с. 39—62.

Маджидов П. М., Гордеева В. Д. Неврологические воззрения Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1980.

Махкамов Г. М. Вопросы питания в «Каноне врачебной науки»//Материалы республиканской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1979, с. 93—97.

Махмудов О. С. Вопросы педиатрии в трудах Абу Али ибн

Сины//Материалы республиканской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1979, с. 111—113.

Мирахмедов У. М. Косметика в трудах Абу Али ибн Сины//Медицинский журнал Узбекистана, 1980, № 8, с. 44—47.

Могилянцкый С. А. Офтальмология Ибн Сины//Вестник офтальмологии. М., 1957, № 3, с. 49—57.

Муминов А. И. Вопросы оториноларингологии в «Каноне врачебной науки Абу Али ибн Сины»//Материалы республиканской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1979, с. 106—108.

Урунбаев А. У. Рукописи произведений Абу Али ибн Сины в собрании института Востоковедения АН УзССР//Материалы юбилейной научной сессии, посвященной 1000-летию со дня рождения Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Фан», 1981, с. 169—201.

Фараби. Трактат об органах человеческого тела//Вопросы философии, 1978, № 10.

Хакимов Х. А., Бахрамов С. М. Канон врачебной науки о крови и ее болезнях//Материалы республиканской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1979, с. 109—110.

Халиков Қ. А., Саатов М. С., Юльдашева Н. Ю. Анатомические взгляды Абу Али ибн Сины//Материалы республиканской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1979, с. 117—119.

Халматов Х. Х., Пулатова Т. П. О лекарственных растениях, использованных Абу Али ибн Синой//Материалы республиканской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, «Медицина», 1979, с. 119—122.

Чжу Ян. Достижения древнекитайской медицины. М., «Медгиз», 1958.

Шоканбаев А. Н. Связь современных взглядов на лихорадку с эмпирическими исследованиями Абу Али ибн Сины//Материалы республиканской научной конференции, посвященной 1000-летию Абу Али ибн Сины. Ташкент, 1979, с. 59—61.

Хорижий Шарқ тилларида

Абу Али ибн Сино. Ал-адвийат ал-қалбийя. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2275. IV.

Абу Али ал-Хусайн ибн Сино. Ал-Қонун фи-т-тиб. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 3316. I.

Абу Али ибн Сино. Китаб ал-Қонун фи-т-тиб. Рим, 1593.
Абу Али ибн Сино. Уржуза фи-т-тиб (манзума, ал-уржуза). Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 3008. VI.

Абу Али ибн Сино. Тадбир ал-манзил. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 11736.

Абу Али ибн Сино. Рисола фи-сиканжубин. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2572. XXI.

Абу Убайд Жузжоний. Тарих (таржима) аҳвол шайх ар-Раис. Мажмуъа расоил ал-ҳукамо. Узбекистон Республикаси

Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2385. III.
Ибн Ҳаллиқон. Китаб вафойат ал-уйюн ва анбоъ аз-замон. Миср, 1894.

Ибн Аби Усайбна. Уйюн ал-анбоъ фи-табоқот ал-атиббо. Миср, 1882.

Жамолиддин Аби ал-Ҳасан ал-Ибн Юсуф ал-Қифтий. Китаб ихбар ал-уламоъ бо-ахбор ал-ҳукамоъ. Миср, қ. 1324.

Заҳриддин Абу-л-Ҳасан ал-Байҳақий. Таттимот суввоъ ал-ҳикма. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 1448.

Аловуддин Али Абу-л-Ҳарам ал-Қарший. Муъжиз ал-Қонун. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2409. III.

Али ибн Аббос ал-Маъжусий. Қомил ас-Синоа ат-т-тиб. Миср, 1877.

Абд ул-Фаттоҳ бини Саъид Исмоил ал-Хусайн ас-султои-пурн. Шарқ ал-Қонунча. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2556.

Фихрист кутуб мусаннифай аш-шайх ар-Раис. Мажмуъа расоил ал-ҳукамо. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2385. XI.

Қутбиддин Маҳмуд бини Масъуд аш-Шерозий. Шарҳи куллиёти ал-Қонун. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2969.

Маҳмуд бини Муҳаммад Умар ал-Чағминий. Ал-Қонунча. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 2409. I.

Абд-ул-Қайюм Абд-ул-Носир ўғли. Раис ал-Хукамо Али ибн Сино қиссаси. Қозон, 1898. Узбекистон Республикаси Шарқшунослик институтининг қўлёзмалар фонди, инв. № 1656.

Буюк турк философи ве тиб устоли Ибн Сина саснати асарлари ҳақиқида теткуклер. Истанбул, 1937.

Зиёвуддин Яхья. Ҳикояи Абу Али ибн Сина. Истанбул, 1878.

Ислам энциклопедиси. I—XI жилдлер. Истанбул, 1960—1970.

Фарбий Оврупо тилларида

Avicenna. Commemoration Volume, Calcutta, 1956.

Avicenna. Incipit translatio canticorum cum commento Averrois facta a Arabico in Latinum a Armangando de Blassi, Venetiis, 1483.

Avicenna. Liber Canonis primus quem principis Abo Ali Abinsseni de medicina ordidit. Patavia, 1479.

Avicenna. Liber Canonis Avicennae. Arabum medicorum principis ex Berardi Cremonensis versionae et Andreae Alpigi Belunensis costigone. Venetiis, ap. Juntas, 1608.

Avicenna. Libri quinquaginta. De medicina edidit, Venetiis, 1482.

Avicenna. Poeme de la Medicine texte et traduction par H. Jahier et Abdel Kadar Moureddine, Paris, 1956.

Avicenna. Quarta seu prima canonis Avicenna summe necessarios ad dietam ordinationem ad medicinam exhibitores ad manuum operationem. A rustico medicine cultore dat. Papie, 1517.

Afghan S. M. Avicenna. Hist. Life and Works. London, 1958.

Brockelmann C. B. Geschichte der Arabischen Litteratur. Bd. I. Weimar — Berlin, 1898.

- Campbell D. Arabian Medicine and the its Influence on the Middle age, London, 1926.
- Carcassone, Essai historique sur la médecine des Hébreux anciens et modernes. Montpellier, 1818.
- Casiri, Biblioteca arabo-hispana. Aescorialensis, 1760—1770.
- Córbín H. Avicenne et la recit visionaire. Teheran, 1952.
- Dobias V. Avicenna a Jeho Vyznam, Voj. zdravot. Listy. Praha, 1952.
- Edde J. Avicenna et la médecine arabe. Paris, 1889.
- Freind, Historie de la médecine per coulet, Leiden, 1727.
- Grunner O. C. A Treatise on the Canon of medicine of Avicenna. London, 1930.
- Hamarnech S. Development of hospitals in Islam. J. Historie medicine, 1962. 17.
- Hladik J. Avicennuv Vyznam profarmacii, Pharmacia, Praha, 1953.
- Ibn Chaltican. Vite illustrarum verarum ad F. Wüstenfeld, Göttingol, 1883.
- Kadyrov A. A. Z. vyvoje studia Regionalnich nemocí v Uzbecke SSR, Praha, Prakticky lekar, cislo 13, 1959.
- Kadirov A. A. La médecine des peupls de l'Asia Centrale. XXVI-e Congress Internationale d'Histoire de la Médecine, Sofia, 1978.
- Kadirov A. A., Dekhto L. Y. Public Health in Uzbekistan, Tashkent, 1966.
- Kadyrov A. A., Saipov U. T., Magzidov N. M., Gordejeva B. D. Abu Ali Ibn Sina, Zdrovotnicke nakendatelstve, Praha, 1988.
- Leclerk L. Histoire de la médecine arabe, Vol. 2. Paris, 1876.
- Lexicon der hervoragenden Arzte aller Zeit und Völker. Berlin—Wien, 1929.
- Matousek M. Avicenna a dnesek, zdrav. noviny. Praha, 1952.
- Springel K. Beitrage zur Geschichte der Médecine. Halle, 11, 1794.
- Scarzynski B. Avicenna jako lekar i przyrodnik, in «Avicenna» Pracazbiorova pod red. A. Zajaczowskiego. Warszawa, 1953. P. 113—154.
- Zajaczkowski A. Avicenna i jego epocha.—«Avicenna», Warszawa, 1953.

МУНДАРИЖА

Муқаддима	3
Ибн Синонинг ҳаёт юзли	9
Ибн Синонинг тиббий фикрлари	38
Ибн Синонинг табиблик фаолияти	65
Саломатликни сақлаш тадбирлари	65
Касалликларга ташҳис қўйиш	74
Касалларни даволаш	81
Умумий муолажа қондалари	82
Айрим аъзолар касалликлари	89
Умумий гавда касалликлари	93
Ибн Синонинг дорилар ҳақидаги фикрлари	101
Илова	113
Изоҳлар	130
Фондаланилган адабиётлар ва манбаълар	137

АСАДУЛЛА АБДУЛЛАЕВИЧ ҚАДЫРОВ

АБУ АЛИ ИБН СИНА

ЕГО МЕДИЦИНСКИЕ МЫСЛИ
И ВРАЧЕБНАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ

На узбекском языке
Ташкент, «Фан»

Мухаррир *Х. Зарипова*
Техмухарир *Л. Тюрина*
Мусахҳид *М. Саидова*

ИБ № 6637

Теринга берилди 11.09.95. Босинга рухсат этилди 29.12.95. Қозғоқ бичимини
81×108^{1/2}. «Газетная» қоғози. Юқори босма. Адабиёт гарштураси. Ҳисоб-
нашриёт т. 8,1. Шартли босма т. 7,02. Буортма 98. 1000 нусха. Қелшилган
парҳда.

УзР ФА «Фан» нашриёти: 700017, Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.
УзР ФА «Фан» нашриётининг босмахонаси: 700170, Тошкент, акад. Х. Абдул-
лаев шоҳ кўчаси, 79.

ТУЗАТИШЛАР

Бет	қатор		ёзилг а з ¹	ўқилсини
7	юқоридан	2	кифтий	қифтий
18	юқоридан	2	Гурк	Турк
18	юқоридан	19	учур	учун
119	юқоридан	14	ҳаар	ҳар
141	юқоридан	17	Шарқ	Шарҳ
141	пастдан	17	af	ав
141	пастдан	12	Berardi	Gerardi
141	пастдан	8	Mouredine	Nouredine